

Эркин ижод шукуҳи

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
“Kamolot” ёшлар ижтимоий ҳаракати
муассислигидаги ёшларнинг
адабий-ижтимоий журнали

1982 йилдан чиқа бошлаган.

Жамоатчилик кенгаши раиси:
Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:
Нажмиддин ЖИЯНОВ
Азамат УМАРОВ
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Аҳмад ОТАБОЕВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Аҳмад УСМОНОВ

Бош муҳаррир:
Нодир ЖОНУЗОҚ

Бош муҳаррир ўринбосари в.б.:
Нурилла ЧОРИ

Масъул муҳаррир:
Элёр МУРОД

Бадий муҳаррир:
Акбарали МАМАСОЛИЕВ

Тахрир ҳайъати:
Муҳаммад АЛИ
Иқбол МИРЗО
Сирожиддин САЙИД
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ
Фаррух ЖАББОРОВ

Саҳифаловчи:
Ғиёсиддин ЎНАРОВ

Журнал тахририятининг
компьютер марказида
саҳифаланди.

Манзилмиз:
Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон шоҳкўчаси, 16-“а” уй.
E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz
Тел/факс: (0371) 227-0-227,
245-5-793, 245-0-552

Босишга 15.09.2015 йилда рухсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8.
Нашиёт ҳисоб тобоғи 8.7. Индекс 822.
ISSN 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга
олинган.

Журналдан кўчириб босилганда
“YOSHLIK”дан олинди”деб изоҳланиши шарт.
“HILOL-MEDIA” МЧЖ матбаа бўлимида чоп
этилди. Буюртма № 67. Адади 2805 дон.
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишмаси.

Йигирма тўрт йил...

Икки мучаллик давр...

Ўтган вақт мобайнида Ватанимизда, ҳамюртларимиз онгида қандай улуғвор ўзгаришлар содир бўлганига гувоҳимиз.

Журналимизнинг ушбу сонидан жой олган мақола, суҳбат ва бадий асарларда ана шу эврилиш учқунлари, қирралари акс этган.

“Бутун бошли шаҳарни, мамлакатни бундай пок, ораста тутиш учун бутун халқнинг якдиллигидан ташқари, руҳияти-да, тийнатида поклик ва эртанги кунга умид бўлиши керак...” деб эътироф этади “Остона” рукнидаги мақолада тилга олинган хорижлик тадқиқотчи. Ҳа, шукрки, аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган поклик ва умид туйғуси қалбимизда мустаҳкам илдиз отди. Ёзувчи Исажон Султон таъкидлаганидек: “Дунёда ахлоқ қоидалари устувор мамлакатлар жуда оз. Ўзбек халқи эса ҳам диний, ҳам миллий ахлоқнинг энг гўзал қирраларини ўзида мужассам этган бетакрор маънавий хазинадир”.


Бундай ютуқларга, табиийки, ўз-ўзидан эришаётганимиз йўқ. Шоир Абдували Қутбиддин “Онамсан – озодлик, юзларим кўксингда,” дер экан, барча юртсеварларнинг истагини ифода этгандай бўлади. Зеро, истиқлол йилларида биз ўзимизни, ўзлгимизни англаш йўлидан бордик. Ёзувчи Шодиқул Ҳамронинг “Қақнус қанотидаги умр” қиссаси қаҳрамони ҳам ҳаёт маънисини, Бани Олам ила боғловчи риштани ахтариши онгларидаги эврилишнинг бир нишонаси бўлса, ажаб эмас. Фақат, бу янгилашиш нафасини қадрлашимиз, асраб-авайлашимиз шарт. Севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуф “Озодликни қадрига етганга бер, худойим”, деб ёзганида минг бор ҳақ эди.

Бугун мамлакатимизда ёш авлод ана шу ғоядан сув ичиб камолга етаётир. Қувонарлиси, улар ҳозирдан Сўз ва Юрт тақдири ҳақида қайғура бошладилар. “Фойдали озиқ-овқат танзимизга қувват... Бадий адабиётнинг ҳам битта мезони бор – инсон руҳига, маънавиятига фойдали бўлиш...” Бу – навқирон авлоднинг сўзи! Уларнинг устун томони – эркин тарбия топгани. Ёш ёзувчи Анвар Суюновнинг “Оқтирноқ” ҳикояси қаҳрамони “Ҳайвондир, одамдир, нимаики бўлмасин, сал эркинлик керак...” деса, ёш шоиримиз Жўрабек Жаҳон ҳур ҳаволарда парвоз қиларкан, “Мендан ўргансинлар кўкни қучишни”, дейди хушбахт оҳангда.

Шубҳасиз, бугун нафақат биз тириклар, балки ўзидан ёниқ из қолдирган ҳақсеварларимиз ҳам Озодликни пойдор этишда иштирок этмоқдалар. Чўлпоннинг “Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам ҳур туғулгонсен!”, Аъзам Ўктамнинг “Эртак айтсанг ўғлингга, ухлатмаслик учун айт!” каби мисралари бизни доимо бедорликка чорлаб туради.

Йигирма тўрт йил ичида халқимиз ўзининг асл ўзанига, кўҳна маънавий илдизларига қайтди. Бу жараёнда иштирок этаётган ҳар бир юртдошимизга миннатдорлик нигоҳи ила боқарканмиз, ўзимиз ҳам ушбу қутлуғ ишга дахлдор бўлишга интиламиз.

МУНДАРИЖА




5



38



36




58



13



32



№ 8 (291) 2015 й.

- 5 СУЎБАТ**
“Адабиёт қалбларни бирлаштиради...” Ёзувчи Исажон СУЛТОН ва адабиётшунос Гулноза САТТОРОВА суҳбати
- 10 НАЗМ**
Абдували ҚУТБИДДИН. Осмондай кенгликка сигмайди шаклим
- 56 Жўрабек ЖАҲОН.** Қалбга бир назаринг ташла, майлими?
- 13 НАСР**
Шодиқул ҲАМРО. Қақнус қанотидаги умр
- 43 Анвар СУЮН.** Оқтирноқ
- 30 ҚЎЛЁЗМА**
Муҳаммад ЮСУФ. Тавалло
- 31 УЧРАШУВ**
Мурувватхон ҒАФФОРЖОНОВА. Митти юлдуз милтирар
- 32 МУШОҲАДА**
Неъмат АРСЛОН. Ибтидо
- 36 АДАБИЙ АЛОҚАЛАР**
Радиф ГАТАШ. Янги давр шеърятининг Чўлпони
- 38 ДАВРА СУЎБАТИ**
Йўллар турли-туман, аммо мезонлар ўзгармас
- 51 ХОТИРА**
Оллоёр БЕГАЛИЕВ. Аъзам Ўктам: Бир йўл кўринур...
- 58 ТАВСИЯ**
Ёш ёзувчига маслаҳатлар
- 61 ТАРЖИМА**
Дино БУЦЦАТИ. Ишқий мактуб
- 64 ЕЛПУҒИЧ**
Элмурод НИШОНОВ. Қўқарбоевнинг янги фильми



ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

Халқимиз табиатан бунёдкорликни, яратувчанликни, ободликни яхши кўради. Буни юртимизнинг ҳар бир гўшасидаги одамларнинг турмуш тарзидан, ҳаётини тутумларидан ҳам билса бўлади. Дейлик, бир киши қурилиш бошласа, қўни-қўшнисини, яқинлари қараб турмайди, ҳашар бўлаётган хонадонга албатта кириб келади. Ҳар бири ўз ҳиссасини қўшсам дейди. Бундай пайтларда ҳазил-мутойиба ва ҳамжиҳатлик, орзумандлик кайфияти ҳукмрон бўлади. Тўғри-да, одам уй тимсолида ўзининг орзу-ҳавасини қуради. Шунинг учун ҳар бир қўйилган гиштдан, юксалишдан кўнгли тоғдек ўсади. Бу уйда яхши кунлар кўп бўлсин, деб ният қилади. Ана шундай эзгу ниятлар билан одамларнинг онгу тафаккури ўзгариб, нурланиб боради.

Мухтарам Президентимизнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” китобида келтирилган **“Озод ва обод юртда яшайдиган, янгича фикрлайдиган одамларнинг уйлари ҳам, уларнинг ҳаёти, турмуши ҳам гўзал ва фаровон бўлиши керак”**, деган сўзларида катта ҳаётини ҳақиқат акс этган. Китобни ўқирканмиз, кўз олдимизда бугун мамлакатимизда кенг қулоч ёйган янгиланиш жараёни бор бўйи билан гавдаланади. Бу жараён – Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз томонидан жа-

миятга татбиқ этилган эзгу ғояларнинг ҳосиласидир.

Хўш, одамларда янгича фикрлаш қачон, қай тарзда шаклланди? Шўро даврини эслайлик. Бир қулоч ерга зор бўлиб, қишлоқлардаги каталақдек гувала уйларда, иқлим ва халқнинг миллий қадриятлари ҳисобга олинмай қурилган биқик шаҳарлардаги гугуртқутидек бетон хоналарда яшаган одамларнинг дунёқараши ёдингиздадир!?! Ўша пайтдаги шаҳарларимиз аллақачондан кўчириб келтирилгандек, кўчма шаҳарга ўхшарди. Мен мактабни битириб, Фарғонага ўқишга ҳужжат топширгани борганимда шаҳар хўмрайиб, қовоғини солиб, бегона бўлиб тургандек туюлган, ҳавонинг оғирлигидан кўнглим беҳузур бўлганди. Шаҳарларнинг бу ҳолати кишиларнинг феъл-атвориға, ўзаро муносабатига, тилиға, муомаласига, турмуш тарзига, энг ёмони, фарзандлар тарбиясига ҳам кўчиб ўтганди.

Мана шундай шароитда бизни асл илдишларимизга, азалий қадриятларимизга, ўзлигимизга қайтариш, кўнгишларга ободлик, руҳиятга равшанлик олиб кириш учун Президентимиз ишни тарихий адолатни тиклашдан бошлади. Шўронинг қаттол сиёсати туфайли оёқости қилинган муқаддас зиёратгоҳлар тикланди, номи унут бўлган буюк даҳоларимиз, азиз авлиёлар, мутафаккир зотларга эҳтиром кўрсатилди. ➤

Уларнинг табаррук хоки ётган масканларни зиёрат этиш минг-минглаб кўнгилларга ободлик, халқ руҳиятига поклик, ўзига ишонч, гурур-ифтихор бағишлади.

Навий ҳазратлари айтганларидек:

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.*

Бугун мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқлари тубдан ўзгариб, чирой очиб бораётганини нафақат ўзимиз, балки дунёнинг манаман деган давлатларидан келаётган меҳмонлар ҳам ҳавас билан гапиришяпти. Диёримизга жаҳон аҳлининг қизиқиши, эътибори қанчалар кучайганини биргина мисолда кўриш мумкин: АҚШдаги нуфузли “The Huffington Post” нашри Самарқандни жаҳондаги инсон ўз умри давомида албатта бориб кўриши зарур бўлган энг гўзал 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этган.

Шу кунларда юртимизга келиб, илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган мичиганлик адабиётшунос олим Кристофер Форт тўлиб-тошиб ўз ҳайратларини ифода қилади:

– Мен дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман. Лекин Ўзбекистон каби мамлакатни, Тошкентдек бетакрор шаҳарни кўрмадим. Биринчи кўзга ташланадиган жиҳат – шаҳарнинг ниҳоятда саранжом-саришталиги, покизалигидир. Бу ҳолат одамларнинг юзига, феъл-атвориға, ва албатта, кўнглиға кўчгани табиий. Бутун бошли шаҳарни, мамлакатни пок, ораста тутиш учун халқнинг яқдиллигидан ташқари, руҳиятида, тийнатида поклик ва эртанги кунга умид бўлиши шарт. Бу умид, айниқса, юртингиз ёшларининг юзида балқиб туради...

Эшитганингда кўнглингни гурурга тўлдирадиган, юксак эътирофларға сабаб бўлаётган ишлар бизнинг кўз ўнгимизда, ҳаётимизда рўй берапти. Президентимиз таъкидлаганидек: **“Совет даврида фақатгина эртанги кун, эртанги кун, дейилар эди. Ёруғ кунни нафақат болаларимиз кўриши керак, балки бугун яшаб турган замондошларимиз, яқинларимиз, ота-онамиз, ҳозирги авлод ҳам бундай ҳаётни кўрсин, турмушимиз кундан-кунга яхши бўлаётганини кўриб, хурсанд яшасин”**.

Қишлоқларда барпо этилаётган намунали, шинам уйлар, истеъдодли ёшларға имтиёзли кредит



асосида берилаётган “Камолот” уйлари ёшларнинг турмуш тарзини, энг асосийси, ҳаётға қарашини қанчалар ўзгартирди! Мазкур хонадонларда гигиена масалаларидан тортиб, оиланинг ҳар бир аъзоси учун керакли қулай шарт-шароит яратилган. Энг муҳими, бунда халқимизнинг миллий қадриятлари тўла ҳисобға олинган. Кўтлаб юртдошларимиз ҳозирда ноқ ана шу уйлардан андоза олиб, намунали лойиҳа асосида ўзлари ҳам уй-жой қуришни бошлаб юборгани кишини қувонтиради.


Мен янгидан бунёд этилган, баҳаво, кўчалари кенг, миллий ва замонавий архитектура уйғунлигида қад ростлаган Фарғона

шаҳридаги Янги санъат саройининг очилишиға борганимда бир пайтлар таълим берган кекса устозим билан ёнма-ён ўтириб, суҳбатлашиб қолдим. Кўпни кўрган, мулоҳазали домлам тўлқинланиб:

– Қаранг, Иқболжон, мухтарам Юртбошимиз инсон ҳаётининг моҳиятини биргина гап билан ифодалаб берди: **“Инсон бахтли бўлиш учун дунёға келади!”** Қандай ҳаётий, топиб айтилган гап-а! – деб қолди. Домланинг гапларини тингларканман, шууримни бир фикр ярқ этиб ёритиб ўтди: “Инсон бахтли бўлиш учун дунёға келади, шунингдек, одамларни бахтли қилиш учун буюк инсонлар дунёға келади!”

*Шижоатнинг, жасоратнинг маҳсули бу,
Ироданинг, заковатнинг маҳсули бу,
Улуғ Инсон танлаб олган ҳақ йўли бу,
Ўзбекистон, бундайин бахт ўзи келмас,
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас!*





Исажон СУЛТОН

1967 йили туғилган. ЎзМУ журналистика факультетини тамомлаган. “Муножот”, “Ойдинбулоқ” каби ҳикоя ва қиссалар тўплами, “Боқий дарбадар”, “Озод” романлари муаллифи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

АДАБИЁТ ҚАЛЪЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ...

Ёзувчи Исажон Султон ва адабиётшунос
Гулноз Сатторова суҳбати

– Аввало, ижод ҳодисасига таъриф бериб ўтсак. Ижод моҳияти ҳақида турли талқинлар бор. Бу борада бир-бирини тўлдирадиган, шунингдек, рад этадиган мулоҳазалар ҳам таллайгина. Шахсан сиз бу сирли ҳодисага қандай изоҳ берасиз?

– Менимча, бу саволнинг жавоби ғоялар турли-туманлигига қараб бўлади. Кимдир уни кўнгилхушлик ёки кишилар кўнглига ёқадиган томоша ҳодисаси дейди. Яна кимдир эса яратувчилик деб таъриф беради. Менимча, ижод санъаттагина хос атама эмас. Яратилган ҳар қандай янгилик тафаккур меваси бўлиши билан бирга, ижод маҳсули ҳамдир. Мавзуга шу тарз ёндашсак, моҳиятга яқинлашиб борган бўламиз. Янги кашфлар асосида яратилган технологиялардан тортиб то иқтисоднинг янги, самарали моделларигача – бари бирдай ижод эмасми? Айтайлик, кимдир шу маҳалгача фанга маълум қонуниятларни синчиклаб ўргангач, қай бир ҳодисада етишмаётган бир ҳалқа мавжудлигини пайқаб қолган онидан бошлаб ижодкорга айланаверади. Мисол учун, бобомиз Абу Райҳон Беруний сайёрамизнинг оғирлигини аниқлар экан, ҳисобларнинг тугал чиқиши учун уммон ортида яна қуруқлик бўлиши керак, деган маҳалидан ижодкорга айланган бўлса, француз олими Леверье Уран сайёрасининг айланиш чизиғини кузатиб, маълум нуқтада оғиш борлигини пайқаган онидан бошлаб ижодкор эди.

Моддий маҳсуллар ҳам санъатдир, фақат ҳиссий таъсири оз бўлгани учун уларни санъат демаймиз, бу ўринда яна хато қиламиз, назаримда. Масалан, бир киши геометрия, физика, кимё ютуқларидан фойдаланиб, муҳандислик ижоди ўлароқ ажойиб бир кўтрик қуради, у минглаб кишилар мушкулени осон қилишидан ташқари, вақт-соати келиб санъат асарига ҳам айланиб кетади. Айтмоқчиманки, санъат бирламчи, яъни ибтидодаги кўринишида ҳар ерда мавжуд. Фақат, уни илғай олиш қобилиятини ривожлантириш керак, менимча. Умуман олганда, халқимиз ардоқлайдиган санъат – инсонни инсонийликка, меҳру муҳаббатга ундайдиган санъатдир. ➤

– У ҳолда, адабиёт ҳақида ҳам шундай дея оламиз, шундайми? Негаки, азал-азалдан бизда адабиёт инсон камолотига, уни руҳан, маънан юксалтиришга хизмат қилиб келган. Бугун дунё адабиётида турли эврилишлар юз бераётган чоғда ҳам, назаримда, биз ўша эзгу ғоядан асло чекинмаслигимиз керак, деб ўйлайман...

– Албатта. Бизга кўра, адабиёт халқнинг орзу-умидларини, армонларини, маълум давр аро яшаб ўтган умрини, шу умрни инсон ўлароқ яшаб ўтиши учун нималар қилиши кераклигини акс эттиради. Қолаверса, халқимиз адабиётдан жуда муҳим вазифани талаб қилади: яъни, ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилсин, дейди. Бу худди “Илм ўргатиб беринг”, деб боласини устозга топширган кишига ўхшайди. Шунинг учун унга катта қиймат берамиз, маълум бир кишининг ҳою ҳаваслари тасвирланган асарлардан кўра покликка, инсонийликка чорлайдиган, етишимиз шарт бўлган нурли манзилларни кўрсатиб берадиган ёруғ асарларни севамиз.

Мисол учун, Навоий бобомизнинг машҳур мисраларини келтирсам:

*Тухм ерга кириб чечак бўлди,
Қурт жондан кечиб ипак бўлди.*

*Лола тухмича гайратинг йўқми,
Ипак қуртича ҳимматинг йўқми?*

Ибтидодаги санъатдан хулоса чиқариб, теран тафаккур ҳосил қилган фикр болини она тилнинг бетакрор жилвалари аро тақдим этишнинг ажойиб мисоли эмасми бу?

Мана шу сабабдан ҳам адабиёт Шарқда бениҳоя қийматли хазинадир. Қайлардадир томоша ёки инсон туғёнларини изҳор этиш воситаси, қайдадир эса тафаккур ўйинидир.

– Бугун инсоният онг-шуурида оламшумул ўзгаришлар содир бўлмоқда. Минг йиллик қадриятлар, анъаналарга қайтадан баҳо берилмоқда. Айрим тушунчалар ўз қадрини йўқотиб, бошқа қадриятлар шаклланмоқда. Қизиғи, битта ҳодисага дунёнинг у четидаги одам бошқача, бу четидаги одам бошқача муносабат билдирмоқда. Шундай вазиятда бадий мезонлар ҳам ўзгармадимми, умуман, бадийатга эътибор сусаймадимми?

– Йўқ. Қайлардадир сусайган бўлса бордир, лекин бизда эмас. Халқнинг қадриятлари ўзгармас экан, у талаб қиладиган мезонлар ҳам, уни яратувчиларнинг лаёқати ҳам ўзгармайди. Шу сабабли ҳам биз шоирга шеър ёзадиган шахс эмас, мутафаккир деб

қиймат бераверамиз. Бунга энг ёрқин мисол – Алишер Навоий бобомиздир. Бугун замонавий дунёнинг янги атамалари орасида “маданият ташувчиси” деган сўз пайдо бўлди. Маълум элнинг урф-одатларини, анъаналарини, тарихини ва бугунини ўзида жо айлаган киши шундай деб аталади. Лекин таёқнинг иккинчи учи ҳам бор: демак, маданият ташимайдиганлар ҳам бор эканки, “ташувчи” дея тасниф қилинмоқда. Биз эса унинг ўрнига “маънавияти юксак” деган иборани қўллаймиз. Фарқни кўряпсизми?! Юксак маънавиятнинг қанчалар қудратли куч эканини биламиз. Шу сабабдан ҳам турли-туман ҳаётий мисолларни киши онгига рўтара қиладиган, тафаккур йўлларини кўрсатадиган, инсон заҳматларини, севинчларини, орзу ва умидларини акс эттирадиган асарларни излайверамиз.

Халқимиз адабиётдан жуда муҳим вазифани талаб қилади: яъни, ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилсин, дейди. Бу худди “Илм ўргатиб беринг”, деб боласини устозга топширган кишига ўхшайди.

– Демак, бугун ўзгараётган дунёда ўз қиёфамизни, ўзлигимизни сақлаб қолишга интилар эканмиз, халқимизнинг бадийатга муносабати ҳам бетакрор, ҳеч кимга ўхшамайдиган бўлиб қолишини таъминлар эканмиз-да?

– Албатта. Мисол учун, “она юрт” деган тушунчага диққат қаратайлик. Баъзи халқларда у “уйим-маконим” деган маънодан, бошқаларида эса “авлод” ва “туғилмоқ” деган маънолардан турланади. Бизда юрт дейилгани заҳоти кўз ўнгингизга бепоеъ маконлар, уйлар, дарахтлар, табиат, воқеа-ҳодисалар ва, албатта, инсонлар келади. У бирданига жуда кенг маъноларни қамраб олганини кўраемиз. Яъни, юрт бизлар учун – бир инсоннинг туғилиб ўсган, кўз қорачиғидай асраган, жонини фидо қиладиган бойлиги, бир улуснинг озод ва мустақил ўлароқ яшайдиган тупроғи, ҳавоси, сувидир. Халқ деганимиз фақат ватан дейилган тупроқ парчаси устидагина мавжуд бўла олади. Шу сабаб юртдош, ватандош деймиз. Биз тилга олган бетакрор тафаккур тарзи боис жонсиз нарсалар ҳам

тимсолга айланиб кетади. Масалан, онасини соғинган бир ўғил марҳум онаси экиб кетган райҳонлар олдида узоқ ўтиради... Бор-ўғи бир йил яшайдиган шу эфемер ўсимлик унинг учун муқаддас ватаннинг бир бўлагига айланади. Ерга тушган нон увоғини олиб, кўзига сурган одамга кимдир “бечора” деб ачиниши мумкин. Биз эса “Худо берган неъмат исроф бўлмасин, ризқимиз-ку”, дея кўзимизга сураимиз. Булар – ўзлгимиз биносининг муҳташам устунларидир.

Бизнинг санъат, бизнинг адабиёт мана шу муҳитдагина ғоятда ранг-баранг, севимли ва ниҳоятда гўзал. Масалан, чиғаноқ парчасини ўзи бино бўлган сувга солсангиз, ақл бовар қилмас товланишларини кўрасиз.

– Миллий қиёфамизни, минг йиллик қадриятлардан куч олган адабий эътиқодимизни сақлаб қолишга уринишимиз таҳсинга сазовор, лекин бу ҳолатга бегона кўз билан қарайдиган бўлсак, бир саволга жавоб бериш керак бўлади: фақат миллий ўзандан сув ичган адабиёт ўша халқ учунгина қадрли бўлиб қолмайдими?

– Асло. Маънолар ҳақида сўз юритяпмиз-ку? Булар – биз суйган, қалбимиз севиниб қабул қиладиган маънолардир. Шу мазмунни бошқалар тушунолмаслиги мумкинлиги ва бунинг табиий экани ҳақида гапиряпмиз. Дунё тан олган баъзи асарларни бегонасираб мутолаа қилишимизнинг, узоқроқдан туриб кузатишимизнинг сабаби шунда, чунки барчамиз мана шу мазмун билан тўлганмиз, унга бошқа мазмун халал беришини истамаймиз.

Мазмун дедик. У ниҳоятда қудратли бир унсур. Қўллардан ерга тушиб, боғларни ёндирадиган чақмоқдан ҳам кучли. Инсон ичидаги ўй-хулосаларини ёндириб юбориши мумкин. Шу сабабли ҳам, ичу таши халқона мазмун билан тўйинган киши ўзга мазмунларда хавф кўради. Инсонни инсон айлагувчи унинг фикрлари ва ҳис-туйғулари эмасми? Ана шуни ўзгартириб юборадиган унсурлардан хавотир олиши ҳам табиий ҳол.

Ўз “мазмун”имиз аввало, уни англай оладиганлар учун қадрли, албатта. Бадиий асарларнинг бошқа ўлкаларда эътироф қилиниши эса ёқимли ҳолат, яъни ўзбекона тафаккур тарзининг бошқа мазмун ила тўлган халқлар учун қизиқарли, жозибатор бўлиб чиқишида.

– Лекин бугун – ахборот асри, ҳеч қайси халқ ўзини ихоталаб, ташқи таъсирлардан бутунлай ҳимоя қила олмайди. Хусусан, адабиёт майдонида ҳам. Бунинг ижобий жиҳати ҳам бор. Янги, илғор услублар ўзлаштирилади, миллий адабиёт имкониётлари кенгайди. Бадииятимизга, адаби-



ётимизга сўнгги йилларда кириб келган замонавий унсурларни кузатарканмиз, шундай хулосага келамиз...

– Албатта, бу табиий ҳол. Тасвирий санъатга кубизм, сюрреализм, постмодернизм кириб келганига кўп бўлди. У усуллар, айтайлик, Ямайкадаги оила ҳаётини тасвирламайди-ку? Яна ўзимизнинг инсонимизни тасвирга муҳрлайди.

Усуллар, шакллар ўзгарса-да, адабиёт ўз ишида давом этаверади – у солномачидир. Тарих китоблари маълум даврда рўй берган воқеалардан дарак берса, адабиёт ўша давр кишиларининг кечинмаларидан сўз юритади, руҳиятига назар солади.

Замонавий усуллар кириб келмай иложи йўқ. Дунё ўзгармоқда, унга қўшилиб биз ҳам ўзгаряпмиз. Ҳамма гап қалбларимизни тўлдирган мана шу ажойиб мазмунни келажак авлодларга узата олишимизда қолмоқда.

Дунёда ахлоқ қоидалари устувор мамлакатлар жуда оз. Борлариям маънавиятсизлик гирдобига чўмиб бормоқда. Ўзбек ахлоқи эса ҳам диний, ҳам миллий ахлоқнинг энг гўзал қирраларини ўзида мужассам этган бетакрор маънавий ҳазинадир. Бунга мисоллар жуда кўп, улар қаршисида ақлингиз шошади. Масалан, диний эътиқодлар ота-онани эъзозлаш улкан савоб эканини, исрофнинг гуноҳлигини, киши қалбига озор етказиш имондан эмаслигини ва шунга ўхшаш жуда кўп ўғитларни минглаб йиллар давомида кишилар онгига уқтириб келади. Бизда эса у аллақачон халқона қадриятга айланиб бўлган. Ҳалоллик, поклик, киши шахсига ҳурмат... Элимизда булар шу даражада мафтункорки, бошқа бирор жойда бундай гўзалликни учратмайсиз. Шунча йиллик маҳдудлик орасидан ўз қадриятларини ёмби каби эъзозлаб бус-бутун сақлаб келгани эса, ҳақиқатан ҳам, мўъжиза.

Адабиётимиз мана шу жиҳатидан ҳам қийматли, бетакрордир.



– Сўнгги йилларда ҳаётимиз, тушунчаларимиз қанчалик ўзгаргани ўзингизга аён. Биз инсонга бундан ўттиз-қирқ йил олдинги қолиплар асосида баҳо бера олмаيمиз. Даврлар синовига дош берадиган асарларда замондошимиз нафасини туйгимиз келади. Хўш, айтинг-чи, бугун яратилаётган асарларда янги давр одамларининг образи намоён бўляптими?

– Ҳа, бугуннинг одами кечаги кишидан фарқ қилади. У ўзининг кеча ким эди-ю, бугун ким бўлганини мулоҳаза қилаётган шахсдир. Узоқ йиллар дунёдан айри яшаган зот ҳозир ўз юртида мустаҳкам тургани ҳолда дунёдаги воқеаларни синчиклаб кузатиб, хулосаларини чиқармоқда. Шу сабабли тўла ишонч билан айта оламанки, бугуннинг қаҳрамони – тафаккур қиладиган кишидир. Етарли билим ва хулосага тўйингач, албатта, ўзининг сўзини айтади.

Бугун адабиёт учун мавзу бениҳоя кўп ва хилма-хил. Янги, озод авлод етишиб келди, улар айтишлик, қачонлардир Совет иттифоқи деган империя бўлганини ва ўз эл-юрти ўша империя зулми остида яшаганини фақат дарсликлардан билади, инсон қаддини букчайтириб, онгини майиштириб ташлаган босимлардан беҳабар. Бу авлодни олға бошлаётган мақсадлар, ғоялар, ниятлар қанақа? Улар қалбида инсонийлик деган тушунча қанчалар бойиди? Муқаддас қадриятларимиз уларнинг юрак заминида мустаҳкамми? Ер юзида миллатию халқини билмайдиган, тирик-

Бугун миллий адабиётимизда ўзбек кишисининг фазилатлари, ҳеч кимга ўхшамайдиган қирралари, дунёдаги воқеа-ҳодисаларга, оилага, эл-улусга, зурриёдига, ота-онага муносабати бадийий аксланиши керак.

чилик кўйида дайдиб юрадиган янги оломон пайдо бўлмоқда, фан тилида у “биомасса” деб аталмоқда. Ўз мазмунини, яъни ўзини инсон айлаб турган маънавий заминни тарк этиб, ўзга ҳар қандай мазмун билан тўлишга тайёр кишилар оломони дунё бўйлаб бахт-содат излаб изғимоқда. Мағиз фақат ўз қобиғи ичида-

гина мавжуд бўла олади. Юртимиз ичидаги бетакрор ҳаётни дунёнинг кўп ўлкаларидан топа олмайсиз, мен буни тўла ишонч билан айта оламан. Шу ва шунга ўхшаш талотўтлар аро кишиларимиз қалби акс этган асарлар ёзилиши керак, деб ўйлайман.

Қаранг, кечаги кунни акс эттирган асарлар йиллар ўтиб муҳим этнографик манбага айланди, баъзи анъаналаримиздан, кишиларнинг қандай бўлганидан ҳикоя, қиссаю романлар орқали хабар топамиз. Бугуннинг ҳаёти акс этган ҳикоя, қиссаю, романлар ҳам яна аллақанча йиллар ўтгач, ана шундай манбага айланса, ажаб эмас.

– Энди бутун дунёда урф бўлган “юксак санъат” деган атамага изоҳ бериб ўтсак. Бундай “хос санъатлашув” бадийятнинг халқдан узилиб қолишига олиб келмасмикан?

– Хийла мураккаб мавзу. Жуда кўпчилик санъат чўққиси деб ҳисобланган асарларни ўқигиси келади. Шу жумладан мен ҳам ўзим билганларимдан кучлироқ бошқа мазмунларга интиламан. Бундай жараён умр охиригача давом этса керак. Ардоқли асарлар умр паллаларига қараб ўзгараверар экан. Ўқувчилик чоғларимизда севган асарларимиз билан ҳозир ёқтирадиганларимиз орасида ер билан осмонча фарқ бор. Масалан, талабалик пайтимда Маҳмуд Кошғарийнинг машҳур “Девону луғотит-турк” асарини тушунолмас эдим. Ҳозир шу китобни қўлимга олсам, бепоеён яйловларда эсан еллар, ёввойи ифорлар, кўй-кўзилар баъраши, қадди типпа-тик, озод эркак-аёллару болалар овозини эшитгандай бўламан, у менинг онгимга минг йил олисдаги ҳаёт тарзидан хабар беради.

Айтмоқчиманки, бу ўринда ҳам маънавий юксалиш масаласи турибди. Муҳтарам олимларимиз, адибларимиз инсоният тафаккурининг гултожи ҳисобланган турли-туман асарларни ўқиб чиқишгач, яъни руҳияти инжа билимлар билан тўйингач, янада мукамалроқ асар ўқишни исташади, шу сабабли адабиёт илмида жуда чуқур шўнғишади ва феномен асар талаб қилишади. Лекин улғайиб келаётган болалар ва элнинг бепоеён ҳудудларида яшаб умр кечирётган содда кишилар ҳам бор, олим етган даражага етиш учун улар яна анча-мунча йўлни босиб ўтишлари керак. Адабиётнинг соддалашуви мана шу тарзда рўй берса-да, уни сираям содда адабиёт деб бўлмайди, у бор-йўғи мураккаб шакллардан холи, мағизнинг ўзидангина иборат адабиётдир. Ўн олти яшар болакай Арасту асарларини тушунолмаслиги табиий. У бола моҳиятни англай оладиган бўлгунча ўша даражага етиб боришига хизмат қиладиган асарларни мутолаа қилади, шу тариқа босқичма-босқич юксалиб бораверади. Математикани арифметикадан бошлаб, олий тригонометрия билан тугаллаганимиз ҳолда адабиётимизда ҳам мана шундай изчил тадриж масаласи пухта ишлаб чиқилмоғи зарур.

Кўламини кенгроқ олиб қарайвериш керак. Кечагина маҳдудлик замонида ўзлигини бир амаллаб сақлаб келаётган кишилар тақдирдан баҳс этиларди. Адабиёт эл орасида обрў-эътибор қозонган фазилатлар эгаси сифатида ғоят оддий одамлар тақдирини қаламга оларди. У даврнинг кишилар онгида қолдирган яра-чандиклари нималарда намоён бўлади? Қишли-қировли далалар, териб олинган ҳосилнинг қолган-кутганини ҳам тўглашга ундайдиган чорловлар, болам-чақам деб заҳмат чекаётган эл, фарзандларнинг ноаниқ келажаги, тақиқлар, чекловлар... Энди эса юзлаб турли-туман фалсафалар, қарашлар, ҳийлалар ва манфаатпарастлик ўйинлари давом этаётган замонавий дунёдаги озод ўзбек шахси талқини яратилиши керак. Давр кишиси образи яратилса, менимча, одамлар талашиб-тортишиб ўқийди. Шунда боя айтиб ўтган фикримизнинг тўғри эканига яна бир қарра амин бўламиз: ижодкор нафақат ўз халқининг, балки дунё халқларининг тарихини, миллатларнинг қалқиниши ва таназзули қонуниятларини, инсоният бошидан кечирган кўргиликларни, озодлик учун берган қурбонларини, янги илмий кашфиётларни, ўз халқининг кечаги кунини, бугунги орзу-армонларини ва келажагини ҳам истеъдоди ёруғида кўра олиши шарт бўлиб қолмоқда.

– Чиндан ҳам, чинакам истеъдод, катта қалб эгаси нафақат ўз халқининг, балки бугун дунёнинг қайғусини чекади. У курраи заминимизда тинчлик, адолат каби эзгу тушунчалар устувор бўлишини истайди. Миллатидан, ирқидан қатъи назар, барча асл ижодкорлар ўзаро маслақдош саналади.

– Ҳа, айнан шундай. Санъат, адабиёт кишиларни, халқларни бирлаштиради. Жуда улуғ бир вазифа мана шундан келиб чиқади. У – эзгулик хизматида камарбаста бўлишдир. Адабиёт воситасида муайян бир халққа хос фазилатларни бошқаларга “юқтириш” ҳам шу хизматнинг бир қисми ҳисобланади. Бугун миллий адабиётимизда ўзбек кишисининг фазилатлари, ҳеч кимга ўхшамайдиган қирралари, дунёдаги воқеа-ҳодисаларга, оилага, эл-улусга, зурриёдига, ота-онага муносабати бадиий аксланиши керак. Халқлар ва маданиятлар ассимиляцияси рўй бераётган, турли-туман манфаатлар қуршовида тафаккурлар ўзгариб кетаётган замонавий дунёда ўзбек халқи ўзлигини бус-бутун сақлаб турибди. Бу – ҳақиқатан ҳам, мисли кўрилмаган ҳодиса. Ҳалигача минглаб хонадонларда фарзанд юзини ювгач, ота-онаси олди-га кириб салом бермоқда, рўзғори бўлак ўғил ишдан қайтаркан, албатта улуғлари ёнига бирров кириб, ҳол-аҳвол сўраб чиқмоқда, онахонлар ҳалигача бир қатра қуруқ ер кўрса, райҳону ялғиз қадаб, бўстон барпо этишга уринмоқда, отахонлар болаларимга дея дов-дарахт экиб, боғ яратмоқда. Хавотирга ҳожат йўқ,

бу – чиндан ҳам, кучли ва ниҳоятда қадим илдизларга эга халқдир. Бойлик ва мол-дунё ҳирсидаги кишиларнинг ҳаёти доимо бир хил ва бир-бирига жуда ўхшаш. Эл-улус хизматида бел боғлаган, халқ руҳини, маданиятини бус-бутун ўзига сингдирган кишиларнинг ҳаёти эса ардоққа лойиқдир. Давлатимиз раҳбарининг мана бу сўзларига эътибор берайлик: **“Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятни эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”**.

Адабиётни ҳам, бошқа соҳаларни ҳам мана шу элнинг тараққиёти учун, келажаги учун хизмат қилиши керак деган катта ғоя бирлаштириб туради. Бугун яратувчилик деган азим бир жараён ҳукм сурмоқда. Нафақат санъату адабиётдан, балки бошқа барча соҳалардан ҳам яратувчилик талаб этилмоқда. Эндиликда шахсияти яксон қилинган кишиларнинг кўр-кўрона итоатли меҳнати эмас, ижодий қобилияти, яратувчилик истеъдоди зарур деб бонг урилмоқда.

– Бу талабни ўз вақтида, тўғри тушунганлар барча соҳаларда муваффақиятга эришаётганига гувоҳмиз. Лекин улкан эврилиш жараёнида юз берадиган катта ҳодисаларни ҳамма ҳам тезкорлик билан идрок эта олмайди, шекилли-да...

– Тўғри. Лекин бу йўлда айнан санъат турлари, хусусан, адабиёт кўмакка келиши керак, деб ўйлайман. Йўқса, ота-боболаримиз қадим замонлардан бери авайлаб авлодларга етказган шу руҳ, шу мазмунни задалаб қўйиш хавфи бор. У мазмун тоза ва покиза ҳолича болалар қалбини тўлдириши керак. Бугун адабиёт учун жуда кўп ва хилма-хил мавзу бор. Адабиётимиз мана шу талотўплар орасида, боя таъкидлаганимиздай, қобигини бошида кўтариб унган ниҳолни пайқаш ва парвариш қила олиши ҳам керак. Йўқса, турли таҳлил усуллари-нию ҳар турли бадиий йўналишларни сарҳисоб қилиб ўтиришдан нима наф?

Бугунги илмга чанқоқ болаларимиз худди ўн олти яшар ибн Сино кабидирлар. Яъни, улар Арастунинг “Метафизика”сига улуғ устоз Абу Наср Форобий ёзган шарҳни, албатта, ўқишлари керак. Бу – бир мажоз, аммо бугуннинг ҳодисаларига у шарҳни ким ёзади?

Гап мана шунда эмасми?

Осмондай кенгликка сифмайди шаклим



Абдували ҚУТБИДДИН

1960 йили туғилган.
ЎзМУ журналистика
факультетини тамомлаган.
“Найсон”, “Хумо”, “Бахтли
йил”, “Хаёл кечаси”, “Сен ва
сен учун”, “Узоқдан олисга”,
“Бор” каби тўпламлари
нашр этилган. Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
журналист.

Озодлик (достондан парча)

*Озодлик, сени мен кўзимнинг
Қони-ла ювганман,
Сен-ла илиганман, сен-ла совиганман.
Юрагим ичида жаҳондай кўрганман..*

*Онамсан – озодлик, юзларим кўксингда,
Қўлларим бўйнимда, мени сен севгайсан.
Очликдан кўрқмасман, риёдан кўрқарман,
Қулмасман, қулликка бормайман, Озодлик!
Бормасман оёқлар остига..
Сен мени эрка капалагимсан,
Бошимга қўнгансан, бошимдан кетмайсан,
Қизимсан, қизил қизгалдогимсан,
Оримсан, номуссан – сендан кечмайман,
Озодлик!*

*Озодлик – сен тоғсен, дастқам эмассан,
Шошсан, Самарқандсан, Қўқонсан, Гурганж.
Сўлимсан, ўлиммас – сен Насафимсан,
Соримсан, оримсан, ўт нафасимсан.
Сенсиз қандай яшай – ҳавосан, сувсан,
Жаҳонсан, жонгинам, ютоқганимсан,
Сенсиз ҳаёт борми, Озодлик!
Сенсиз нажот борми, Озодлик!*

*Сурурдан чанқадим,
Фурурдан чанқадим,
Кўзу қарогингдан
Сув бердинг, Озодлик!
О, бу қандай сув эди, Озодлик!
Тирноғу сочимга тўқлик югурди,
О, азиз лавзатим – Озодлик!
Юрагим тўқ энди, Озодлик!*

Эй дилбарим

Оҳумидинг ёбонимда сув излаган,
 Ёҳумидинг томонимда лаб излаган,
 Даллигина жаҳонимда,
 Сийму зарим:
 – Эй дилбарим...

Чашимамидинг, тошилар узра тўқиласан,
 Уфқумидинг, қуёш кетгач йиқиласан,
 Ямоқ тушган ҳаётимда
 Сен чеварим:
 – Эй дилбарим...

Бий далада қуюн ила сочилдинг-а,
 Ўртасида явшан ила очилдинг-а,
 Юрагимга қадаб қўйган
 Оқ гавҳарим:
 – Эй, дилбарим...

Кошкийди, то қиёмат биз ёнма-ён,
 Кошкийди, то қиёмат биз жонма-жон.
 Гулхан ёқиб узун туннинг этагида,
 Билагимиз тилиб қўйсак уст-устига.
 То қиёмат
 Зикр айтсам?
 Моҳнайкарим,
 То қиёмат зикр айтсам, моҳнайкарим:
 – Эй дилбарим...

Лаҳза

Митти бир лаҳзага сизсак иккимиз,
 Кўксимга бош қўйсанг
 Ва шивирласанг.
 Бармоқлар қовушиб ёнса илгимиз,
 Дудогинг тойгонса,
 Мен шивирласам.

Лаҳзани ёпсаг-у, қамалсак буткул,
 На эшик-дераза, на майда-чуйда.
 Унда мавжуд бўлсак нуқул ва нуқул,
 Ел каби қалқиниб,
 Таралиб куйдай...

Камида миллиард йил шавқини кўрсак,
 Коинотдай
 Буюк юксалсак не суд.
 Қирқ бўлиб чиқсаг-у,
 Руҳга эврилсак,
 Дуд бўлиб-э-э-эй, дуд...

Ҳовлию кўчалар, катта йўллари,
 Фамлари, қувончу машиналари.
 Қўллари ёнида ҳурган тиллари,
 Тозая нотоза хархашалари..

Бўлмаган ония,
 Оҳ, қандай севсак,
 Оҳ, қандай титрасак,
 Оҳ, қандай яна..
 Юраги
 Кўксимни
 ёрган
 Ҳамхонам,
 Лаҳзага
 Қамалиб
 Толган
 Девонам...



Ушмундоқ

Хабар

Осима,
Лайлақлар элчи юборди,
Хув ана – мезонлар, хабар олайлик.
Пага-пага ёлқин, томчи-томчи қор
Ёғар бир ўлка бор, бора қолайлик.

Кўнғил сабосида фарёд ҳавоси,
Армонлар тўсибди тиз бахтимизни.
Қуш йўқ работларда кимнинг сояси,
Эшитди мунграган суҳбатимизни.
Сен юлдуз париси тўфон буржида,
Мен қора туйнукда улоққан балки.
Уммондай оғриқдан синган гурзидай
Осмондай кенгликка сизмайди шаклим.

Ўқишни билсанг гар Тақдир китобин,
Билиб бер, ишқ борми ўлмасдан бурун.
Сўраб бер, севгининг манзил туробин,
Жой борми, йўл олсак иккимиз учун.

Осима,
Не қилай кўнғлим ушмундоқ,
Бир чети осмон-у, бир чети тупроқ,
Бир тунда подишоман икки кишварга,
Бир қунда зордирман бир қур назарга.
Липиллаб, липиллаб бўзарди руҳим,
Хоҳла порлатиб қўй, хоҳла парчала,
Эсиз, ҳар томонга урди шуқуҳим,
Эсиз, ўтолмадим шум даричадан.

Осима,
Розиман, мендан асар йўқ,
Иста, мен ҳақимда бошқа хабар йўқ,
Аммо дилим эрка дилингни истар,
Мендек хушхабар йўқ,
Мендек хатар йўқ.

Осима,
Аларга кўп ҳам инонма,
Улар қуш кўмганлар хиебонларга.
Қумлари зарланган
Бўлса ҳам бордир,
Лек ҳаром ўрмалар товонларида...

Осима,
Сен ҳақсан,
Мен тугаб ботдим,
Бу қисса сўнгида, шудир қасида.
Гўзал борлигимни майдалаб сотдим,
Йўғимни қайтардим
Ўз эгасига...

Сўз

Осима –
Ёлғизим, сен ундай дема,
Дастурхон четида қолдиргин меҳр.
Хуру гилмонларми олди кўрманам,
Бор-шудим кўлмакдай самарсиз умр.

Осима –
Ёлғизим, ойнақлар мубҳам,
Қиёфа ортида мавжуд қиёфа.
Аслида мен эмас гапирётган,
У шубҳа...

Талъатинг –
Кўрлигим ёритсин шоён,
Ишқни соябондай тутай кўлимга.
Сенга дил арзини қилайин аён,
Бебаҳо сўз қўяй соқов тилимга.

Бошқаман,
Мутлақо чекмайман афсус,
Юракни отаман чинни лаганга,
Яна бир севаман,
Алалхусус –
Исмимни айтаман қамашганларга...



Расмларни Оловиддин Собир ўгли чизган



Шодикул ҲАМРО

1965 йили туғилган.
ЎзМУ журналистика
факультетини
тамомлаган.
“Суратдаги аёл”,
“Қора кун”, “Карвон
қўнғироғи” каби
настрий тўғламлари
нашр этилган.

13

Қақнус

қанотидаги умр

қисса

У

менинг тўнғич фарзандим, кўзимнинг оқу қораси эди: унинг бу кўҳна дунёга келиши, илк марта гўё она қорнидаги тафтли ва оромбахш ҳаёти бузилганидан кўнгли қаттиқ озор чеккандек, дафъатан чинқириб йиғлаб юбориши жисму жуссамдаги

мудроқ тортган туйғуларимни бирдан жунбушга келтирган, тушкун ва зерикарли, имиллаб кечаётган ҳаётимга ранг ва мазмун олиб кирган эди, йўқ, йўқ, унинг дунёга келгани ҳақидаги хушxabарни эшитиб туриб, гўё узок йиллардан буён ҳаётнинг қоронғи пучмоқларидан жоним ҳалак бўлиб излаб юрган муқаддас нарсани кутилмаганда топиб олгандек, қувончдан ўзимни буткул йўқотиб қўйган, юрагим азбаройи орзиқиб кетганидан, тўйиб-тўйиб йиғлагим келган эди.

У менинг тўнғич фарзандим эди: унга нисбатан кўнглимда меҳру муҳаббат, шафқату мурувват ва ишончу умидим чексиз эди, ўша дунё аста-секин туннинг ҳарир пардасига ўралиб бораётган, тим қора осмонда юлдузлар милтираб жилва қилаётган айни оқшом палласида мен туғруқхонанинг бетартиб бўёқ чаглаб ташланган деразаси ортида қўрқув ва ҳаяжон гирдобида фарқ бўлиб турар эканман, ногоҳ ичкаридан унинг худди дунёни бузиб юборгудек чинқириб йиғлашини эшитиб туриб, гарчи бунга узок пайт ўзимни ишонтиролмаб юрган бўлсам-да, умримда биринчи марта юрагимда оталик туйғуси уйғонган ва ўзимни туйқус улғайиб қолгандек ҳис этган эдим.

У менинг тўнғич фарзандим эди: у ҳақда ўйларканман, гўё кутилмаганда ҳаётнинг сирли кўчасига кириб қолгандек, ақлим шошиб, муқаддас битик сингари қадим аждоқларимдан ўтиб келаётган, баъзан ноҳақ тўкилиб-сочилган, баъзан ғазабдан кўпириб тошган, баъзан эса зулм ва қабоҳат кўз очирмаганидан тўнглаб қолган, аммо ҳеч қачон кўзи бекитилган булоқ сингари қуриб битмаган қайноқ қон энди унинг жажжи вужудида жимирлаб оқаётганини сира ақлу тасаввуримга сиғдира олмас ва дафъатан одам боласи яралгандан то йўқ бўлиб кетгунга қадар англаб бўлмас хилқат эканига иймон келтираддим.

У менинг тўнғич фарзандим эди: менга, аввалига, ким туғилиши – ўғил кўраманми ёки

қизми, мутлақо фарқсиз ва аҳамиятсиз туюлган эди, ҳатто бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган, фақат кунлардан бир кун юрак кўримдан яралган мужда сокин оқаётган ҳаётимга ташриф буюришини, у билан менинг қисмату аъмолим то абад эш бўлиб кетишига қаттиқ ишонар ва шундай саодатманд кунлар тезроқ етиб келишини орзиқиб кутиб яшардим. Фақат хотинимнинг тақдири азалдан кутган инояти, истак-хоҳиши бошқача эди, у ўша кўнгли айниб, ҳеч нарса ёқмай юрган илк кунларидаёқ қиз туғилишини орзу қилар, йиллар ўтган сайин сўлиб-сарғайиб, унут бўлиб бораётган ўн саккиз ёшидаги ўй-хаёл, орзу умидларини мана шу беғубор истак тимсолида қайта кашф этган ва охир-оқибат бунга қаттиқ ишониб қолган бўлса-да, бари бир ўғил туғилди. Йўқ, йўқ, мен хотинимнинг сароб бўлиб чиққан орзу-умиди устидан кулаётганим йўқ, бундай бемаъни ўйни ҳеч қачон ҳаёлимга ҳам келтирмаганман, аксинча, ўша кезларда унинг шундай беғубор ўй-хаёллар қуршовида масрур қиёфада юрганини кузатиб туриб, рост гап, ич-ичимдан унга ҳавасим келган, у кўзимга янада жозибали ва гўзал бўлиб кўринган эди. Бунинг устига, мен ўғил эмас, қиз туғилган тақдирда ҳам толеимдан шундай суюнган бўлардим.

У менинг тўнғич фарзандим эди, мен унинг дунёга келгани ҳақидаги хушxabарни эшитиб, ўзимни худди ҳаётнинг тез ва шитоб билан оқаётган катта ўзанига тушиб қолгандек ҳис этган, дафъатан дунё ҳам, одамлар ҳам кўзимга ўта сахий ва меҳр-мурувватли кўринган, ҳамма-ҳамма нарсани кўнглимга яқин олган эдим.

У менинг тўнғич фарзандим, у гўё митти сеҳргар каби қалбимда яшашга, ҳаётда завқ-шавқ олишга бетизгин иштиёқ уйғотган эди.

Мен ўша кун, одатдагидек, туғруқхонага егулик кўтариб бордим, бу, чамаси, ўғлим туғилганининг иккинчи куни эди, хотиним дераза табақасидан энгашиб егуликни олар экан, ўғлимга исм қўйиш лозимлигини айтиб қолди. У, боя айтганимдек, ўғил эмас, қиз туғилган тақдирда, бу ҳақда гапириб ҳам ўтирмас, балки тўққиз ойдан буён юрагининг қат-қатида асраб-авайлаб келаётган, ҳатто мендан ҳам қаттиқ сир тутган ўша сирли исми энди қизариб-тортиниб ошкор қилар ва бу исм менга ҳам, ҳеч шубҳасиз, ёқиб тушар эди. Чунки хотинимнинг диди жуда нозик

ва баланд эди, у ҳаётдан оддий, аммо гўзал нарсаларни сира адашмай топа олар эди. Аммо кутилмаганда ўғлимнинг туғилиши унинг кўнглини жўштириб келган орзу-умидларини бир зумда чиппакка чиқариб юборди. Унинг “Энди ўғлингизга ўзингиз исм топинг”, дея хиёл зарда ва иддао аралаш айтган сўзларида ҳам шу нарса сезилиб турар эди.

Аммо бу мен учун унчалик муҳим эмасди, чунки ўғлим тўрт мучаси бут ва соппа-соғ дунёга келган, ҳаёт ҳам меҳри ийиб, унга ўз бағридан жой берган эди. Энди унга муносиб исм қўйишим кераклигини англаб турардим.

Аслида ўғлим бу сершовқин ва нотинч шаҳарда эмас, балки ўзимнинг киндик қоним тўкилган олис қишлоқда туғилганда, ҳеч шубҳасиз, ҳамма-ҳаммаси бошқача кечарди. Биргина унинг дунёга келиши барчани бирдек қувонтириб юборар, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар худди ўзларининг ҳаётида мўъжиза юз кўрсатгандек, бир-бирларини қутлашиб, суюнчи улашишга тушар, онам азбаройи шошиб қолганидан ўзини қўярга жой тополмай қолар, у ёқдан-бу ёққа югурганча, шу митти меҳмоннинг ташвишини чеккан бўларди. Отам эса бундай хосиятли кунда, албатта, жонлиқ сўйиб, қон чиқарарди. Шундай пайтда кимдир ўғлимга ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган мўъжаз исм ҳам топар ва бу исм ҳаммага бирдек маъқул тушар эди. Кейин отам эрта тонгда ҳовлимизга муллони бошлаб келар ва у ўғлимнинг қулоғига исми билан бирга азон айтган бўларди...

Буларнинг бари қишлоқдаги ҳаётнинг ўзи каби табиий бир йўсинда кечар, ҳеч ким олдиндан шундай қилиш керак, деб атай ўйлаб қўймасди.

Мен буларни худди умримнинг аллақайси палласида рўй бериб ўтган воқеа сингари ҳаёлимдан ўтказар эканман, беихтиёр кўнглим чўкиб кетар, айна дамда ҳайҳотдек шаҳарда ҳатто қувончу шодлигимни баҳам кўрадиган яқин одамим йўқлигини ўйлаб туриб, ўзимни ёлғиз ҳис этардим.

У менинг тўнғич фарзандим эди, мен ҳам унинг бу мусофир шаҳарда туғилишини сира истамаган, аммо шунга қарамай, айна чоғда, шаҳарни ташлаб ҳам кетолмасдим, уч йилдан буён ниҳоясига етмай чўзилиб келаётган илмий ишим қўл-оёғимни ипсиз боғлаб турарди. Хотиним эса ёлғиз ўзи қишлоқда туришни сира хоҳламас, айниқса, ой-кўни яқин қолганда уни шунга кўндиришга нечоғлик уринмай, барибир, бирор-бир натижа чиқмаган эди. Биз эски шаҳардаги танг-тор, деворлари зах тортиб

кетганидан илвираб ётган кўримсизгина ҳовлида ижарада турардик. Хотиним қишлоқда эмин-эркин ҳаётга кўникканидан, бу ерда қисиниб-қимтиниб яшар, назаримда, ранг-рўйи ҳам салқи тортиб кетгандек туюлар эди. Аммо бунга қарамай, у ортиқча инжиқлик ва гина-кудрат қилмас, ҳамиша менинг кўнглимга қараб иш тутарди.

Мен хотиним билан хайрлашгач, туғруқхона ҳовлисидан чиқиб, бекат томон келар эканман, ўғлимга исм қўйиш ҳақида ўйлар, бу фикр аллақачон ҳаёлимни банд этиб олган эди. Албатта, ўғлимга муносиб исм қўйиш, энг аввало, менинг биринчи оталик бурчим эканлигини ич-ичимдан ҳис этардим.

Яшириб нима қилдим, ўғлимга исм қўйиш ҳақидаги фикр бирдан ўзимга жуда ёқиб тушган, у худди ҳузурбахш ва лаззатли ўй сингари юрагимни ҳаптиқтирар, ҳаёлимни ўйноқлаб, олис-олисларга олиб кетар эди. Аслида эса, бу шунчаки жўн ва оддий юмуш эмасди, балки мен кечагина дунёга келган ва нажот сўраётгандек, жавдираб тикилиб турган бир тирик жонга исм беришим керак эди. У келажакда ана шу исм остида ўсиб-улғаяди, ҳаётнинг бағрига шу ном билан кириб боради, ҳамма уни шу исм орқали танийди.

Аввалига ўғлимга исм топиш жуда осон ва енгил туюлган, узоқ вақт бошим қотиб қийналаман, деган фикрни ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Ахир, дунёда нима кўп – исм кўп, шулардан биттасини танлайман, тамом-вассалом.

Аммо кўз очиб юмгунча орадан икки кун ўтиб кетганига қарамай, бирор-бир тўхтамга келишим қийин бўлди. Мен кечаю кундуз шу ҳақда ўйлаганимдан, бошимда минг битта исм ғужғон тортиб айланар, улар бир-биридан чиройли, оҳангдор, қулоққа худди майин куйдек ёқимли эшитилар ва бир зумда кишини ўзига маҳлиё этиб қўярди. Аммо мен уларнинг қайси бирини танлашни билмасдим. Баъзан қайсидир исм кўнглимга ёқиб тушар ва енгил тортган кўйи ўғлимга муносиб исм топдим, деб ўйлардим. Аммо ҳали чувалашиб ётган ўй-ҳаёлларимни йиғиштириб олишга улгурмай туриб, гўё ўғлимга шу исмни қўйсам, қандайдир нохуш воқеа рўй бериб қоладигандек, шоша-пиша фикримдан қайтардим. Сўнг яна бутун вужудим билан исмлар аралаш-қуралаш бўлиб ётган оламга шўнғиб кетардим. Мени аввалига исмларнинг чиройи, кўрки ва жарангдорлиги кўпроқ қизиқтирган ва ҳаёлим дунёсида сузиб юрган исмларнинг кўпроқ шу томонига эътибор берган эдим. ➤

Аммо кейинчалик бу мени қизиқтирмай қўйди. Мен энди исмларнинг қулоққа ёқимли ва жарангдор эшитилишидан кўра қандай маънони англатишига кўпроқ қизиқиб қолганим боис бутун фикру хаёлим билан шуни билишга уринар эдим.

Мен узоқ манзилни қора тортиб, сафарга отланган, бироқ ўзи сезмаган ҳолда йўлдан адашиб кетаётган йўловчига ўхшар, исмларнинг маъно-моҳиятини билишга уринар эканман, асосий мақсадимдан тобора олислаб бораётганимни ўзим ҳам ич- ичимдан сезиб турардим.

Бир сафар – ўшанда оқшом маҳали уйда ёлғиз ўзим хаёлга ботиб ўтирган эдим – бошимга кутилмаганда урилган фикрдан беихтиёр қўрқувга тушиб, юрагим орқага тортиб кетди. Менинг назаримда, бу дунёда одам боласи кўтариб юришга арзийдиган бирорта ҳам муносиб исм қолмаган, барча исмлар худди эскирган либос сингари аллақачон оҳори тўкилиб, пугуридан кетган эди. Йўқ, йўқ, исмлар узоқ йиллар оғиздан-оғизга чайналиб ўтиб келаётганидан ўзининг улуғворлиги, жаранги ва жозибасини йўқотиб қўйган, у энди худди бойқуш чинқирғидек қулоққа хунук ва ёқимсиз эшитилар, гўё исм исм эмас, балки тавқи лаънат теккан кимсанинг ихрашига ўхшаб қолган эди.

Йўқ, йўқ, тўғрироғи, исмда айб йўқ, балки одам боласи қўл урган жамики ёвузлик, жаҳолат ва тубанлик нуқси айнан исмга муҳрланиб қолган, о, нафақат муҳрланиб қолган, балки уни буткул ўраб-чирмаб олган эди, шунинг учун қайси бир исмдан фаҳшнинг шилта ҳиди “гуп” этиб димоққа урилар, бошқа бир исм қонга ботган, яна бошқа бир исм эса тубанлик ва разолат тимсоли сифатида юракка ваҳм ва қўрқув солиб янграрди. Ким билади, эҳтимол, исм ҳеч қачон қариб-қартаймайди, эскирмайди, абадий ёш ва кўркам, у ўз соҳибини қабргача кузатиб қўйиб, яна бир бошқа одамнинг елкасига “миниб” олиб, ҳеч нарса кўрмагандек яшайверади, деган фикрда ҳам жон бордир. Аммо мени айни пайтда кўнглимнинг бир четида ғимирлаб турган бошқа фикр қийнар эди: исм ҳам инсоннинг ўзи каби нечоғлик узоқ яшаса, шунчалик разолатга ботади, тубанлашиб кетади ва охир-оқибат, ҳеч ким унга ҳавас қилмай қўяди.

Эҳтимол, мен пича ошириб юбораётгандирман, бироқ айни дамда бошқача фикр юрита олмасдим. Чунки мен кечагина дунёга келган ўғлимга исм излаётгандим. Ҳа, шундай, мен бугун исмга харидор эдим, одатда, харидор миридан-сиригача сўраб-суриштиради, тортишиб-баҳслашади, сўнг қайси мол кўнглига ёқса, шуни танлайди. Мен ҳам инжиқ ва талабчан

харидор сингари ҳамма-ҳаммасини билишни истардим.

Албатта, исм тўғрисидаги бундай совуқ ва тушкун ўйлар менинг безовта тортган руҳимга жуда ёмон таъсир қилар, кўнглимдаги қизиқиш ва иштиёқ ҳиссини сўндиради эди.

Бироқ айни пайтда бундай мушкул аҳволга тушиб қолганимга қарамай, ўғлимга таваккал қилиб бирор-бир исмни қўйишни хаёлимга келтирмасдим.

Мен хаёлимнинг олис ўнгирларида сузиб юрган ҳар бир исм ҳақида эринмай бош қотираар эдим: бу исм қачондан бошлаб одамларнинг тилига тушган, у қандай маънони англатади, ўтмишда шу ном остида кимлар яшаб ўтган, улар ҳаётда қандай из қолдирган, хуллас, ҳамма-ҳаммасини билишга уринар, турли-туман китобларни титкилар, ўзимга тинчлик бермаётган саволларга жавоб излар эдим.

Бунинг устига, ўғлимга исм излаб ўй-хаёлим чувалашиб ётган айни ўша кунлари аллақайси китобдан “Қорайимлар қиссаси” сини ўқиб қолдим-у, исм тўғрисидаги фикрларим янада қатъий тортди.

О, ўшанда нафақат исм тўғрисидаги фикрларим кутилмаганда ғойибдан рағбат ва қувват олгандек янада қатъий тортган, балки ҳув қадимда яшаб ўтган ва асрларнинг суронли тўфоню эврилишлари остида кўмилиб қолган қорайимларнинг аччиқ қисмату аъмоли, ҳаётий тутуми ва эътиқоду интилишлари сирли мужда янглиғ мени чинакамига ҳайратга солиб қўйган эди.

Мен ҳаяжонга тушган қўйи ушбу асарни ўқир эканман, хаёлан йиллар усталик билан парда тортган олис ўтмишга, қорайимлар яшаган даврга сайр қилар, бу ёвқур одамларнинг поёнсиз саҳрода мағрур қад ростлаган ўтовларига кириб борар, улар билан гулхан атрофида тонгга қадар суҳбат қураардим.

Айниқса, қорайимларнинг исмни муқаддас туғ каби бошлари узра озод кўтариб яшагани, гўё бу исм эмас, балки ўзларининг қисмату аъмоли битилган илоҳий битик каби унга чуқур эътиқод қўйишгани юрагимни орзиқтириб юборар эди.

Бундан ҳам қизиғи шунда эдики, қорайимлар қабилада фарзанд дунёга келса, унга исм қўйишга асло шошилмас, балки аввалига гўдакни шунчаки бир ном билан, масалан, чўмичбойми, қозонбойми, деб аташар эди. Албатта, бу болага берилган муваққат ном эди, ҳақиқий исмни ўсиб-улғайиб, вояга етгач, ўспириннинг ўзи олиши шарт қилиб қўйилар эди.

Йўқ, йўқ, китобда қайд этилишича, қабилада исм бериш маросими қувончу ҳаяжон, асасаю

қийқириқларга ғарқ бўлиб кечар, у баъзан бир неча кунга чўзилиб кетар, каттаю кичик барча қабила аҳли байрамонга ясанганча катта майдонга тўпланишар ва исмга талабгор ўспириннинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кўздан қочирмай кузатишар эди. Қабила оқсоқоллари эса, халойиқнинг кўз ўнгида исмга талабгор ўспиринни минг битта синовдан ўтказишар, унга турли-туман саволлар беришар, аллақандай мураккаб ва хатарли шартларни бажаришни талаб қилишар ва шундан сўнг узоқ кенгашиб, унга муносиб исм беришарди.

Маросимда ўспиринга исм билан бирга совут, қилич ва оқ от ҳам тортиқ этилар ва у энди қабиланинг ҳақиқий аъзосига айланарди.

Китобда қайд этилишича, қорайимларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган исм бериш маросими ўта қатъий тартибда, мурасим руҳда ўтар ва бу маросимга ўзгартириш киритишга ҳеч ким журъат этолмасди.

Албатта, маросимда ҳукм сурадиган ана шундай қатъият ва мурасимлик туфайли исм олиш насиб этмаган, яъни машаққатли синовлардан ўта олмаган ўспириннинг кейинги қисмати жуда аянчли кечарди: майдонга йиғилган халойиқ оқсоқолнинг “Унга исм берилмасин!” деган сўзлари янграши билан туйқус жунбушга келар, ҳамма қаҳр-ғазаби, нафратию аламини ўша бахтиқаро ўспириннинг устига сочар, ҳеч ким раҳм-шафқат қилишни хаёлига келтирмас, одамлар қаҳрдан гувраниб ташланар ва уни уриб-сўкиб ҳайдаганча қабиладан мангу бадарға этардилар. Кейин эса қорайимлар бу ношуд, шўрпешона ўспиринни, гўё ўзлари билан ҳеч қачон бақамти яшамагандек, қайта ёдга олмасди ҳам.

Исмни ана шундай улуғлаб яшаш қорайимларнинг ҳаёт тарзига шу қадар чуқур сингиб кетган эдики, бу ақидани бузишга ёки унга жиндай бўлса-да, ўзгартириш киритишга ҳеч ким журъат этолмаган.

Қорайимлар асрлар қаддини букканча, шу тахлит яшаб ўтган эди.

Мен “Қорайимлар қиссаси”ни ўқигач, азбаройи ҳаяжонланганимдан илмий раҳбарим бўлмиш профессорга ҳам таассуротларимни гапириб бердим. Аммо кутганимдан фарқли ўлароқ, унинг тунд юзида бирор-бир ҳайратланиш ёки ўзгариш ифодаси сезилмади.

– Эрамиздан олдинги асрда яшаган қорайимларни айтаяпсизми? – деди у хотиржам овозда. – Ҳа, биламан, тарихда шундай элат яшаб ўтган. Уларнинг исмга нисбатан ғалати муносабати, тўғрироғи, исмни илоҳийлаштириши бир пайтлар мени ҳам худди сизга ўхшаб қаттиқ ҳаяжонга солган эди. Лекин кейинчалик чуқурроқ

мулоҳаза юритиб, ўйлаб қарасам, қорайимларнинг таназзулга юз тутиши ва охир-оқибат тарих саҳнидан бутунлай йўқ бўлиб кетишига, аввало, уларнинг ўзи қаттиқ эътиқод қўйган ана шу исм сабаб бўлган. Нега дейсизми? Бунинг изоҳи жуда оддий: қорайимлар ўзига муносиб исм ололмаган ношуд ўспиринни ўйлаб ҳам ўтирмай қабиладан ҳайдаб солган. Яъни, исмсиз қолган кимсани ҳеч ким қорайим санамаган. Йиллар ўтиши билан ўзига муносиб исм ололмаган ва қабиладан бадарға қилинганлар сони кўпайиб кетган. Бу, иккинчи томондан, ҳақиқий қорайимлар тобора камайиб борган, деган маънони англатади. Охир-оқибат аҳвол шу даражага бориб етганки, қабилада бармоқ билан санаса бўладиган, беш-ўн нафар қорайим қолган. Бироқ шунда ҳам бу ўжар одамлар эски ақидадан воз кечишни хаёлларига келтирмаган. Охир-оқибат қорайимлардан ном-нишон қолмаган. Мана сизга, қандайдир ақидага кўр-кўрона эътиқод қўйиб яшашнинг оқибати.

Профессорнинг ишонч билан кесиб-кесиб гапирishi ва унинг аччиқ хулосаси мени бир зумда гангитиб қўйди. Аммо ҳар нарса бўлганда ҳам кўнглимда қорайимларга нисбатан чуқур ҳурмат туйғуси уйғонган, айниқса, уларнинг исмни улуғлаб яшагани ҳамон ҳайратимни кўзгатарди.

* * *

Ким билади, эҳтимол, мен бундай мантиқсиз, нотайин ўй-хаёлларга берилиб, беҳуд кўрқув ва ваҳимага тушаётгандирман?! Эҳтимол, ўғлимни азбаройи яхши кўрганимдан унга ҳар қандай исмни раво кўрмаётгандирман?! Балки исм топишга қийналаётганимга ўзимнинг табиатимдаги инжиқлик ва худбинлик сабаб бўлаётгандир?!

Ҳозир бу ҳақда аниқ бир нарса дея олмайман. Аммо мен бутунлай умидсизликка тушмаган, ўзим ўжарлик билан излаётган исм ҳақида, гарчи буни сўз билан аниқ-таниқ ифодалаб беролмасам-да, ғира-шира тасаввурга эга эдим. Бу исм ўғлим туғилган кундан буён хаёлимнинг олис ўнгирларида бир уюм оппоқ булут каби оҳиста сузиб юрар, баъзан тушларимда уни аллаким қўшиқ сингари куйлаётганини эшитиб қолар эдим. У минг бир оҳангда жаранглаб, юрагимда умид ва қувонч гулханини ёқиб, ўзига томон бетиним чорлар, фақат уни эслаб қолишга қийналаётган эдим. Баъзан нохуш ўйлар таъсирида тушқунликка берилиб, ҳафсалам пир бўлиб турган пайтларда ана шу сирли исм хаёлимда “ялт” этиб пайдо бўлар ва у қудратли куч сингари кўнглимда яна умид ва иштиёқ чироғини ёқар, тинимсиз ўйлаш ва изланишга ундар эди. ◉

Шунинг учун мен кунлар ўтиб бораётганига қарамай, ҳамон ўғлимга муносиб исм топмаганимга унчалик эътибор бермас, кўнглим нимадандир анча хотиржам эди.

Ҳар гал туғруқхонага егулик кўтариб борганимда, хотиним кўзлари жавдираб оғзимни пойлар, ўғлимга қандай исм кўйганимни эшитишни тоқатсизлик билан кутар эди. Бироқ ҳали исм топмаганимни эшитаркан, бирдан авзойи ўзгариб кетар, азбаройи жаҳли чиққанидан ёноқлари “пир-пир” учиб, андишани ҳам унутган кўйи шанғиллаб гапиришга тушарди:

– Хаёлингиз қаерда, ўзи? Ўғлингиз қолиб, нималарни ўйлаб юрибсиз?

Хотиним гўё исм ўғлимга эмас, балки ўзига зарурдек, астойдил куюниб гапирар, ора-сира ўпкаланиб, кўз ёши ҳам қилиб олар, изимга қайтаётганимда эса, қайта-қайта яна шуни уқтирар эди:

– Эртага ўғлингизга исм кўйиб, гувоҳнома-сини олиб келиш эсингиздан чиқмасин! Йўқса, дўхтирлар уйга жавоб бермасмиш...

Мен қадамимни судраб босганча, туғруқхона ҳовлисидан чиқарканман, ўзимни худди адашиб, боши берк кўчага кириб қолган кимса сингари ночор ҳис этар, ўй-хаёлларим буткул чувалашиб кетганидан, исм ҳақида ортиқ ўйлашга ҳам юрагим безиллар эди.

Бунинг устига, айнан ўша кунлари худди атай қилгандек, йўлак четида танда кўйиб ўтирадиган тиланчи чолнинг кутилмаганда айтган сўзлари хаёлимни баттар остин-устун қилиб юборди.

У – тиланчи чол худонинг берган кунни университет кутубхонасига борадиган йўлакнинг бир четида танда кўйиб ўтирар ва зориққан овозда алланималар дея минғирлаган кўйи ўтган-кетган йўловчилардан хайр-садақа сўрар эди. Унинг афт-ангорига қараб бўлмасди, бетартиб ўсиб кетган соч-соқоли юзига қўрқинчли ва ёввойи тус бериб турар, кўзлари маъносиз ва тушкун боқар, жуссаси қилтириқдек озғин,

елка суяклари тугилган муштдек бўртиб чиққан, эгнидан эса қишин-ёзин ранг-туси ўчган эски тўн тушмасди. Унинг мана шундай ислиқи, ташландиқ, ғариб ва бенаво қиёфасига қараб туриб, кишининг кўнглидан беихтиёр туриш-турмуши шундай бўлгач, бу дунёда тиланчи бўлмай қайга ҳам борарди, деган ўй кечарди. Афтидан, у ҳаётда одамдек яшаш, умргузаронлик қилишни аллақачонлар унутиб юборган, кўнглида ҳам соф ва беғубор туйғулар аллақачон ўчиб кетган ва ўзини ерга уриб, одамлар оёғи остида ўралашиб яшашдан ор қилмай кўйганди.

Унинг йўлакда танда кўйиб ўтириши, қоқсу-як қўлларини чўзганча жавдираб хайр-садақа сўраши, умуман айтганда, ислиқи афт-ангори кўнглида фақат нафрат ва ижирганиш ҳиссини кўзғар эди. Одатда, йўловчилар худди нуқси уриб қоладигандек, уни четлаб ўтишга уринишар, кўпинча очиқ-ошкор нафрат билан тикилиб кўйишар эди.

Мен ўша кунни ана шу тиланчи чолнинг оғзидан сира ақл бовар қилмайдиган сўзларни эшитиб, дафъатан хушёр тортдим.

Аслини айтганда, у билан ўртамизда бирор-бир танишлик ёки шунга ўхшаш яқин муносабат йўқ эди. Бундай муносабат қайдан бўлсин, ахир, у ким эди-ю, мен ким эдим?! Шу пайтга қадар онда-сонда, шунда ҳам чўнтагимда майда чақалар пайдо бўлиб қолганда, хайр-садақа қилганимни айтмасам, унга бирор марта тузук-қуруқ эътибор ҳам бермаган, бирор оғиз сўз ҳам қотмаган эдим. Ҳар доим унинг қаршисидан беэътибор ва лоқайд ўтиб-қайтар, унинг йўлакда ивирсиб ўтириши мени мутлақо қизиқтирмасди.

Аммо айни ўша кунларда у ўғлим дунёга келгани-ю, мен унга исм излаб буткул хаёлга ботиб юрганимдан қандай хабар топди, буни қардан била қолди – шунга ҳали-ҳануз ақлим етмайди. Ким билади, эҳтимол, мен йўлакдан ўтаётиб, кимгадир ўғил кўрганим-у, унга исм излаб юрганим тўғрисида гапирган ва бу гап-сўзлар тасодифан унинг қулоғига ҳам чалиниб қолган, энди эса у писмиқлик билан ўзини салкам авлиё чоғлаб, нимаики эшитган бўлса, барини оқизмай-томизмай ўзимга қайтариб айтаётгандир. Эҳтимол, у бу писмиқлиги эвазига мўмайгина садақа ундириш пайдадир. Эҳтимол, кейинги кунларда менинг ҳаётимда қандай воқеа рўй бериб ўтган бўлса, барини у савқи табиий хислати билан билиб олгандир.

Билмайман, ҳар нарса бўлиши мумкин. Аммо мени буткул танг қолдирган нарса ўша кун эрталлаб, одатдагидек, кутубхонага бораётиб, негадир кўнглимда садақа бериш истаги туғилди ва чўн-



тагимдан қўлдан-қўлга ўтаверганидан уладаси чиқиб кетган қоғоз пулни олиб, энгашган кўйи унга узатаётганимда, кутилмаганда, бошини илкис кўтарди ва кигрик қоқмай, юзимга совуқ тикилганча, сўз қотиб қолди:

– Ўғлим, – деди у худди қироат қилаётгандек босиқ ва дўриллаган овозда, – аввало ҳаммаси худодан, аммо исм танлашда асло шошилманг. Ҳар бир исм ўзининг руҳи ва юки билан яралган. Шуниси сира ёддан чиқарманг: исмда сир бор, унинг қатида боланинг қисмати яшириб қўйилган. Ўғлингизга чуқур ўйлаб, сўнг исм қўйинг. Омийн, атаган хайр-садақангизни худо ўз даргоҳида қабул қилсин! – у қоқсуяк қўлларини очиб, юзига фотиҳа тортди-да, сўнг яна бошини кўйи солиб олди.

Ҳа, ҳа, у худди қироат қилаётгандек, салобатли овозда: “Исмда ҳам сир бор”, деди. Кейин сира кутилмаганда, унинг турқи-авзойи бирдан ўзгарди, гўё ҳозиргина ўртаимизда ҳеч қандай гап-сўз бўлиб ўтмагандек, бошини кўксига теккизгудек алфозда кўйи солиб олди-да, тагин зориққан овозда алланималар дея минғирлашга тушди. Мен унинг боши устида азбаройи ҳайрат ва таажжубга тушганимдан тошдек қотиб қолган, оёқларим остида букчайиб ўтирган тиланчи чолга ички бир қўрқув ва ҳайрат билан тикилар ва тикилган сайин у ҳақидаги бурунги узук-юлуқ тасаввурларим худди путуридан кетган уй сингари бирдан қулаб тушган ва у кўзимга бу кўҳна ва қув дунёнинг барча сир-синоатини беш бармоғидек биладиган сеҳргарга ўхшаб кўринарди. Мен тик қотган кўйи тиланчи чолга тикиларканман, кўнглимда қизиқиш ва ҳайратим тобора ортиб борар, тиланчи чолни яна гапга солишни, ўзимни шу пайтга қадар қийнаб келган барча жумбоқ ва чигалликларга жавоб олишни истардим. Аммо у менинг истак-хоҳишимга зид ўлароқ, аллақачон тўнини буткул тесқари кийиб олган, бошини кўтарай демас, овози ҳам ичига тушиб кетгандек, тиниб

қолган эди. Фақат у дам-бадам кўзи ости билан оёқларимга қараб-қараб қўяр, афтидан, менинг бу ердан тезроқ кетишимни кутаётган эди.

Мен унинг боши устида анча пайт туриб қолдим, аммо ундан сас-садо чиқмади, бунинг устига, йўлакдан ўтиб-қайтаётган йўловчилар ажабланиб қараётганини сезгач, ноилож кутубхона томон йўл олдим.

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз? Аммо тиланчи чол мени, ростдан ҳам, қаттиқ ҳайратга солиб, ҳаёлимни бир зумда остин-устун қилиб юборган эди. Мен боягина унинг оғзидан эшитган гап-сўзларга ўзимни сира ишонтиролмас, бу воқеа ўнгимда эмас, балки тушимда рўй бериб ўтганга ўхшаб туюлар эди. Бошқа бир кимса шундай башорат қилса, эҳтимол, мен бунчалик ҳайратга тушмас, барчасини табиий йўсинда қабул қилган бўлардим. ➤



Аммо ҳар кун йўлакда ивирсиб ўтирадиган, на зоти, на насл-насабининг тайини бор дайди ва ислиқи бир кимсадан ногаҳон бундай дилхоҳ сўзларни эшитишни сира тасаввуримга сиғдиролмай қийналар эдим. Аслида ким ўзи бу тиланчи чол?! Менинг фикру-хаёлимни ана шу ўй банд этиб олган, кутубхонанинг зах ҳиди анқиб ётган нимқоронғи хонасида илмий ишимга тааллуқли китобларни номигагина титкилаб ўтирар, бироқ бошимга ҳеч нарса кирмасди.

Аммо эртаси куни эрталаб, чамаси, ҳафтанинг сешанба куни эди, кутилмаганда, шундай ғалати воқеанинг устидан чиқдимки, кимдир бошимга туйқус бир мушт туширгандек, баттар гангиб қолдим.

Шу куни эрталаб туғруқхонадан чиқиб, кутубхонага бораётган эдим, йўлак ўртасида – айнан ҳалиги тиланчи чол танда кўйиб ўтирадиган жойда бир тўда одамлар тўпланиб, бир-бирларининг елкаси оша бўйинларини чўзганча, алланимани берилиб томоша қилаётганига ҳали олисдан кўзим тушган ва кўнглимда қандай воқеа рўй берибдйкин, деган ўй кечиб, қадимимни қандай тезлатганимни ўзим ҳам сезмай қолгандим. Одамлар тўпланиб турган жойга етиб келиб, дафъатан шундай воқеага гувоҳ бўлдимки, ақлим шошганидан нима қилишни билмай қолдим. Рости гап, мен кунлардан бир кун шундай воқеа рўй беради, дея сира ўйламаган, бу ҳатто етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Шундан туйқус қўл-оёғим бўшашиб, кўз олдим қоронғи тортиб кетгандек бўлди. Эй, худо, нималар рўй бераётганини ҳатто айтишга ҳам одамнинг тили бормади ахир. Икки барваста йигит бошқа бировни эмас, айнан ҳалиги тиланчи чолни қўлларидан маҳкам тутган кўйи хув нарида эшиги ланг очиб қўйилган машина томон судрагандек бир алфозда олиб борар, йўлакнинг бир четида эса, тумонат одам, нафасини ичига ютган кўйи улардан кўз узмай турарди. Ҳалиги икки йигит алланимадан қаттиқ ғазабга минган, уларнинг юзида қаҳрнинг оғир шарғиси сузиб юрар, азбаройи жаҳлнинг зўридан кўзлари косасидан чиққудек каттариб кетган эди. Улар тиланчи чолнинг мушакларидан худди жирканч бир нарсани тутгандек очиқ-ошкор ижирғаниб ушлаб олганча, судраб боришар, дам-бадам, гарчи бунга ҳеч қандай зарурат бўлмаса-да, овозларини кўтариб, шалоқ сўзлар билан сўкинганча, уни силтаб-силтаб ташлашар ва қўнжи калта этиклари учи билан тепиб-тепиб қўйишар эди. Бечора тиланчи чол бундай таҳдид ва зуғумдан буткул ўзини йўқотиб қўйган эди, назаримда,

унинг жуссаси баттар кичрайиб, бир бурда бўлиб қолгандек туюлар, шалвираган кўйи оёқларини базўр судраб босаркан, қўрқув тўла кўзлари атрофга худди нажот ва ёрдам сўраётгандек, жавдираб боқар ва анча олисдан ҳам аъзойи бадани қалт-қалт учиб тушаётгани аниқ-равшан сезилиб турарди.

Мен бу манзарани анча олисдан кузатиб турар, худди туйқус тузоққа илинган қуш сингари буткул умидсизликка тушиб қолган тиланчи чолга қарарканман, юрагим гурсилаб тез-тез урар, ич-ичимдан қаттиқ бир ҳаяжон кўтарилиб келарди. Мен ана шу ҳаяжон ва ҳадик таъсирида йўлакни банд этиб олган одамларни итариб-туртиб олдинга қандай ўтганимни сезмай ҳам қолдим. Ва ҳалиги тиланчи чолнинг афт-ангорига яқиндан назар ташлар эканман, буткул бошқа манзарага кўзим тушиб, ақлим баттар шошиб қолди. Ё, тавба, нималар бўлаяпти, ўзи?! Йўқ, йўқ, тиланчи чол, мен боя ўйлагандек, қўрқув ва ваҳимадан сира ўзини йўқотиб қўймаган эди, аксинча, гўё бошига ҳеч қандай кўргилик ва мусибат тушмаган, балки ҳамма нарса азал-азалдаги сингари тинч ва осуда кечаётгандек, ўзини мутлақо хотиржам ва бепарво тутар, юзида сокин ва хотиржам бир ифода кезинар, фақат лабининг бир четида аллақандай заҳарханда ва истехзоли кулги шарпаси билинар-билинемас кўзга ташланиб турарди. Менга унга қараб туриб, кўзларимга ишонмасдим. Ахир, тиланчи чол ўзини бундай боқибегам алфозда тутиши жуда қизиқ ва ғалати эди. Йўқ, йўқ, чамаси, у ўзини атай шундай гўлликка солиб олган, гўё ўзимни овсардек қиёфага солиб олсам, бу бало-қазонинг чангалидан оппа-осон қутулиб кетаман, деб хомтаъма бўлаётганга ўхшар эди. Ким билади, эҳтимол, кутилмаган таҳдид ва зуғумдан унинг юраги кичрайиб, ақлу шуури буткул карахт тортиб қолган ва айни пайтда ана шу юрагини ўраб-чирмаб олган қўрқув ва ваҳима таъсирида ҳеч нарсани идрок этмай қўйгандир. Ҳа, ҳа, шундай, бошқача бўлиши мумкин эмас, чунки анави икки барзанги йигит унинг боши устида худди осмондан тушгандек, тўсатдан пайдо бўлиб, қўлларидан маҳкам тутганча судрашга тушганда, унинг юраги қўрқув ва ваҳимага тўлиб, эси оғиб қолган ва шундан ҳали-ҳануз ўзига кела олмаганди. Ким билади, балки уни узоқ вақт пойлаб юриб, ниҳоят, бугун нақд айб устида қўлга туширишган ва шундан у дами ичига тушиб кетиб, миқ этмай қолгандир. Билмадим, ҳар нарса бўлиши мумкин. Лекин, назаримда, айни дамда тиланчи чолнинг ҳуши ўзида эмасга ўхшаб кўринар эди.

Ҳалиги икки барзанги йигит уни судраган-дек бир алфозда машина олдига олиб келгач, қўлларини қўйиб юбориб, машинага чиқишни буюрди. Тиланчи чол эса ёшига ярашмайдиган бир эпчиллик билан машинанинг темир зинасига оёғини дадил қўйди-да, ичкарига бош суқди ва сўнг худди тубсиз чоғга тушиб кетгандек, бирдан кўздан ғойиб бўлди. Фақат машинанинг ён томонидаги кичкина туйнукдан унинг қоп-қора юзи ғира-шира кўзга ташланиб турар, у, чамаси, ўриндиққа чўккан ва бошини қуйи солиб олган эди. Унинг айна мана шу қоп-қора тортиб кетган юзи хотирамга қаттиқ муҳрланиб қолди. Кейинчалик ҳар гал тиланчи чолни эслаганимда, энг аввало, унинг машинанинг кичкина туйнуғи ортидан дунёга ийманган ва тортингандек бир алфозда қараб турган мана шу ҳолати лоп этиб, хотирамда жонланар ва худди ўзимнинг ҳаётимга бевосита дахлдор аянчли воқеа сингари дафъатан юрагимда алам ва оғриқ кўзғар, ич-ичимдан кўтарилиб келган изтиробми, ўксинишдан дунёга сиғмай қолардим. О, аслида ҳам, унинг ўша туйнукдан кўзга элас-элас ташланиб турган чуваккина юзи ва зим-зиё тун қўйнида унутиб қолдирилган бир жуфт шамдек ёниб турган кўзлари жуда қайғули ва аламнок эди, бу оғир манзара тиланчи чолнинг кўпчилиққа ноаён қисмату аъмоли, саргашта умри ҳақида жуда кўп нарсаларни унсиз сўзлаётганди.

Ҳалиги икки барзанги йигит машина эшигини зарб билан шарақлатиб ёпди. Шундан сўнг машина шиддат билан ўрнидан кўзғалди-да, тез орада кўздан ғойиб бўлди. Йўлакда томошатаб йўловчилар тирбанд бўлиб кетган эди, улар тобора олислаб бораётган машинадан базўр кўзларини узиб, бирдан шивир-шивир қилишга тушишди: кимдир тиланчи чолни ислиқи қиёфада бекиниб юрган ашаддий қотил деса, яна кимдир қип-қизил ўғри экан, кўпдан буён изига тушиб, бугун қўлга олишга муваффақ бўлишибди, дер, яна кимдир бундан ҳам ваҳимали тахминни тўқир эди. Йўловчиларнинг бундай тугуруқсиз тахмину фаразлари менинг энсамни қотириб, ғашимга тегарди. Шунинг учун бундай гап-сўзларни эшитишга ортиқ сабрим чидамай қадамимни судраб босганча кутубхона томон йўл олдим.

Мен бу тиланчи чолни анча пайтдан буён билар эдим, унинг ислиқи турку рафторига худонинг берган куни кўзим тушар, аммо шунга қарамай, ҳеч қачон унга тузук-қуруқ эътибор бермаган, ким ўзи бу чол, нега бундай аянчли аҳволга тушиб қолган, унинг оиласи, бола-чақа-

си борми, улар қаерда, деб лоақал бирор марта ўйлаб кўрмаган эдим. Аслини айтганда, унга нафақат менинг, балки йўлакдан ўтиб-қайтадиган барча йўловчиларнинг кўзи кўникиб кетган, ҳеч ким ортиқча эътибор бермас, унинг борлиги ҳам, йўқлиги ҳам ҳеч кимни қизиқтирмасди. Бунинг устига, шу пайтга қадар уни бирор-бир кимса йўлакдан қувиб солмаган ва у бу ердаги ҳаётга шунчалик сингишиб кетган эдики, агар бир кун қорасини кўрсатмай қўйса, гўё йўлак бўм-бўш тортиб, ҳувиллаб қоладигандек туюлар эди.

Йўқ, йўқ, мен бугун – умримда биринчи марта бундай чуқурроқ ўйлаб қарасам, у хайр-садақа илинжида лаблари гезариб ўтирадиган олчоқ тиланчиларга ҳам унчалик ўхшамас экан. Ҳа, рост, мен уни олчоқларча қўлларини чўзиб, ўтган-қайтганнинг этагига ёпишгани, оғзидан тугуғини сачратиб дийдиё қилганини ҳеч қачон кўрмаганман. У, одатда, йўлакнинг бир четида бошини қуйи солган қўйи ўтирар, баъзан кун узоғи ҳам бошини кўтариб, атрофига қарамас, фақат паст ва тушуниксиз товушда алланималар деб мингиллар, аммо унинг овозида ҳасрат ва зориқиш оҳанги сезилмас, балки у кўҳна бир қўшиқни чўзиб-чўзиб ҳиргойи қилаётган ва шунинг таъсирида масту мустариқ бўлиб қолган кимсага ўхшар эди. У йўлак четида нафсининг илинжида эмас, балки бу қув дунё буткул зада қилиб ташлаган ёлғиз ва ўксик кўнглини овутиб ўтиргандек, йўловчилар онда-сонда ташлаб ўтадиган хайр-садақаларга ҳам бошини кўтариб қарамас, сариқ чақа ва ғижимланган қоғоз пуллар унинг оёғи остида бетартиб сочилиб ётар эди.

Бироқ кишини танг қолдирадиган томони шундаки, у буткул орому хотиржамлигини ҳаётнинг мана шу хилват гўшасидан топиб олгандек, ҳар кун йўлакка чиқишни қанда қилмас, қишин-ёзин уни ҳеч иккиланмай йўлакдан оппосон топиб олиш мумкин эди. Фақат у тунлари алла-қаёққа ғойиб бўлар ва яна тонг азонда йўлакка биринчи бўлиб унинг пойқадами тегар эди.

Мен тиланчи чол ҳақида ўйлаган сайин қизиқишим тобора ортиб борар, кўнглимда бир-биридан ғалати ва жумбоқли саволлар бош кўтариб келар эди: тиланчи чол ким эди, ўзи? У ҳаётнинг қоп-қоронғи ва бўм-бўш йўлагидан нимани излаб ўтди? Унинг шунча пайт одамлар оёғи остида ўзининг ғуруру шаъни, ор-номуси ва умрини топтаб ўтиришдан кўзлаган мақсад-муддаоси нима эди? У ўзига нега бундай аянчли ва тубан қисматни раво кўрди? ➤



У кимнинг васвасаси, макру ҳийласига учиб, ўзини ерга урди, умрини елга совуриб юборди? Ёки у бу қадим ва қув дунё-дун нечоғлик жилвакор ва жодули кўринмасин, барибир, шундан бўлак ҳеч нарсага арзимаслигини туйқус англаб етдимми?!

Билмайман, ҳар нарса бўлиши мумкин. Аммо, назаримда, тиланчи чол кунидан қолган ғариб ва нотавон, шунинг учун ҳам йўлакда танда қўйиб, одамларнинг хайр-садақасига кўз тикиб яшайдиган кимсага сира ўхшамасди. Мен энди бунга шак-шубҳа қилмай қўйган эдим. Зеро, кўнглимнинг туб-тубида унга нисбатан ачиниш ҳисси аралаш илиқ меҳрга ўхшаш туйғу уйғониб кела бошлаган, у акам ё амаким, ишқилиб, яқин бир кишимга айланиб қолгандек туюлар эди.

Хўш, у кунидан қолган нотавон кимса бўлмаса, унда ким эди? Бу савол аста-секин хотиржам тортаётган хаёлимни яна қайта тўзғитиб юборар, ўзимни туйқус боши берк кўчага кириб қолган кимса сингари ночор ҳис этар ва тиланчи чолни нечоғлик кўнглимга яқин олишга уринмай,

барибир, у ҳақда мутлақо ҳеч нарса билмаслигимга, мен учун буткул бегона ва ёт кимса эканлигига дафъатан иқрор бўлардим.

О, йўқ, у нафақат менга, балки мана шу ҳайхотдек кенг ва кўхна дунёга ҳам бегона эди. У ҳеч қачон ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб ётган ҳаёт бағрига сингишиб кетмаган, ҳар доим худди сувнинг лойқаси сингари тубга чўккан, аммо умри бино бўлиб, бирор-бир кимсага қисматнинг бундай шафқатсиз ёздиғидан зорланмаган, кўнглидаги аламу изтиробини тўкиб солмаган, ўзининг чувалашиб ётган умр йўлидан нимаики топган ва нимаики йўқотган бўлса, ҳамма-ҳаммасини жимгина ичига ютган ва охир-оқибат ҳеч кимга ошкор этмай ўзи билан олиб кетган эди.

Ҳа, дарвоқе, кечагина у менга исм тўғрисида жуда ғалати ва ажиб ҳикматомуз гапларни айтган эди. Йўқ, бу шунчаки жўн ва омади гаплар эмасди, ахир, бундай нарсалар ҳақида шунчаки номига гапириб бўлмайди. Менингча, бу сўзлар унинг саркаш ва шафқатсиз кечган, изтироб ва алам бир лаҳза ҳам кўз очирмаган умри даво-

мида қайта-қайта бошидан кечирган, аммо ҳар гал тан олишни истамай ўжарлик билан рад этган, тушкунлик ва умидсизликка юз тутган ўй-хаёлларини атай бошқа нарсалар билан овутган, ҳамиша ўзини худди омади чопган кимсадек мағрур ва бахтиёр тутган, бироқ бахтга қарши бу кўргулик ва азоб-уқубатларнинг адоғи кўринмай, қисмат ҳамиша йўлдан адаштириб кетавергач, охир-оқибат тақдирга тан бериб, ишониб қолган қатъий хулосаси эди. Чунки кеча у ортиқча ҳаяжону эҳтиросга берилмай, ишонч билан кесиб-кесиб гапирган, ҳар бир сўзи юрагининг қат-қатидан отилиб чиққан, кўзлари эса гўё айтаётган фикрларини тасдиқлаётган сингари оловдек чақнаб турган эди. Ҳа, шундай, у ёлғон гапирмаган эди, аслида мени алдаш ва лақилла-тишдан унга ҳеч қандай фойда йўқ эди. Бунинг устига, у лоақал берган хайр-садақамга номига бўлса-да, кўз ташлаб қўймаган эди. Мен шу фикрни ҳаёлимдан ўтказар эканман, туйқус жуда муҳим сирни англаб етгандек, бирдан юрагим шитоб билан тез-тез уриб кетди: қизиқ, тиланчи чолнинг исми нима экан?!

Ҳарқалай, у исмсиз кимса эмас, бир пайтлар дунёга келганда, ота-онаси унга яхши ният билан исм қўйгандир?!

Бироқ менга унинг исми ҳам умри сингари қоронғи ва нотаниш эди.

Мен айна дамда бошқа бир нарсага ич-ичимдан қаттиқ ишониб турардим: уни ким деб аташганидан қатъи назар, у умр бўйи ўз исмидан кўнгли тўлмай яшаган, ҳаётининг ҳар бир қадамида бўйнига осиб қўйилган бу тавқиля-натдан халос бўлишга уринган, қаттол қисмат раҳм-шафқат қилмай бошига қандай мусибат ва кўргиликларни тўкиб солган, юрак-бағрини пора-пора қилган бўлса, у барча-барчасини мана шу пешонасига азалдан битиб қўйилган исмдан кўрган, йўқ, йўқ, бу исм эмас, балки ёвузлик ва разолат тамғаси сингари уни бир умр таъқиб этиб келган, юрагига кўрқув ва ваҳм солган, кўзига дунёни хунук ва ваҳимали қиёфага солиб кўрсатган, узоқ йиллар давомида ҳаётнинг чигал ва қоронғи сўқмоқларида мақсад-муддаосиз сарсон-сардон адаштириб юрган, дунё, одамлар ва умрнинг маъно-мазмунини ҳақида турли хил ёлғон ваъзлар ўқиган ва охир-оқибат бошига шунча дарду ситам ва изтиробга солгани етмагандек, баттар масҳара қилган кўйи йўлакка – одамлар оёғи остига олиб келиб ташлаган эди.

Афтидан, шундан сўнггина у исм ҳақида юраги безиллаб ўйлайдиган бўлиб қолган ва бояғи қатъий хулосага келган эди.

Ҳа, шундай, бошқача бўлиши мумкин эмас.

Ахир, ҳаётда ҳеч ким ўзи бошидан кечириб, ишонч ҳосил қилмаган нарса ҳақида бунчалик қатъият билан гапира олмайди.


Нимасини айтай, тиланчи чол, унинг ноаён кечмиши фикру ҳаёлимни буткул банд этиб олган, гарчи ўзим қайси бирига ишонишни билмай турсам-да, у ҳақида турли-туман тахмину фаразлар тўқир эдим. Бунинг устига, унинг кеча исм ҳақида айтган сўзлари ҳали-ҳануз юрагимга кўрқув солиб турарди. Зеро, мен ўғлим туғилганига олти кун бўлганига қарамай, ҳали унга исм қўймаган эдим.

* * *

Иттифоқо, мен ана шундай кунларнинг бирини да ўғлимга исм топдим: уни Муайяд деб атадим. Бу исм тўзғиб ётган ҳаёлимда кутилмаганда қаердан пайдо бўлди, ўғлимга нега айнан шундай исм қўйдим, бу исм қандай сеҳру жозибаси билан кўнглимни забт эта қолди, гапнинг рост, ҳозир буни тузуқ-қуруқ тушунтириб беролмайман. Ким билади, эҳтимол, бу исм шууру тасаввуримнинг қат-қатларида узоқ йиллардан буён кўмилиб ётган, бироқ мен унинг ҳаёлим уммонида яшаётганини ҳеч қачон пайқаман, фақат ўғлим чинқириб йиғлаганча дунёнинг залворли эшигини нозиккина бармоқлари ила оҳистагина қоқётган маҳал шу исм ҳам узоқ сафарга отланган йўловчи сингари бирдан қалқиб юзага чиққандир. Эҳтимол, ҳалиги тиланчи чол айтгандек, ўғлимнинг пешонасига битилган қисмату аъмолнинг ўзи уни ёдимга солиб қўйгандир. Билмайман. Фақат бу исмни хотиним илк марта тилга олганда нечоғлик энсаси қотиб, жаҳли кўзиган бўлса, у ўзимга шунчалик ёқар, назаримда, бу исм то уфққа қадар чўзилиб кетган, ҳали бирор-бир кимсанинг изи тушмаган ёлғизоёқ йўл каби сирли ва жозибали кўринар эди.

Хотиним менинг оғзимдан бу исмни эшитган заҳотиёқ худди ёқимсиз нарсанинг таъминини туйгандек, бирдан юзи буришиб кетган, ич-ичидан аччиғи кўтарилиб келганидан очиқ-ошкор шанғиллашга тушган эди:

– Муайяд дегани нима эмиш? Дунёда шундан бўлак тузукроқ исм қуриб қолгандими? Сиз алмисоқдан қолган шундай исм топишингизни ўзим ҳам билардим... Одамлар битта ўғлига ҳам эглаб тузукроқ исм қўёлмабди, демайдими?!

Одатда, хотиним ўғлимнинг исмини айтаётганда ҳадеганда тили айланмай қийналганидан баттар жаҳли кўзиб кетарди. Бироқ унинг бундай норози оҳангда жаврашлари узоққа чўзилмади, орадан кўп ўтмай у индамай қўйди. 

Демак, бундан буён ҳамма ўғлимни Муайяд деб атайди. У шу исмнинг остида ўсиб-улғайди. Бу гўё исм эмас, муқаддас тумор сингари уни ҳаётнинг хатарнок кўчаларидан кипригига гард ҳам юқтирмай олиб ўтади, кўнглига ҳамиша энг хузурбахш орзу-умидларни солиб туради.

Ким билади, балки мен ҳавойи ва пуч ўйлар таъсирида хаёлпараст бир кимсага айланиб қолгандирман. Эҳтимол, ўғлимнинг исми бу дунёдаги миллионлаб бошқа исмлардан бирор-бир жиҳати билан фарқ қилмайди, у ҳам оддий ва жўн бир исмдир.

Умуман айтганда, исм ҳам аллақайси бир замонда худком бир кимса томонидан илоҳийлаштирилган, безаб-бежалган ва у ҳақда бир-бирдан ғаройиб ривоятлар тўқилгандир. Аслида эса, исмда ҳеч қандай сир-синоат ҳам, хосият ҳам йўқ, у инсоннинг тақдиру аъмоли, кечмиш ҳаётига зиғирча даҳл қилолмайдиган шунчаки бир жўн нарсадир.

Мен бу совуқ ўйлар таъсирида тушкунликка тушгандек бирдан бўшашиб кетар, ўзимнинг ҳолатим ўзимга ҳам кулгили бўлиб туюларди. Бироқ орадан бир лаҳза ўтиб-ўтмай, тагин умидбахш ўйлар хаёлимни банд этиб олар ва яна ўғлимнинг исми ҳақида ўйлардим.

Менинг назаримда, ўғлимга қўйган исм бағрида ҳали одамзот боласига насиб этмаган, бир қарашдаёқ ақлу тасаввурни буткул лол қолдираган мўъжиза яшириниб ётгандек туюлар эди.

Мана шу ўй юрагимни ҳулё каби жунбушга солар, хаёлан жуда кўп нарсалар ҳақида ваъда берар эди. Бунинг устига, мен худди тақдирдан ҳеч қачон меҳру мурувват кўрмаган, балки ҳар доим ўғай ўғил сингари бир четга итқитиб ташлаган кимса каби ўғлимнинг келажагига умид ва хавотир билан қарар, гўё ҳаётда шундан бўлак илинжу ишончим қолмагандек, мудом у ҳақда ўйлар эдим.

Ўғлимнинг чақалоқлик дамлари худди қадим эртақлардаги сингари тинч, осойишта ва сирли тарзда ўтиб борарди: одатда, кечаю кундуз уйқудан кўз очай демас, узоқ вақт қотиб ухлар, ҳатто биз билан битта уйда яшаётгани ҳам айтарли сезилмасди. Фақат қорни очган пайт тамшаниб-тамшаниб паст овозда йиғлар, унинг овози йиғидан кўра кўпроқ энди кўз очаётган кучук боласининг ғингшишига ўхшаб кетар ва хотиним шоша-пиша кўкрак тутганда, у бир-икки марта тортқилаб-тортқилаб кўкрак сўрар ва эма туриб, тагин кўзлари уйқунинг сирли тўрларига илиниб қолар эди. Баъзан уйқу уни ўзининг сирли домига шунчалик чуқур тортиб кетардики, ҳатто нафас олаётгани ҳам сезилмай қолар, чиппа юмилган кўзлари ва ифодасиз

тусга кирган оқпар юзига тикилиб туриб, киши дафъатан нохуш ва совуқ ўйга борганини сезмай қолар эди. Гоҳида хотиним унга тикилиб туриб, чамаси, кўнглидан шундай нохуш ўй кечганданми, туйқус ранг-қути ўчиб типирчилаб қолар ва шоша-пиша ўғлимнинг кўксига бош қўйиб, юрак уришига қулоқ тутар, аммо бироз ўзини босиб олганига қарамай, барибир, юрагидаги хавотири босилмасди, шекилли, атай бурнини чимчилаб, уйқусини бузиб уйғотар эди.

Бунинг устига, ўғлимнинг жисму жуссаси жуда кичкина ва нозик эди. Мен у туғилган кунлари жуда кўп марта унинг юзи, кўзларининг ранги ва мийиғида ёйилиб кулишини ўзимча тасаввур қилишга уринган ва охир-оқибат чехраси кулгидан ёришиб турган лўппигина гўдакнинг қиёфаси хаёлимдан жой олиб улгурган эди. Мен ўғлим тасаввуримда яшаётган ана шу гўдакка қўйиб қўйгандек ўхшайди, деб ўйлар ва бунга қаттиқ ишонар эдим.

Бунинг устига, у туғилган кунларда ҳар гал туғруқхонага егулик кўтариб борганимда, хотиним деразадан бошини чиқариб, ўғлимни худди эсини таниб қолган боладек таърифлар, унинг лабларини ёйиб, беғубор кулишию қўл-оёқларини типирчилатиши, ҳатто сочларининг ранги, қошу кўзлари кимга ўхшаб кетишини шундай завқ-шавқ билан гаптириб берардики, беихтиёр ўзимнинг ҳам юрагим орзиқиб кетарди.

Бироқ ўғлимни туғруқхонадан олиб келган кун мен ҳаяжонга тушган кўйи ҳарир чойшабни кўтариб, унинг юзига қарарканман, дафъатан аянчли манзарага кўзим тушгандек, аъзойи баданим бирдан сесканиб, кўнглим нохуш тортиб кетди: йўрғақда ётган гўдак – менинг ўғлим тасаввуримда анча пайтдан буён яшаб келаётган ва кўнглимга жуда яқин бўлиб қолган гўдакка сира ўхшамас эди. Ростини айтганда, йўрғақдаги гўдакни росмана чақалоқ деб ҳам бўлмасди, унинг кўпчиган хамирдек рангпар юзига ҳали қош-киприк битмаган ва у бир парча қип-қизил гўштга ўхшар, фақат она қорнида ўсган сийрак сочлари қоп-қора ва узун эди. Мен унга қараб турарканман, худди орзу-умидим бир зумда саробга айланган кимсадек бўшашган кўйи унинг олдидан қандай нари кетганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

Энг ёмони, ўшанда бу ҳолат хаёлимда қаттиқ ўрнашиб қолди, ундан узоқ вақт қутула олмай қийналиб юрдим. Шу ўй таъсирида ўғлимнинг бешигига яқинлашишга юрагим бетламасди.

Аммо буларнинг бари ўткинчи экан, чунки ўғлим кунлар ўтган сайин аста-секин улғайиб борар эди: ҳадемай унинг тўлишиб, тип-тиниқ тортиб қолган юзига ранг ва чирой кирди, қошу

киприклари худди шитоб билан ўса бошлаган баҳорги майса сингари ялт этиб кўзга ташланиб қолди, назаримда, у энди хаёлимда яшаётган гўдакка ўхшар, кулгичлари туйқус ёйилиб кетганда, кишига бир дунё завқ-шавқ бағишлар эди. Мен ўғлим ўзининг жисму жуссасида ҳар дақиқада қандай қудратли ва ҳайратомуз ўзгариш рўй бераётган бўлса, барини уйқунинг сирли ҳамда лаззатбахш бағридан топаётганини ич-ичимдан сезиб турардим. У кунни тунга, тунни кунга улаб ухлар, уйқу худди меҳрибон ва оққўнғил энага сингари ундан меҳру муруввати, қалб кўри ва қувончу шодлигини сира аямас, туну кун боши узра парвона бўлар, унинг мўъжаз руҳиятига ором ва ҳаловат, кўзларига эса нур бағишлар, мушакларини куч-қувват билан тўлдирар эди. Ўғлим уйқунинг сирли қучоғида ором олган кўйи улғайиб борарди. О, йўқ, йўқ, уйқу худди кекса ва устамон афсунгар каби уни бир нафас ҳам ўз қучоғидан бўшатмай, ҳаётнинг кўз илғамас олис сўқмоқларига сафарга ҳозирлар эди. Ўғлимнинг айна дамдаги ҳаётида бизнинг меҳру муҳаббатимиздан кўра уйқунинг сеҳри ва қудрати устувор эди.

* * *

Орадан кўз очиб, юмгунча саккиз ойдан зиёд вақт ўтиб кетди. Кунлар гўё шамол сингари шитоб билан елиб ўтган, мен вақт қандай кечганини сезмай қолган эдим. Йўқ, йўқ, аниқроқ айтсам, ҳаётдан қутилмаганда катта маъно ва мазмун топган кимсадек, кўнғлим буткул хотиржам тортган, ўтаётган кунлар тўғрисида сира ўйламай қўйган эдим. Ўғлим соғлом ўсар, у ёшига нисбатан анча тетик, ердан аллақачон бағрини узиб олиб, апил-тапил эмаклашга тушган, баъзан алланимани қўлчалари билан маҳкам тутиб, довдираб-довдираб ўрнидан турар ва қадам ташлашга уринар эди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, гўдакларга хос муғомбирлигию соддалиги, кўзи тушган нарсага хаёлга толган кўйи узоқ-узоқ тикилиб қолиши, уйқусидаги сирли жилмайишлари, хуллас, ҳамма-ҳаммаси кишини чинакамига ҳайратга солар, кўнғилнинг туб-тубида забун ва унут бўлиб ётган туйғуларни туйқус уйғотиб юборар, хаёлни болаликнинг олис дунёсига бошлаб кетарди.

Баъзан мен ўғлимга тикилиб туриб, одамзот боласи ўсиб-улғайиб, бу дунёнинг бағрида нечоғлик чуқур илдиз отмасин, нега барибир, ўзи бир пайтлар тарк этиб кетган ва умрининг ҳув олис бекатида қолган болалигига қайтишни, яна бир марта дунёга гўдак назари билан қарашни истайди, қўмсайди, нега бу ўй гарчи сароб бўл-

са-да, ҳеч қачон одамзот кўнғилини тарк этмайди, балки у олисдаги маёқ янғлиғ ҳамиша кўнғилни жунбушга солиб, ўзи томонга бетиним чорлайди, деб ўйлардим. Аслида ўзим ҳам болалик кезларимни жуда кўп қўмсар, айниқса, киндик қоним тўкилган қишлоқдан узоқда – мусофир шаҳарда яшай бошлаганимдан буён болаликдаги хотираларим ҳаётимнинг ажралмас бир бўлагига айланиб қолган эди. Йўқ, деб ўйлардим мен, одам боласи аслида умр йўлининг ибтидосида худди эски либос сингари ташлаб кетган болалик даврини эмас, балки ҳаётининг айна шу палласида қадимий алла каби қалбини эркалаб, маъсум ва умидбахш туйғулар билан тўлдирган, хаёллари юксак-юксакларга парвоз этишида қанот бўлган, кўзига бу кекса ва қув дунёни содда ва жўн қиёфага солиб кўрсатган масрур туйғуларини соғинади, юрагини оғир кўланка сингари босиб ётган изтиробу аламини унутиб, шафқатсиз дунёнинг юзига яна бир марта гўдак назари билан қарашни, уни ёвуз ва мудҳиш эмас, болаликнинг ўзи каби содда ва беғубор қиёфада кўришни истайди, кўнғилнинг туб-тубида хира милтираб турган бу истак-хоҳиш унга сира тинчлик бермайди.

Мен ана шундай ўй-фикрларни хаёлимдан ўтказар эканман, дафъатан одам боласи асли фаришта қавмидан яралгани, унинг кўнғил интилиши, бўй-бастидан ҳамиша анвойи гулларнинг муаттар ҳиди баралла уфуриб туриши, бу қаримсиқ дунё унга жирканч ва ёвуз нарсалардан бетиним сабоқ бериб, ўз изму ихтиёрига солишга уринмасин, барибир, кўнғилнинг тубида милтираб турган гўзаллик, меҳр-шафқатга ташналик ҳиссидан батамом маҳрум қилиб, охир-оқибат ҳиссиз бир маҳлуққа айлантириб қўйишга ожиз эканлигига юракдан иймон келтирар эдим.

Аслида ҳам шундай эмасми?!

Ахир, шундай кўз ўнғимда ҳеч нарсани хаёлига келтирмай ўйнаётган ўғлим ҳам кўнғлимдан кечаётган бу ўйларни унсиз тасдиқлаб турарди: у кўзига ташланган ҳар бир нарсага ўзининг рўй-рост ва адолатли фикрини билдирар – буни унинг юзига дафъатан қалқиб чиққан ифодадан ҳам билиш мумкин эди, ҳеч нарсага шубҳа ва бадгумонлик билан қарамас, таъма илинжида ялиниб-ялтоқланмасди. Йўқ, йўқ, у бу қадим дунё аслида қандай жўн ва содда яралган бўлса, уни шундай табиий йўсинда қабул қилар, унинг мурғак ва тонгги шабнамдек мусаффо кўнғили салтанатида ҳали худбинлик ва ёвузлик дарахти илдиз отмаган, у дунёда энг ҳаққўй ва холис ҳакам эди. У айна шу жиҳатлари билан биздан улуғ ва устун эди.



Аммо ўғлим ҳам бетиним талпинганча, қаршисида улкан маҳлуқдек ястаниб ётган ҳаёт қўйнига кириб борар эди, йўқ, аниқроғи, дунёнинг ўзи минг бир тусда жилваланиб, жодугар кампир сингари алдаб-авраб уни бағрига чорлаётган эди. Ўғлимнинг кўзига бу кўҳна дунёнинг қўйнида айқаш-уйқаш бўлиб ётган ҳамма нарса қизиқ ва сирли кўринар, кўнглида чексиз ҳайрат ва таажжуб уйғотар, ипақдек майин хаёлларини ўз домига тортиб кетарди. У кўзи тушган ҳар бир нарсага киприк қоқмай узоқ тикилиб қолар, гўё хаёлида алланималарни муҳокама қилаётгандек, пешонасини тириштирар, ҳайратдан катта-катта очилган кўзларида ҳадик ва қизиқиш ифодаси сузиб юрарди.

Эҳтимол, айтсам ишонмайсиз, бир сафар ўғлимни ҳатто бизнинг – мен ва хотинимнинг қиёфамиз, юриш-туришимиз, сўз қотишу кулгуларимиз ҳам мўъжиза янглиғ ҳайратга солиши, унинг мурғак тасавурида адоқсиз қизиқиш уйғотишини илқис пайқаб қолдим. Ўшанда ёзнинг илиқ оқшом маҳали эди, хотиним болалик чоғида рўй берган қизиқ бир воқеани гапириб бераётган эди: у аллақачон хотирага айланиб қолган ўша воқеани айни дамда бошидан кечириётгандек, ҳаяжонга тушган кўйи жўшиб гапирар ва завқи келгандан дам-бадам шарақлаб-шарақлаб кулиб қўяр эди. Унинг чеҳраси янада очилиб кетган, ҳаяжонланаётганданми ёноқлари қип-қизил тортган, берилиб завқ-шавқ билан гапириши қулоғимга майин ва ёқимли эшитилар эди. Шу боис мен унинг гапларига буткул маҳлиё бўлиб, қилт этмай ўтирардим. Аммо бир чоғ туйқус алланимадан хаёлим бўлинди-ю, ғалати ҳолатга кўзим тушиб қолди: ўғлим – тўққиз ойлик гўдак гўё ҳамма нарсани аниқ-таниқ англаётган сингари қилт этмай онасига тикилиб ўтирар, унинг қиёфаси буткул жиддий тортган, фақат онда-сонди алланимадан завқи келгандами, мийиғида кулиб-кулиб қўяр эди. Мен унга тикилиб қарарканман, дафъатан уни онаси гапириб бераётган воқеа эмас, балки унинг қандай алфозда гапириши, лабларини тез-тез қимирлатишию шарақлаб кулиши ҳайратга солаётганини пайқаб қолдим-у, ўзимни тутолмай бирдан кулиб юбордим. Овозим уй ичини тутиб кетди. Ўғлим ҳам сергак тортди ва менга ялт этиб қаради-ю, юзи қизариб кетди ва ёйилиб кулганча апил-тапил юзини яшириб олди. Хотиним, табиийки, ҳеч нарсани пайқамади. Кейин мен унга қандай воқеа рўй берганини гапириб бергандим, аммо у мени хаёлпарастга йўйиб, гапларимга ишонмади.

Ўғлимнинг табиатидаги гўдакларга хос содалик кўнглида кечаётган ўй-хаёлларни яшириб

қолишга имкон бермасди. Агар унга бирор-бир нарса ёқиб тушса, кулгичлари ўз-ўзидан ёйилиб кетар ва у қўрқув ҳамда ҳадикни ҳам унутган кўйи бетиним ирғишлаганча ўша томонга талпиниб қолар эди. Хунук ва ёқимсиз нарсалар, табиийки, ўғлимнинг руҳиятига ёмон таъсир қилар, бундай пайтда унинг юзи бирдан буришиб, аянчли тусга кирар ва туйқус чинқириб йиғлаб юборар эди.

Бир куни шундай воқеа рўй берган эди: ўшанда кун энди узилаётган палла – айни шом маҳали эди. Уй деразасининг табақалари очиб қўйилганидан ичкарига салқин шабада ғир-ғир оқиб кирар ва димиққан ҳавони ҳайдаб солар эди. Мен ботаётган қуёшнинг дераза ойнасида ўйнаётган шафақларига жимгина тикилиб ўтирар, кун бўйи кутубхонада китоб титкилаганимдан бошим тинимсиз ғувиллар ва ўзимни қаттиқ толиққандек ҳис этардим. Ўғлим ҳам боягина уйқудан уйғонган, аммо онг-шуурини ҳали уйқу карахтлиги буткул тарк этмаганидан, ўзига кела олмай хомуш тортиб ўтирар эди. Хотиним ташқарида – ошхонада кечки овқатга уннар, уй ичига аллақандай оғир жимлик чўккан эди.

Биз, ўғлим иккимиз мана шундай хаёлга ғарқ бўлиб турган пайт кутилмаганда уй ичига қандайдир адашган капалак довдирай-довдирай учиб кирди. Капалак жуда чиройли ва нафис эди, унинг сарғиш тусдаги қанотлари қуёшнинг алвон шафақларида ялт-ялт этиб товланиб, кўзни олар, ҳавода капалак эмас, гўё бир парча чўғ учиб юрганга ўхшаб туюлар эди. Капалак қўрқув ва ҳадикни ҳам унутганча тўппа-тўғри менинг бошим устида доира солиб, айланиб уча бошлади.

Мен унга кўзим тушиб, беихтиёр кўнглимдан арвоҳ капалак бўлса керак, деган ўй кечди-ю, бирдан сергак тортдим. Мен табиатан ирим-сиримларга унчалик ишонмасдим. Лекин капалаклар тўғрисидаги нохуш таассурот болалигимдан хотира бўлиб қолган, орадан узоқ йиллар ўтган бўлишига қарамай, ҳали-ҳануз бу ўйдан кутула олмасдим. Болалигимда оқшом маҳаллари ҳовлимизда тез-тез аллақаяқдан сариқ капалаклар пайдо бўлиб қолар, онам эса уларга кўзи тушган заҳотиёқ бирдан тинчини йўқотиб, безовта тортар, дам уйга кириб, дам ташқарига чиқиб, ўзини қўярга жой топа олмас, пичирлаб аллақандай дуоларни ўқир ва ора-сирада бизга бир қадар ҳаяжонли ваҳимали овозда: "Булар арвоҳ капалаклар, тагин тега кўрманглар", дея қайта-қайта уқтирар эди.

Сариқ капалаклар жуда ювош, ҳеч кимга зарари тегмас, улар ҳовлидаги гулларга қўниб,

узоқ вақт учиб юрарди. Онам тун чўкиб, капалаклар кўздан буткул ғойиб бўлгунга қадар бизга номаълум кўрқув ва саросимадан қутула олмас, у баъзан капалакларнинг катта-кичиклиги, учишига қараб туриб, бугун отамнинг ёки онамнинг арвоҳи келди, деб ўз-ўзига пичирлаб кўярди. Сўнг арвоҳлар умидвор бўлаяпти, дея албатта бўғирсоқ ёки чалпак пишириб, қўни-қўшниларга тарқатарди. Онамнинг ўшанда ўта ғалати тарздаги кўрқув тўла сўзлари болалик хотирамга қаттиқ мухрланиб қолган, шундан буён нафақат сариқ капалаклар, балки барча капалакларга чўчиб, аллақандай кўрқув билан қарар, уларга кўзим тушган заҳотиёқ ўз-ўзидан юрагимга ваҳима оралаб қоларди.

Айни дамда уйга учиб кирган капалакни кўздан қочирмай кузатар эканман, ичимда унинг шом маҳали пайдо бўлганини қандайдир фалокатнинг аломатига йўяр, бироқ юрагим қаттиқ безовта тортиб кетаётган эса-да, ўрнимдан туриб, уни ташқарига қувиб чиқаришга зинҳор ботина олмасдим.


Ўғлим уй ичига капалак учиб кирганини пайкамай қолди, у ҳали-ҳануз хомуш тортиб ланж қиёфада ўтирар, лабларини чўччайтириб, бошини қуйи солиб олган, дам-бадам кўзлари юмилиб-юмилиб кетар эди. Мен ҳам ич-ичимдан унинг кўзлари капалакка тушиб қолишини сира истамас, гўё бу шумнийат жонзотга кўзи тушса, қандайдир фалокат содир бўладигандек, хавотир билан тез-тез унга қараб-қараб кўярдим.

Буни қарангки, бир чоғ капалак худди кўнглимдан кечаётган хавотирни сезгандек, тўпта-тўғри ўғлимнинг боши устига учиб борди-да, доира солиб айлана бошлади. Уй ичига оғир жимлик чўккан, капалакнинг ҳавони оҳиста-оҳиста сирмаётган қанотлари саси, назаримда, аниқ-таниқ эшитилаётгандек туюлар ва юрагимдаги ваҳима баттар ортиб борар эди.

Капалак шу алфозда жимир-жимир этиб учганча, анча пайт ўғлимнинг боши устида айланди. Бир пайт ҳамон мудраб ўтирган ўғлим бошини илкис кўтарди ва кўзларини катта-катта очиб, юқорига қаради. У боши устида пир-пир ўйнаётган капалакка кўзи тушиб, бир муддат анграйган кўйи қотиб қолди. Аммо унинг ҳайрати узоққа чўзилмади, кўнглида қизиқиш ва иштиёқ ҳисси устун келди, шекилли, кулгичлари ўз-ўзидан ёйилиб кетди.

О, мен нимасини ҳам айтай, анави айёр ва қув капалак ҳавода ял-ял товланганча бир зумда ўғлимни ўзига маҳлиё қилиб қўйди. Ўғлим ҳам кўзлари ёниб унга қараркан, юрагида туйғулари жунбушга келганидан, ўзини тутиб тура олмади,

шекилли, митти қўлчаларини худди капалак қанотларидек апил-тапил силкитганча ирғишлаганга тушди. У, афтидан, капалак сингари учишни истаб қолган, шу боис қўлчаларини шитоб билан тез-тез силкитар ва тушуниксиз, аммо ҳаяжон тўла товушда алланималар деб қичқириб-қичқириб кўяр эди. Унинг катта-катта очилган кўзлари чўғдек ёниб турар, ёноқлари қип-қизил тортиб кетган эди. Капалак ҳам аллақачон ундан чўчимай қўйган, худди атай ўғлим билан ўйнаш учун уйга учиб киргандек, унинг боши устида тинимсиз айланар, гоҳ юқорилаб, гоҳо пастлаб учар, қаноатларини эса рақсга тушаётгандек нозли-нозли силкитиб кўярди.



Мен, рости гап, ўғлим капалак билан бунчалик тез эл бўлиб кетишини сира кутмаган эдим. Уларга қараб туриб, юрагим орзиқиб кетар, хаёлимни банд этиб олган бояги ваҳимали ва нохуш ўйлар аста-секин кўтарилиб борар эди. Мен ич-ичимдан ўғлимга ҳавасим келарди, зеро, у ҳали тили чиқмаган гўдак бирор-бир илму амалсиз табиий йўсинда бу дунёнинг бағридан адашмай-оғишмай гўзалликни излаб топган ва ундан завқ-шавқ олаётган эди.

Аслида капалак ҳам гўё фаришталар юртидан учиб келгандек, гўзал ва мафтункор эди, шунинг баробарида, ҳали суяги қотмаган ўғлимнинг руҳияти ҳам масъум ва беғубор эди. Улар бир-бирини оппа-осон топиб олган ва қўрқув ҳамда ҳадик билмай ўйнаётган эдилар.

Шу кун қуёшнинг алвон шафақлари батамом сўниб, тун чўка бошлаганга қадар ўғлим капалак билан ўйнаган эди.

У менинг тўнғич фарзандим, кўзимнинг оқу-қораси эди, унинг исми Муайяд эди. Ҳаётимиз шундай тинч ва осойишта ўтиб борар, биз Муайяд билан овунар ва қувонар, уни ўзимизга тақдирнинг энг катта сийлови деб билардик. У митти сеҳргар каби кўнглимизга ҳамиша умиду ишонч солиб турар, кўзимизга бу кекса дунё ўта сахий ва мурувватли бўлиб кўринар, яшаш эса нақадар завқли туюлар эди.

У менинг тўнғич фарзандим эди, биз, хотиним иккимиз энди фарзанд меҳрини туйган, биримиз ўзимизни ота, биримиз эса она деб ҳис эта бошлаган эдик.

Аммо ёз ўтиб, шаҳарга кузнинг намхуш нафаси кириб келган, дов-дарахтлар япроғи заъфарон тус олган кезларда кутилмаганда ўғлимнинг руҳиятида ғалати ўзгариш юз кўрсатди ва биз, хотиним иккимиз азбаройи қўрқув ва ваҳимага тушганимиздан ўзимизни буткул йўқотиб кўйдик.

Бу ҳақда хотиним илгари ҳам икки-уч марта хавотирга тушган кўйи гапирган, аммо мен у шунчаки ваҳима қилаяпти, деган ўйда бу шўришларга тузук-қуруқ эътибор бермаган эдим. Аслида нимадан хавотирга тушишни билмасдим, ахир, ўғлим шундай кўз ўнгимда тўрт мучаси соппа-соғ ўйнаб юрар, аҳвол-руҳияси, юз-кўзида бирор-бир дарднинг аломати сезилмасди. Мен баъзан ўғлимга қараб туриб, хотиним нега бунчалик хавотирга тушаётганини сира тушуна олмасдим.

Ўша куни эса кечга томон уйга қайтганимда, хотиним шундай ваҳимага тушган кўйи гапирдики, беихтиёр ўзимнинг ҳам кўнглимга хавотир оралаганини сезмай қолдим.

– Ўғлингизга нима бўлган – сира тушунолмаймаман, – деди у йиғлагудек бир овозда. – Кун узоғи кўзига бир чимдим уйқу олмайди, бешигини тебратавериб, қўлим узилиб тушай деди. Қани энди, кўзини юма қолса, қайда дейсиз, биғиллаб йиғлаганча қўл-оёғини типирчилатиб, бешикдан ечиб ол, дегандай тинмай хархаша қилади. Бешикдан ечиб қўйсам, боладек ўз кўйида ўйнаб ўтирса, майли эди. Бунингиз гўдакка ўхшаб бир нафас ўйнаш ўрнига одамнинг хаёлига келмаган қилиқ чиқарган. Ҳали гиламнинг қатини кўтариб, остидан алланима излайди, ҳали тахмоннинг орасига қўл суқиб титкилайди, ҳали сизнинг анави китобларингизни олиб, битта-битта варақлайди. Ўйнаган бўлиб, шундай қилса, гўрга эди, йўқ, бунингиз титкилаб-титкилаб, ахийри, ўз-ўзидан чинқириб йиғлаб юборади. Товба, худди алланарса чақиб олгандек, шундай қақшаб йиғлайдики, овозидан уй кўчиб кетай дейди. Йиғлаганда ранг-рўйини кўрсангиз, қўрқиб кетасиз. Уни овутиб, ўзига келтирганча, жоним нақ бўғзимга келади. Бола бўлиб, болага ўхшамайди, бир бурда ҳоли билан нимани излайди, ҳайронман...

Мен хотинимнинг гапларини эшита туриб, уй ўртасида худди ўзи ҳақида гапираётганимизни англагандек бошини қуйи солиб, хомуш ўтирган ўғлимга яхшироқ разм солдим: у дафъатан кўзимга ғамгин ва маъюс кўринди. Кўзлари ҳам ботган, ранги синиқ эди, афтидан, қандайдир дард қийнаётганга ўхшар эди. Мен шунча кундан буён ўғлимга тузук-қуруқ эътибор бермаганимга ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Айни дамда, у кўзимга қандайдир оғир дардга чалиниб, бирдан сўлиб қолганга ўхшаб кўринди. Мен уни кўтариб олиб, бағримга босдим ва юзидан ўптиб, эркалаган бўлдим. Аммо у, одатдагидек, қувончдан ирғишлаб, бағримга талпинмади, эркалашларимга ҳам парво қилмади. У қўлларимда шалвирабгина турар, бутун вужуди қарахт тортиб қолгандек, ҳеч нарсани пайқамас, чамаси, унинг хаёли ўзида эмас, аллақадарда учиб юрарди.

Оқшом хотиним иккимиз бир-биримизга сўз қотишга ҳам ҳафсала қилмай жимгина овқатландик. Ўғлим туғилгандан буён уйимизга ҳеч қачон бундай оғир жимлик чўкмаган, кутилмаганда унинг руҳиятида рўй берган ўзгариш бизни бирдан ғам-ғуссага ботириб қўйган эди.

Аммо овқатланиб бўлиб, дастурхонга фотиҳа ўқилгач, ғалати воқеа юз берди: шунча пайтдан буён чиройи очилмай тумшайиб ўтирган ўғлим бирдан ўз-ўзидан жонланиб қолди, унинг сўник ва рутубатли кўзлари чақнаб кетди, юзига ҳам қизиллик югуриб, гўёки дафъатан нимадир

ёдига тушиб қолгандек, шошиб ўрнидан қўзғалди-да, апил-тапил эмаклаганча уй тўридаги тахмон томон кета бошлади. Мен унинг кутилмаганда жонланиб қолганини кўриб, бирдан хушёр тортдим ва унга қараб туриб, ҳайрат ва таажжубга тушганимдан тошдек қотиб қолдим: ўғлим муштдек бола боши билан аллақандай ёвқур ва ўжар қиёфага кирган, юзини шиддатли ифода қоплаб олган, кўзлари ёниб турарди. У айни дамда ҳали эсини танимаган гўдакка эмас, балки ўлжаси томон шитоб билан бостириб бораётган сиртлонга ўхшар, ҳаракатлари кескин ва қатъий, шу тобда уни ҳеч қандай куч изига қайтаришга қурби етмасди, чоғи. Афтидан, ўғлимнинг ўзи тахмон томонга нега бунчалик шошиб эмаклаб бораётганини яхши билар, фикру хаёлини ёлғиз шу нарсанинг ёди банд этиб олган эди.

Уй ичига юракни тарс ёрадиган жимлик чўккан, биз, хотиним иккимиз нафасимизни ичимизга ютганча ўғлимдан кўз узмай турардик. Аммо ўғлим тахмон қаршисигача эмаклаб боришга негадир сабри чидамади, шекилли, сал бу ёқда, деворга яқин жойда тўхтади. Ким билади, эҳтимол, у аслида тахмон томонга эмаклаб бормаётган, фақат менга шундай туюлгандир. Билмадим, ишқилиб, ўғлим уй ўртасида деворга яқин жойда тўхтаб, оёқларини узатган кўйи ястаниб, ўтириб олди-да, қўлчалари билан шошиб гилам қатини кўтарди ва бўйнини чўзиб, унинг остига қаради. Чамаси, хотиним боя рост гапирган, ўғлим, чиндан ҳам, алланимани излар ва ўша ўзи излаётган нарсасини гилам остидан топиб олишга сира иккиланмасди, шекилли, ишонч ва умид билан киприк қоқмай тикилар, бутун қиёфасидан мана шу ифода шуъласи ёғилиб турарди. ●

(Давоми кейинги сонда.)

ЭЛ ХАЗИНАСИДАН



Ўғлин (2)

– Сариосиёда ўрикнинг ичидан данаги олиб қуририлгани, туршакни ифодалаш учун ишлатилади.

Масалан: “Бозордан бир қоп ўғлингни елкалаб келдим”.

Ўмруқ

– Хоразм шевасида “мушт”, “муштум” деган маънони англатади.

Масалан: “Ўмруқингни дўлайтма”.

Ёвақ

– Бухоро вилоятининг Олот тумани аҳолиси паншахани шундай атади. Хоразмнинг баъзи жойларида “Ёва”, “ява” шаклида ҳам учрайди.

Эдраймоқ

– Самарқанд, Қашқадарёнинг кўглаб туманларида ишлатилиб, қарашнинг салбий маъносини ифодалаш учун қўлланилади.

Масалан: “Нега менга эдрайиб қолдинг?”

Чаграймоқ

– Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида ишлатилади. Таҳдид билан қарашни ифодалашда фойдаланилади.

Масалан: “Ерга юзтубан қулаган Бахтиёр шартта ўрнидан қўзғолиб, бир муддат рақибга чаграйиб турди”.

Потлоймоқ

– Хоразм (Хива) аҳолиси шевасида норози бўлиб, хунук қарашни ифодалаш учун ишлатилади.

Масалан: “Кўп потлоймасдан, ишингизни қилинг, ука”.

Жасур Жамиров тайёрлади.

Хар бир одамнинг кафтидаги чизиклар – ўзига хос, бетакрор. Худди шундай ҳар бир одамнинг ёзуви, дастхати ҳам бошқаникига ўхшамайди. Тўғри, умумий жиҳатлар бўлиши мумкин: муайян табиат эгалари сал майдароқ, бошқалари йириқроқ, кимлардир ҳарфларни узмасдан, бошқа тоифа эса дона-дона қилиб ёзади. Лекин синчиклаб қаралса, бу умумийлик ичида ҳам ўзига хослик мавжуд. Негаки, ҳар бир инсон – Яратганнинг алоҳида мўъжизасидир.

Ушбу сондан бошлаб сиз азиз журналхонлар эътиборига таниқли шоир-ёзувчиларимизнинг қўлёмаларидан намуналар бермоқчимиз. Мақсадимиз – истеъдодли шахсларнинг кўнгил “кардиограмма”си, қўлбитиклари орқали уларнинг юрак зарбларини аниқроқ туюшингизга ёрдам бериш. Қолаверса, ўзи суйган ижодкорнинг дастхатига эга бўлишни ким истамайди дейсиз?!

Тявалло
— II —

Ўйтакта бер, худойим,
Кейтакта бер, худойим.
Озодликни ҳадритга
Ёйтакта бер, худойим.

Ўурлик замидаи танеиғ еўз,
Ўулик-уалёга санеиғ еўз.
Ўурликни бошида
Ўйтакта бер, худойим.

Ўдайлаб ҳар етроси,
Кўзга еурекни кўнроси.
Ўрки береканг – ўрки деб зон
Ўйтакта бер, худойим.

Хох зиёни, хох коёи,
Бўлени унга мукоеи.
Вайтан береканг оризиёи
Кўйтакта бер, худойим!!

Ризани билган зотга бер,
Ўуир билган зотга бер.
Ўорини ҳар ичи зиёрат
Ўйтакта бер, худойим.

М. Юсуф.



Митти юлдуз милтирар

Қалдирғоч

Бугун олис маконга
Учиб кетди қалдирғоч.
Лой косали инидан,
Кўчиб кетди қалдирғоч.

Кузнинг олов ёмгири,
Тегдимикан жонига,
Шу ёмгирга дардини
Сочиб кетди қалдирғоч.

Келиб атай ёнимга,
Илҳомни ўғирлади.
"Баҳоргача!" деди-ю,
Кочиб кетди қалдирғоч!

Рангин дунё

Шоир асли мусаввир демак,
Чизар рангин дунё тасвирин.
Ҳар япроқда илоҳият бор,
Ҳар бир тоида ранг бор яширин.

Кўр истаган рангига бўяр,
Халёлида бутун дунёни.
Кимдир чизмоқ бўлади нуқул
Маъниси йўқ, рангсиз рўёни.

Кўрмоқ эмас, ҳис этиш керак,
Шудир бизга авалий сабоқ:
"Дунё қадим рангиндир ва биз
Ўйлагандан кўра рангинроқ!"*

Улгурмоқлик керакдир вақтнинг
Чалинмасдан охирги занги.
Биз дунёни чиза оламиз,
Оқ бўлса бас кўнглимиз ранги!

*Шавкат Раҳмондан

Умид

Митти юлдуз милтирар
Олис осмон бағрида.
Энг сўнги умид мисол
Умидсизлик қарғида.

Хазонрезги боғлар, куз,
Дилни кўмади савол.
Сўнги япроқ ҳилпирар,
Энг сўнги умид мисол.

Кимга не жоиз, билмам,
Менга бахт, қувонч керак.
Етмоқ, учун манзилга
Мустаҳкам ишонч керак.

Фақат олга бормоқ шарт,
Бўлса-да йўлда хатар.
Сўнги умид манзили,
Сўнги нафасга қадар!

Читтигул

Читтигулим, читтигул,
Миттигина, митти гул.
Ҳасратлашамиз бирга,
Дилда бардош битди, гул.

Бўйинг онам бўйидай,
Мунгли найнинг куйидай.
Шабнамми кўзёшларинг,
Сени ким ранжитди, гул?

Бўлиб қолса баргинг чанг,
Хўмрпаяди гулгунчанг.
Ҳолим ёмон, ҳолим танг –
Дил ҳижронни тотди, гул.

Кўнги нега хижилроқ,
Гулбаргларинг қизил, оқ,
Сенга таниш қизалоқ
Ўн еттига етди, гул!.



**Мурувватхон
ГАФФОРЖОНОВА**

1998 йили Фарғона шаҳрида туғилган. Ҳозирда Фарғона компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида таҳсил олади.
"Юрт келажаги – 2015" республика кўрик-танлови ғолиби.

1941 йил

Пойингга тиз чўкиб, севгилим,
Мен ҳам дилроз айтаман дедим.
Жанг майдони чорлади сени,
Ваъда бердинг, "Қайтаман!" дединг.

Сени кутар қиргинбарот жанг,
Мен қандай жим ўлтирмаман-а?..
Кетар чоғинг дедим чимрилиб:
"Агар ўлсанг, ўлдираман-а?!"

"Пойингга тиз чўкай, севгилим..."
Битдим қуну тунлар ора хат
Менга омон бўлсанг бас эди,
Келмаса бас эди қорахат.

Пойингга тиз чўкай, севгилим
Қолаясан нечун кечикиб..
Кутиб олдим ўн саккизимни
Сенсиз жуда-жуда ичкиб.

Қайтдинг..
Қайтдинг, фақат оёқларинг йўқ,
Мени енгди, қайгулар енгди!
Жилмайганча дединг:
"Пойингда,
Бир умр тиз чўкамани энди..."



Неъмат АРСЛОН

1941 йили туғилган.
Самарқанд давлат
университетини
тамомлаган.
“Аёл сувратига чизгилар”,
“Олдинда яна тун бор”
ҳикоялар тўпламлари
ҳамда “Адам водийси”,
“Мавҳумот” каби романлар
муаллифи.



ИБТИДО

Сув турли шароитда қандай ўзгаришга учраёткин? Сувга эътиборсизлик қилинганда, иқтидорли, оддий, ёмон одамлар унга тикилиб турганда, қандай жавоб бераёткин, билмоқчиман.

Масару ЭМОТО

“Зулоли завқу шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр”. Шундай. Фузулий айтганидек, токи ташна бўлмагунимизча сувнинг қадрига етмаймиз, уни эсламаймиз ҳам. Ташналик! Бундан ортиқ азоб йўқ. Бир ютум ҳаво инсон учун қанчалик зарур бўлса, сув ҳам шунчалик зарур. Биз нега сувсаймиз? Бунинг сабаби шундаки, инсон вужуди асосан сувдан иборат. Масалан, кўзимиз 99 фоиз сув. Бу унсурнинг модда алмашинуви натижасида чиқиб кетиши, буғланиши, ҳаракат ва ҳарорат туфайли терга айланиши оқибатида киши организмнинг сувга талаби ошади. Асосан сувдан иборат бўлган ҳужайраларимиз “Сув! Сув!” дея чинқира бошлайди. Организмда йўқотилган унсурнинг ўрнини тўлдириш зарурати бизни сув ичишга мажбур қилади. Шундай қилинмаса, ҳужайралар ҳалок бўлади, инсон ўлади.

Сув ана шундай бебаҳо неъмат. “Сув зар, сувчи заргар”, деймиз. Тежамкорлик жиҳатидан бу тўғри. Аммо зарни, яъни тиллони тоғ-тоғ қилиб уюб ташлаш билан ташналикни қондириб бўлмайди.

Бир қултум сув учун ташналик азобини чекаётган одам бор бойлигини бериб юбориши табиий ҳол. Ҳайвонот оламидаги бирорта жонивор, наботот дунёсидаги бирорта гиёҳ сувсиз яшай олмайди.

Ўзга сайёраларда ҳаёт бор-йўқлигини кузатаётган олимлар, аввало, ҳаво ва сувга эътибор қиладилар. Марсда ёки Ойда ана шу унсурлар борми? Ёки уларнинг мазкур сайёрада қачонлардир бўлганлигини англатувчи излар, белгилар, қандайдир шакллар мавжудми? Тадқиқотлар шунга таянади. Бу борада натижалар бор. Ойда ҳаводан ҳам, сувдан ҳам нишона кўринмайди. Аммо Марсда сув изларига хос белгилар мавжуд.

Музлаган дераза манзаралари

Аёз қисиб қаттиқ совуқ бўлган тунда деразалар музлайди. Унда киррадор тоғ чўққилари, қамиш ва палма япроқлари, бошқа турдаги дарахт шохлари, турли кўринишдаги тропик ўсимликлар, буталарни кўрасиз. Бу манзаралар шу қадар жозибалики, дунёда ҳали ҳеч бир мусафвир бундай расмни чизолмаган бўлса керак.

Деразадаги манзараларга сеҳрланиб қарайсиз. Ундан кўз узгингиз келмайди. Шу сувратлар деразамда бир умр турсин дейсиз. Аёзли тундан кейин, албатта, кўёш чиқади. Олам ёритгичининг юз кўрсатиши, муз қотган ерни иситиши афсусларли эмас. Дераза нақшларининг аста-секин эриб кетиши, сувга айланиши афсусли. Ҳар ҳолда, мен бундан ҳар доим афсус чекардим.

Шиша кўзлардаги соҳир нақшлар эриб, сув бўлиб оқади, чунки у аслида ҳам сув эди. Фақат қаттиқ совуқ таъсирида кристалланиб қолганди. Қизиғи шундаки, дераза кўзларидаги нақшлар унинг ташқи томонида эмас, балки ички сатҳида. Бунинг устига, бир кишининг деразасидаги чизгилар бошқаникига ўхшамайди, яъни сизнинг деразангиздаги сувратлар кўшнингизникидан фарқ қилади. Нега шундай?! Келинг, япон олими Масару Эмотонинг фикрларига қулоқ тутайлик: “Инсон қалби оламга бахт ҳам, изтироб ҳам бера олиш кучига эгаки, сув кристаллари айнан шу қалб ҳолатларини инъикос эттиради. Ҳаётда тўғри йўлни қандай қилиб топиш мумкин? Муҳаббат ва эҳтиромни кўнгилга жойлаб! Муҳаббатга лиммо-лим юрак эҳтиром ҳиссини уйғотади. Муҳаббат эҳтиром ҳиссини тўғри йўлга бошлайди. Эҳтиром ва муҳаббат бутун дунёни тўлдира олишини сув кристаллари бизга намоиш этади”, дейди япон олими.

Модомики шундай экан, сиз ётган хона деразаларидаги сув кристаллари нимадан дарак? Кўшнингизники-чи?! Улардаги чизгилар хонадон соҳибининг ички кечинмалари, ниятлари, муҳаббати ёки ғазаби ва нафратининг инъикоси эмасмикин? Агар Масару Эмото таълимотига асослансак, деразадаги кристалларнинг ҳам инсон ҳиссиётларига муштараклигига амин бўлишимиз керак.

“Сув ҳар биримизни кузатмоқда”

Бу сарлавҳа япон олими Масару Эмотонинг сув ҳақидаги тадқиқотидан олинди. Сув ҳар биримизни кузатиши сизга эриш туюлмаётими? “Наҳотки” демаяпсизми? Балки “бекорчи гаплар” деяётгандирсиз. Табиий ҳол. Дунё қадимий. Сув ундан-да қадимий. Биз эса оламга янги келган одамлармиз. Билганимиз сари ҳали ҳеч нарсани билмаслигимиз аён бўлади. Сув ҳақидаги билимимиз ҳам кўп нарсани англатмайди. Буни қарангки, ҳатто ота-боболаримиздан қолган ўғитларга ҳам амал қилмаяпмиз. Аслида қулоғимизга қуйилган ўғитлар бугун дунё олимлари ўтказаётган тадқиқотларнинг асоси экан!

“Сув ичгандан кейин Худога шукур дейиш керак”, деб ўргатишарди кексаларимиз. “Сувга тупурма!” Бу қатъий талаб эди. Одамлар бугун ариқ ва дарёларга челақлаб чиқинди тўкаяпти. Рўзғорга кераксиз бор нарса сувга ташланади. Сув эса бунга чидаяпти.

Масару Эмото ўтказаётган тадқиқотлар бугунги куннинг иши. Сувнинг хотираси борлиги, у ҳамма нарсани ёзиши ва эсида сақлаши, шунинг учун сувга ёмон назар билан қарамаслик, унга ёқимсиз сўзларни айтмаслик, акс ҳолда, сув ифлосланиб кетиши ва катта бахтсизликлар рўй беришини исботлашга ва буни инглиз олими доктор Шелдрейкнинг “морфоген – резонанс” назарияси билан боғлашга ҳаракат қилаяпти.

Доктор Шелдрейкнинг таълимотига кўра, одам нимага назар солса, ўша нарсага таъсир ўтказади. Бир жойда юз берган ҳодиса бошқа жойларга резонанс беради. Масару Эмотонинг сув тўғрисидаги тадқиқотлари ана шу нуқтаи назардан Шелдрейк таълимотига бориб туташиди. Буни қандай тушунмоқ керак? Дарё соҳилида туриб, унга меҳр-муҳаббат билан қарасангиз, бу эҳтиром морфоген-резонанс таъсирида бутун дунёга тарқалади. Сиздан жуда узоқда бўлган киши буни ҳис қилади. ➤

“Кўз ўнгингизда мавжланган сув дунёдаги уммонлар, денгизлар, дарёларда мавжуд жамики сувлар билан боғланган. Сиз тикилаётган сув сайёранинг барча нуқталаридаги сувларга резонанс беради ва муҳаббатингиз номаси барча инсонлар қалбига етиб боради”, дейди Масару Эмото. Демак, сувга қараб, сув ичиб, “Худога шукур”, дейиш Аллоҳга етиб боради. Ҳайратланарли томони шундаки, бизнинг ота-боболаримиз буни қадим-қадимдан билган, бугун дунё олимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар уларга маълум экан. Фақат биз бунга эътиборсизлик билан қараганмиз. Буни биз қилишимиз, яъни боболаримиз, момоларимиз ўғитини қайта ишлашимиз керак эди, холос. Афсус!..

Глобал масала

*Куфрликдан белги сув тошқини ҳам,
Энгину зилзила офатга ҳамдам.
Табиат жилвин тортаман дема,
У бандага эмас, Худога маҳрам.*

Бугун шоирларимиз инсон томонидан табиатга ўтказилаётган зўравонлик тўғрисида ана шундай шеърлар битмоқдалар. Хусусан, сувга бўлган муносабат ҳаммани ташвишлантirmoқда. Тирикликнинг асосий унсури бўлган бу бебаҳо неъматга муносабат кейинги йилларда жуда ёмонлашди. Ариқлар, анҳору дарёлар, каналлар ўзани том маънода чиқиндихонага айланди. Эндиликда рўзгоримизда нимаики ортиқча бўлса, уни ариқ ва бошқа сув ҳавзаларига олиб бориб ташлаяпмиз. Бугун сув ўзанларида тошдан кўра, оёқ кийими кўп. Қўшнимиз ҳаром ўлган бузоғини судраб бориб, дарёга ташлаётганини кўрамиз, аммо унга танбеҳ бермаймиз. Ўзимиз гувоҳ бўлган шу ва шунга ўхшаш воқеага хайрихоҳлик билдирган ёки “менга нима” қабилида бетараф қолганимиз ҳолда худди шундай ҳолатни газетадан ўқисак, “қаттиқ таъсирланамиз”. Буни қандай тушуниш керак? Радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ўз ифодасини топаётган ҳаёт ўзимиз яшаб турган ҳаётга нисбатан таъсирчанроқми?

Табиат муҳофазаси глобал масала. У ҳаётнинг қадрига етувчи кишиларни барча замонларда ҳам бефарқ қолдирмаган. Инсон зурриёдининг бардавомлиги учун қайғурган кўпгина алломалар, мутафаккирлар табиатнинг гуллаб-яшнаши, сув ва ҳавонинг мусаффолиги учун курашганлар.

Сув кимёвий тил билан айтганда, H₂O эканлигини биламиз. Унга ҳидсиз, рангсиз ва таъмсиз суюқлик деб таъриф берилади. Аммо буни қарангки, ташна бўлиб ва ютоқиб сув ичаётганимизда гўёки унинг дунёда тенги йўқ, таърифи топилмас муаттарлигини туйгандай бўламиз. Дарёларга ёки бошқа чуқурроқ сув ҳавзаларига қараб, сувнинг кўзларимизга ва шууримизга ором бераётган зилол рангдалигини, тиниқ осмонга монанд бу кўклик дунёдаги энг ҳузурбахш ранг эканлигини ҳис этамиз. Сув шу қадар лаззатлики, уни бу ёруғ оламдаги бирор нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бу – парадокс. Биз сувнинг маълум бир ҳидга, рангга ва таъмга эга бўлишини хоҳламаган бўлардик.

Чўмилаётган сув

Мавлоно Жалолiddин Румий айтадилар:

*Сувки тургун эрса бас, ул айнигай,
Бўйла сувни ичса кўнги айнигай.*

*Ҳақ савоб баҳрига иргитгай яна,
Лутфи бирлан сувни сув этгай яна.*

*Бир йил ўтгач ул яна маъвосида,
Қайда эрдинг? Эзгулик дарёсида.*

Эзгулик дарёси нима? Сув нега у ерга боради? Чўмилиш, покланиш ва яна тоза сувга айланиш учун. Сувнинг эзгулик дарёсига бориб чўмилаётганини тасаввур қила оласизми? Умуман, бу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз?

Бу саволга сувнинг ўзи шундай жавоб қилади:

*Булганиб эрдим, етишдим пок бўлиб,
Янги тўн кийдим, маконим хок бўлиб.*

Бугун олимларимизнинг сув устида олиб бораётган изланишлари, жумладан, унинг ифлос-

ланиши ва ўзини ўзи тозалаши тўғрисидаги тадқиқотлар замирида Жалолiddин Румий хулосалари бор. Фақат бу хулосалар узундан узок рисоалардан ихчамлиги, аниқлиги, фикрнинг лўнда ва таъсирчанлиги билан фарқ қилади.

Сув ҳар хил таъсирлар туфайли ифлосланади. Аммо у ўзини тозалаб, вақти-вақти билан покланиб, “эзгулик дарёси”да чўмилиб, яна олдимишга қайтиб келади. У беғараз ва беминнат хилқат:

*Ҳар балодин поклагувчи дер мени,
Ифрит эрсанг гар, малак этгум сени.*

*Булганар бўлсам магар кетгум яна
Тозалик дарёсига етгум яна.*

*Эски кир хирқамни ечгайман даги,
Янги тоза тўнни бичгайман даги.*

Унинг беғараз ва беминнатлиги шундаки, дарёга – эзгулик ёки тозалик дарёсига – бориб, покланиб, янги тўн кийиб, ўз макони хокка (тупроққа) қайтгандан кейин, кел энди, ифрит бўлсанг тозалайман, ифлослансам яна чўмилишга кетаман, дейди.

Эзгулик дарёси нима?

Замонавий шаҳарлардаги миллионлаб кўп-каватли уйларнинг ҳожатхоналари сув билан тозаланади. Бу ифлос оқова қаерга боради? Биз ичаётган сувга келиб қўшилмайдими? “Кўз олдингизда мавжланган сув дунёдаги уммонлар, денгизлар, дарёларда мавжуд жамики сув билан боғланган. Сиз тикилаётган сув сайёранинг барча нуқталаридаги сувларга резонанс беради...” дейди Масару Эмото.

Бу фикрлардан кўринадики, сувнинг вужуди битта. Ёки бўлмаса доктор Шелдрейк назариясига кўра хулоса чиқарадиган бўлсак, ҳовлимиздан оқиб ўтаётган кичкина ариқчанинг оху ноласини Тинч океани ҳам, Шимолий муз океани ҳам эшитиб туради. Демак, бизнинг оқоваларимиз ҳам ифлосланганидан нола қилади. Бу ҳолатни Жалолiddин Румий шундай ифодалядилар:

*Нола айлар ул юракдин эй Худо,
Берганинг бердим, ўзимдирман гадо.*

Шунда ифлосланган сув покланиш ва яна мусаффо бўлиш учун эзгулик дарёсига даъват этилади. У бугланади, булут ҳосил бўлади, натижада сув юксакликларга парвоз этади. Сўнгги йўқ денгизларга куйилади ва яна кўкларга кўтарилади. Пировард натижада қор-ёмғир бўлиб, покланиб, ерга тушади. Ана шу жараён эзгулик дарёсидир. Сувнинг дарёда чўмилиш ва покланиш жараёни ана шундай кечади.

*“Кўз олдингизда
мавжланган сув дунё-
даги уммонлар, денгизлар,
дарёларда мавжуд жамики
сув билан боғланган.
Сиз тикилаётган
сув сайёранинг барча
нуқталаридаги сувларга
резонанс беради...”*

Бундан сувни ҳар қанча ифлослантисак ҳам, у тозаланиб қайтавераркан, шундай бўлгач, сув ифлосланиб кетаяпти, деб бонг уриш шартми, деган хулоса чиқариш мутлақо нотўғри. Шундай хулоса чиқарган киши бу йилдан янаги йилгача, фасллар алмашилиб, яна қор-ёмғир ёғмагунча сув истеъмол қилмаслиги керак. Ваҳоланки, биз ҳар куни, ҳар лаҳзада сувга эҳтиёж сезамиз.

Ана шундай гаплар пировардида “Сувни тежанг!”, “Сувни ифлосланторманг!” деган ҳайқириқларга ўрин қолмайди.

Фақат шуни таъкидлаймизки, қадимги юнон файласуфи Фалес айтганидек, “Ҳамма нарсанинг ибтидоси сувдир”.





Ради́ф ГАТАШ,
Татаристон халқ шоири

Янги давр шеъриятининг Чўлпонни

Айни ижоди гуллаган даврида мустабид тузум қурбони бўлган халқимизнинг ўтюррак фарзанди Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ижодига, шахсиятига қизиқиш ҳеч қачон сўнмади. Адиб мероси, айниқса, истиқлол йиллари юртимизда, шунингдек, хорижда ҳам катта қизиқиш билан ўрганила бошлади. Татаристон халқ шоири Ради́ф Гаташнинг Чўлпонга бағишланган мақоласи фикримиз исботидир. Ушбу мақола қисқартириб эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Йигирманчи асрнинг биринчи чорагида ўзбек адабиётининг тонг юлдузи бўлиб балқиган, унинг бойишида муҳим ўрин эгаллаган шоир, шубҳасиз, Чўлпондир. У шеърлар билан бир қаторда роман, ҳикоялар ёзди. Бадий пухта пьесалар битиб, ўзбек театрларида саҳналаштирди. Бундан ташқари, Гоцци, Шекспир каби адиблар асарларини (“Турандот”, “Гамлет” ва ҳоказо) ўзбек тилига ўғирди.

Абдулҳамид (Чўлпон – унинг тахаллуси, айрим асарларига “Қаландар”, “Мирзақаландар”, “Андижонлик” деб имзо қўйган) 1897 йили Андижонда Сўлаймон савдогар оиласида туғилган. Отаси, эскича таълим олган бўлса-да, фарзандларини жаҳид мадрасаларида (Андижон ва Тошкентда), кейинчалик ўзбек-рус мактабида ўқитган. У Қозон, Оренбург ва Тошкентда босиладиган энг яхши журналлар, ҳаттоки Миср ҳамда Ҳиндистонда туркий тилда чиқадиған газеталаргача олган. Шу боис Чўлпон жуда зийрак, билимдон, дунёқарашли кенг шахс бўлиб етишди. Шоир деярли барча туркий тилларда гаглашган. Араб, форс адабиёти билан бир қаторда рус, Оврупта шеърияти билан ҳам яхши таниш эди. Чўлпоннинг отаси Сулаймон ҳам шеъриятга кўнгил қўйган киши бўлиб (у ҳам шеърлар ёзган) ўзига манзур келган эрон шеърияти дурдоналаридан девон тузган.

Аҳмад Закий Валидийнинг машҳур “Хотиралар” китобини ўқиган киши билади: муаллифнинг бутун салоҳияти, педагогик, сиёсий фаолияти адабиёт билан чамбарчас боғланган эди. Эсдаликларида у кўглаб

*Болалигидан Румийни, Саъдийни,
Ҳофизни, Тўқайни севиб, уларнинг
“сайрашига” маҳлиё бўлган Чўлпоннинг
ўзи ҳам бир умр “сайраб”, “қўйлаб” ўтди.
Натижада, туркий халқларнинг умумий
ифтихори — улуг шоир бўлиб етишди.*

Қозон адибларини, Оренбургдаги ёзувчилар даврасини ёрқин тасвирлагани ҳам аслида шундан. Туркий ва форсий шоирлар ёзган асарлардан мисралар, парчалар келтириб, замондошлари – Дардманд, Мағжон, Чўлпон ҳақида эҳтиром билан ёзади. Мусофирликда яшаганда ҳам уларни доим эслаб туради ва асарларини “маънавият хазинасининг дурдоналари”, деб билади. Чўлпонни “модерн (замонавий) ўзбек адабиётининг улугъ шоири”, деб атайти. Мағжон Жумабоевни ҳам...

Хотиралардан шуни англаш мумкинки, бу истеъдодли шоирлар Оренбургда Бабич билан танишиб дўст бўлиб қолади. Мен бу уч шоир лирикасида, образларида, ҳасратларида ҳамоҳанглик кўраман.

1914 йили Аҳмад Закий Валидий қадимги маданий меросимизни тадқиқ этиш ниятида илмий сафарга чиқиб, Тошкент, Андижон, Бухоро шаҳарларида Маҳмудхўжа Бехбудий, Васлий, Мунаввар Қори каби ўзбек зиёлилари билан танишади. У сафар давомида андижонлик ёш шоир ҳамда унинг отаси билан учрашади. Аслида, олимнинг асарларини ўқиб, у ҳақида кўп эшитган Чўлпон “ёш тарихчи қари Закий”ни (Бабич сўзи) меҳмонга таклиф этганди.

Чўлпон меҳмоннинг олдида бир дўсти билан ўзаро суҳбатлашиб ўтиради. Сулаймоннинг бу ҳолатдан норозилигини сезган Аҳмад Закий Валидий: “Булбул – бетакрор сайроқи қуш. Аммо у сайраганда бошқа қушлар жим (сайрамай) турмайди...” деб мавлоно Румийдан байт келтиради. Бу сўздан мезбоннинг кўнгли таскин топади.

Ахир болалигидан Румийни, Саъдийни, Ҳофизни, бизнинг Тўқайни севиб, уларнинг “сайрашига” маҳлиё бўлган Чўлпоннинг ўзи ҳам бир умр “сайраб”, “кўйлаб” ўтди. Овози тобора тиниклашиб, кучга кирди. Натижада, туркий халқларнинг умумий ифтихори — улугъ шоир бўлиб етишди. Бу ёруғ дунёда сайроқи қушлар ҳам, шоирлар ҳам ўз тингловчиларини топади!

Йигирманчи йилларда “ёрликлар (камбағаллар) шоири эмас” деб, синфий позициядан келиб чиқиб, Чўлпонга матбуот орқали ўн йилга яқин ҳужум уюштирилди. Бу пайтда шоир айна кучга тўлган, ижоди янада гуркирайдиган давр эди. Москвада ҳам, Тошкентда ҳам Чўлпон ижодини қадрлаган дўстлари, шогирдлари кўп эди. Масалан, Фафур Гулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун каби шоирлар Чўлпонни ўзига устоз деб билган ва шоирни ҳимоя қилишга уринган. Лекин тез орада улар “хатоларини тан олишга” мажбур бўлди. Махсус адабий “суд”лар, шоир ижоди тўғрисида махсус чиқишлар, кейинроқ эса уни қоралашлар бўлди. Натижада, 1937 йили ҳибсга олинган шоир 1938 йили отилди...

1990 йилларга қадар ҳатто унинг исмини ҳам ўчириб ташлашга ҳаракат қилинди. Лекин шуни



билмадиларки, бундай шоирни унутиб бўладими? Мумтоз Шарқ адабиёти традицияларини давом эттириб, янги адабий кашфиётлар қилиб, замон ўзгаришларини созга солган, ўзига хос услубини рўёбга чиқариб, таъсирли, ўткир шеърият яратган Чўлпонни-я!

Аҳмад Закий Валидийнинг “Хотиралар”ини ўқиганимда, Чўлпон ижоди билан яқиндан танишишни кўнглимга тугиб қўйган эдим. Чўлпон асарларини узоқ вақт изладим. Китобини топмоқчи бўлиб, ўзбек дўстларимдан сўрадим. 2009 йили “Қозон ўтлари” журналининг апрель сонидан олмон олими М.Фридрихнинг Дардманд ижодига бағишланган мақоласи (И.Гийлажев таржимасида) босилиб чиқди. Олимнинг: “Унга (Дардманга) фақат Чўлпонни тенглаштириш мумкин”, деган фикри менинг қизиқишимни янада оширди. Унинг яна бир фикри диққатга сазовор: табиат ҳамда мангулик мавзуси, ҳаётнинг ўзига хос шеърий моделини яратишда бизнинг шоирларга ҳамоҳанг, устозлар У.Уитмен ва Р.Тагор номини келтириб, Дардманд ва Чўлпонга юксак баҳо беради. Ўша мақола Чўлпон асарларини топишга янада кучли иштиёқ уйғотди. Ниҳоят, ниятимга етдим. Китобни топиб, шоир ижодини ўргана бошладим. ●

**Татарчадан Зулфия Ҳасанова,
Адҳамбек Алимбеков
таржимаси.**

Йўллар турли-туман, аммо мезонлар ўзгармас



Ўн йилча олдин адабий жамоатчилик луғатида “бозор адабиёти” деган атама пайдо бўлди. Тил ҳам ўрганди, қулоқ ҳам. Бир қарасанг бинойидек, аммо ҳаққингиз кетганини сезасиз! “Адабиётни ҳам бозорга солиб бўладими?” деб ўйлайсиз. Аммо ҳурматли адибларимиздан бири: “Ҳар қандай адабий жараён ўзининг ички қонуниятларига бўйсунди. Адабиётда қандай асарлар яратилипти, ижодий муҳит, кайфият қандай, бадиийлик мезонлари тўғри танланганми-йўқми – буларнинг бари ўша қонуниятнинг самараси... Адабий жараёндаги ҳар қандай янгиланиш, интилиш муносабат билан тирик. Муносабат – бадиий ижодга ҳаёт бахш этувчи қудратли куч. Бизнинг “бозор адабиёти” миз малакали ва холис муносабатга жуда муҳтож!” деб айтгандан сўнг ҳайрон бўлиб қолдик. Бу ҳақда ёш ижодкорлар нима дер экан?



Саъдулло ҚУРОНОВ:

– Ижодкор шахс – ижтимоийлик фарзанди. Шундай экан, унинг дунёқараши, туриш-турмуши шу ижтимоийликнинг тутумлари билан уйғун ҳолда кечади. Бугун бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда яшаётганимизни ҳис қилишимиз учун атрофга “кўзларимизни катта-катта очиб қарашимиз” шарт эмас. Образли қилиб айтганда, бозор кайфияти руҳимизга сингиб кетди. Кейинги пайтлар адабий жараёнда айна шу мавзу кўп кўтариляпти, назаримда. Матбуотда, телевидение ва радиода бот-бот чиқишлар қилинса-да, сезиларли натижа йўқ. Нега? Бу саволга жавобни зиёлиларнинг ҳар бири ўзидан қидириши керакдай. Мана биз, ҳаммамиз матбуотда, ижодга яқин соҳаларда ишляпмиз. Дўстларимиз, ҳамкасбларимиз ва ўзимиз ҳам китоб чиқарганмиз, жилла курса, шунга ўхшаш масалаларга аралашганмиз. Хўш, қайси ижодкор бугун китоб чиқарар экан, бозорбоғлик масаласини четлаб ўта олади?! Китобнинг дизайни, номи, ҳеч бўлмаса, қоғози бозор талабига мослаштирилмаяптими?! Энди мавзунинг бозорбоп қилиб танланишию оммавий ўқувчини назарда тутиб китоб чиқаришни қўяверинг. Нима, “Дайди қизнинг дафтари” каби номлар фақатгина муаллифнинг дидсизлигию ноширнинг саводсизлиги билан пайдо бўлибдими? Йўқ, бунинг ортида ўша бозор турибди...

Айтмоқчи бўлганим, “бозор адабиёти” шу ижтимоий-иқтисодий зарурат юзасидан чиқарилган табиий ҳодиса эканини

назардан қочирмаслигимиз керак. Акс ҳолда, соғлом фикрлашдан қочиб, ҳаёт ҳақиқатларидан юз ўгирган бўламиз.

Мен бу билан шамол қаёққа эсса, шунга қараб кетаверайлик, демоқчи эмасман. Шунчаки, шамолга қарши турганимизни эслатиб ўтмоқчиман, холос. Албатта, “бозор адабиёти”га бутунлай барҳам бериб бўлмаса-да, муайян чора-тадбирлар билан мувозанатни сақлаб туриш мумкин. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, бу мувозанат тизгинини ушлаб туриш фақат ижодкорга боғлиқ эмас.



Бехзод ҚОБУЛОВ:

– Менинг кузатишларимга қараганда, бугун бозоргир (“бозор адабиёти” демайлик, “бозоргир асарлар” дейилса, аслига тўғри бўлади, шекилли) асарлар ҳақидаги танқидий-таҳлилий фикрларни умумлаштираман, адабиётшуносликнинг бу борадаги концептуал қарашларини қайта баҳолаш, ўзгартириш зарурати ҳақида гап кетаётгани ойдинлашади. Содда қилиб айтганда, илм бугунги адабий жараёни баҳолашнинг методологиясини ўзгартириши керак, деган фикрдаман. Адабий жанрларнинг типологияси эволюцияга учраганини ва бу жаҳон адабиётида анча бурун бошланганини назарда тутиб, эндиликда жанр хусусиятларини назарий жиҳатдан узил-кесил шарҳлаш, фарқлаш керак. Ўшандагина бу жиддий ва бу сийқа деган ялғи бўлинишда мантқиқ бўлади. Ҳозирги муносабатларда жўяли назарий асоснинг йўқлиги, фикрларнинг ҳиссиётларгагина асосланиб

қолаётгани ёзарларни ҳам, ўқувчиларни ҳам, олимларни ҳам қониқтирмаяпти. Биз ҳар қандай асарга жанр талабларига мувофиқ баҳо беришимиз керак. Ёзувчига ҳам, олимга ҳам, кўнгилли бир таҳлилчига ҳам ягона назарий асос керак. Назарияга кўз ташламай туриб, таассуф ва таассуротларни қалаштириб ташлаш, айтилажак фикр қувватини сусайтиради. Яна бир гап. Сиз бозор ҳақиқатларини катта бир кучга қиёс қилибсиз. Бу – хато фикр. Одамзод минг йиллардан бери бозор атрофида айланади. Бозор географик тушунча, моддият касб этган майдон эмас, унинг жуда чуқур маънолари бор. Дунёнинг боқий сифатларидан бири ҳам – бозор. Ҳар қалбнинг яратилишига талабдор бор – талаб ва тақлиф аро боғланишда ҳаётнинг кўҳна мантиғи мавжуд. Бозор биз учун янгилик эмас. Илм ва адабиётнинг оммавий ўзлаштирилиши ҳаммиша ўз маромида кечган, бу жараёнга катализаторнинг ҳеч бир кераги йўқ, акс таъсир қилиши мумкин. Адабий жараёнга бозорнинг таъсири ҳақида гап сотиш бемаъни туюлади менга. Социологлар, файласуфлар бу ҳақда ўйлашаётгандир. Фаннинг қамровидан чекиниш, зиммасига улкан юк ортиб қўйиш депсинишга олиб келади. Системалар, тузумлар ҳақида баҳслашиш илмнинг ўзагидан чалғитади.



Жасур КЕНЗБОЙ:

– Мен адабиётшунос эмасман. Аммо бир ўқувчи сифатида, кўп қатори бадиий бақувват, мағизли асарлар билан “қарра жадвали”дан иборат битикларнинг фарқини сезаман. ➤

Сухбатимизда кўтарилаётган мавзу – асл адабиёт ва “бозоргир адабиёт” деган нарсанинг аҳамияти унча йўқ мен учун. Нега? Менинг назаримда, адабиёт – адабиёт дегани. Бозорбоп ном қўйилиб, оҳанжама дизайнда чиқарилган китоблар орасида адабиётга дахлдори йўқ, дейишга шошмайлик. Айни пайтда адабиётшуносларимиз кўкка кўтариб мақтайдиган асарлар ичида икки саҳифасидан у ёғига одам эснай бошлайдиганлари ҳам топилса керак...

Демак, ҳамма гап – адабиётнинг мазмун-моҳияти, мағзида. Бугун истаган кутубхонангизга кириш: биз икки кутубга ажратиб, гапирётган адабиётнинг иккиси ҳам ўз миждози – истеъмолчисини топганини кўрамиз. Фақат... растабоп, бозор қонуниятларига сўзсиз бўйсунган китоблар чаққон сотилади.

Хўш, нега бугунги ёзувчи зап асар ёзиб, уни бозоргир қилишга қизиқмасин экан? Ўзи асар ёзса, ўзи пул тўлаб нашр қилдирса, сотиш ҳам ўз гарданига тушса... Ёзувчини чалғитадиган, чарчатадиган иш эмасми булар? Ундан кўра, асарни ҳам пишиқ битиб, китоб номидан тортиб ранги-рўйига жазибдор, харидоргир қилгани беҳроқ эмасми? Албатта, бу фикрларимни “бозор адабиёти”ни қўллаб-қувватлаш деб тушунмаслик керак. Фикримча, адабиёт мезонлари даврлар оша ўзгариб турса-да, ўқувчининг адабиётдан кутадигани, умиди аслича қолган – янги гоё, янги гап, янги тасвир. Китобхонни пуч гоёлар билан бир алдасангиз, қайтиб меҳрини қозониб бўлмайди. Шунинг учун адабиётнинг қай йўлдан кетиши, қайси мезонлар асосида яшаб қолиши алал-оқибат адибга боғлиқ бўлиб қолаверади.



Умид ЁҚУБОВ:

– Ёзувчи аслида қутулиш учун ёзади. Ёзади, ўзини қийнаётган ҳис-туйғулардан озгина қутулади. Тамом. Аммо у ёзганларини кимдир ўқишини исташи билан, ҳа, айнан чоп этиши эмас, исташи билан бозорга киради. Бозор эса олаговур. Ҳеч ким ўз маҳсулотини ёмон демайди:

*“Ихтилофи жузв ила кун мундадур –
Ким тараққию таназзул мундадур...”*
(Алишер Навой).

XX аср ўзбек насри хулқланишни ҳаётини мақсад, аҳдни эътиқод, вафони ҳаё, ўзига садоқатни бурч деб билишдан бошланганди. Бу инсон ғалабасини, Эшқобил Шукур тили билан айтганда, “инсонни инсондай кўрмоқ орзуси” эди. Бугун эса шу бошланмага қайтишнинг ўзи катта гап бўлиб қолди. Чунки йиллар тўфониди бу қарашлар эврилди, ўзгармоқда (бу ҳам мобил телефон ривожига ўхшайди-да: у дастлаб фақат гаплашиш воситаси бўлган бўлса, ҳозир унинг дастурлари битта одамнинг вақтини бе-малол олишга етади, ҳамма гап шу вақтининг қандай тақсимланиши, истифода қилинишида). Шундай экан, адабиётнинг ҳам ҳамиша яхши маънода ўз бозори бўлган, дейишса, ёқавайрон бўлманг. Фақат бу бозор ҳалол савдога асосланиши лозим. Яъни, сотувчи ўз харидорига сифатли асар етказиб бериши керак: гени ўзгартирилган ё кимёвий ўғитлар билан кўкартирилган нарсасини тоза, табиий маҳсулот деб ўтказишга уриниш – очиқ пасткашлик, муттаҳамлик.

Бу масалада яна бир жиҳат: “маънавий ҳамён” масаласи. Бозорга бодини кўргани бормайдилар, дейишади, одамнинг нимадир харид қилиш мақсади бўлади. Аммо харид қурғур ҳамёнга яраша-да. Ўқувчи ҳам бадий адабиётни “маънавий ҳамён”га яраша харид қилади. Ҳамёни бўш одамни “Қимматбаҳо нарсани нега сотиб олмадинг?” деб сўроққа тутиш беҳуда.

Жасур КЕНГБОЙ:

– Яхши, истеъдодли адиблар авлоди қайси даврда кўпроқ етишиб чиққан

бўлса, ўша замонда адабиётнинг пилиги баланд, ижодкорнинг ҳам манглайи ярқирок бўлган. Тарихга қаранг – минг битта далил. Шундай экан, ҳақиқий адиб, ҳақиқий ижод ўзи қандай бўлади, деган савол доим бизни қийнаши керак, деб ўйлайман. “Ҳақиқий ёзувчи – ўнг-сўлига қараб, эҳтиёт билан қадам босишга фурсати бўлмайди. У ўз вазифасини адо этади-ю, дунёдан ўтади. Агар сиз оддий истеъдод эгаси бўлсангиз, узоқроқ яшашингиз керак, негаки, тузукроқ бирор нарса ёзиш учун вақт даркор. Қобилиятсиз ёзувчилар эса абадий яшамаса бўлмайди”, дейди Эрнест Ҳемингуэй. Дарҳақиқат, шундай. Аммо, энг ачинарлиси, бугун қобилиятсиз “ижодкор”лар ҳам кўпайибгина кетди-да. Бўш вақти бўлди дегунча китоб чиқариб ташлаётганлар қанча...

Тоши енгил газеталарнинг оддий хронологик воқеалар асосида тўқиб-бичилиб, учи-кети йўқ ҳодисанома битиклари ҳам бир зарбда тўпланиб, қалин-қалин асар, детектив китоблар шаклида растага чиқарилмоқда. Бунинг оқибати ҳаммани ўйлантириши керак...

Одоб бозорда сотилмайди, дейди халқимиз. Асоси, таянч нуқтаси одоб ҳисобланган адабиёт ҳам бозор-

га солинмайди. Бозорга солиндими энди, у адабиёт эмас, қиймати уч пулга қиммат матоҳга айланади-қолади. Мен, шундан асрасин, дейман.

Беҳзод ҚОБУЛОВ:

– Кўраятмизки, ма-салага ҳар хил нуқтаи назардан ёндашиш мумкин ва шундай бўлиши ҳам керак. Жасурбек айтгандай, адабиётни фарқламай, ажратмай қўяқолиш принципи бугунги аксарият зиёлиларнинг йўли, тутуми. Бунда улар ҳақ. Лекин адабиётшунослик илми бундай йўл тута олмайди. Чунки у алоҳида бир шахснинг имкониятлари билан чегараланмайди. Аниқроғи, халқ, зиёлилар, қолаверса, ёзувчиларнинг ўзи ҳам бу майдонга чиққан катта кичикнинг жами ёзганига муносабат кутади. Демак, таҳлил учун материал ҳаддан зиёд кўпайган бир пайтда адабиётшунослик уларни туркумлаши керак эди. “Бозор адабиёти”, “бозоргир адабиёт” деганлари шундай эҳтиёж туфайли пайдо бўлган тушунчалардир. Бундай ажратишнинг ўзиёқ, аслида бозоргир асарлар туркумига холис ва ҳаққоний муносабатдир. Ижобий ва салбий хусусиятлари билан биргаликда бу адабиёт бугунги ўзбек адабиётининг узвий бир қисмини ташкил қилади. Фақат асар фабуласида,

тасвирда, сюжет яратишда адиб, ўқувчининг савқи табиийсини инобатга олган ҳолда, қаерда қандай фирромлик қилганини ...шунослар жуда яхши билади. Аслида, бизнинг гурунгимиз ана ўша фирромлик устида боряпти, назаримда.

Умид ЁҚУБОВ:

– Ўқувчи кутилганидан камроқ ўқиётгани, адабий савия, дид пасайиб кетаётгани ҳақида кўп гап бўлмоқда. Албатта, қуруқ дийдиё билан иш битмайди. Президентимиз таъкидлаганидек: **“Энди одамлар, ёшлар китоб ўқирмай қўйди, деб фақат нолиб ўтирмасдан, таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадиий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш зарур”**.

Фойдали озиқ-овқат танимизга қувват, руҳимизга дармон беради. Шундай экан, назаримда, бадиий адабиётнинг ҳам битта мезони бор – инсон руҳига, маънавиятига фойдали бўлиши.

Соф бадиият – инсоннинг ўз-ўзи (нафси, истаклари) билан мангу кураши, қадриятлар, тутумлар тафтиши ифодаси. У инсон тафаккури ва тасаввурининг бадиий инъикоси, тимсол билан тиллашиш, дунёни, инсонни янгича идрок этиш ва ўша идрокни ифодалаб, керак бўлса, исботлаб бериш. Бироқ “ёзиш – танлай олиш салоҳияти” (А. Камю) эканини ҳам унутмаслик керак. П.Лагерквист айтганидек, “одамнинг маънавий эҳтиёжларига дахл қилиш санъатнинг ютуғи эмас”. Адабиёт – маънавий тозаришга, ибодатга айлангандагина, ўз моҳиятига яқин келади.

Агар ўқувчилар, чиндан ҳам, “бугун ташвиқоти зўр, номи оҳанжама асарларга эмас, том маънодаги яхши асарга эҳтиёж сезиб қолган” бўлса, яхши. “Ёмондан яхшини ажрата олиб, танлаб ўқишни бошлаган” бўлса-ку, нур устига нур. Аммо унақа ўқувчилар кўп эмас деб ўйлайман. Адашаётган бўлсам, хурсанд бўлардим. Масалан, яқинда бир профессор айтди: “Таътилда бешта китоб ўқидим”. Ўқиганлари нима экан десам, ўша, енгил-елпи битиклар ёзиб юрадиган акамизнинг “эъжод” маҳсули.

Кундалик газеталарда парча ўқиб, асабим бузилгани учун ҳайрон бўлиб сўрадим: чиндан яхши асарларми? Профессор айтдики: “Ҳа, чунки бошни оғритмайди, одам дам олади”. Бешта китобни у сотиб олган. Чунки “маънавий ҳамён” шуни тақозо этган. Ким билсин, вақти-вақти билан шундай ҳам бўлиб турар. Чунки ўзи турмуш ташвишларидан чарчаган одам, дейлик, Раскольников, Мишкин, Ставрогин ё Мерсо каби одамнинг асабини эговлайдиган, биз кўниккан ҳаёт қоидаларини тан олмайдиган қаҳрамонларнинг ташвишини кўтаришга мажולי борми? Ўзидан ортиб, уларнинг изтиробини ўзида кечиришга, яшашга иродаси, қуввати етдимми? Ўзи, шунга мажбурми?

Бугун китоб расталари ва ўқувчилар жавонини эгаллаб олган “асар”ларни саралаб олиш, фойдали-фойдасизга ажратиш – адабий танқиднинг иши. Балки бизда бугун том маънода Бутун ва Соф адабиёт назариясига эҳтиёж борлиги учун ҳам чин ижод билан қалбакилик кундан-кун қоришиб кетаётгандир. Балки Абдулла Қаҳҳор сингари муросасиз устозларнинг “қалампир” сўзлари етишмаётгандир. Билмадим. Билганим, асарни яхши-ёмонга ажратиш – бугун ўқувчининг гарданида: у бечора эса таъми шўрми ё тузи камми, аччиқми ё ўта ширинми – баридан бир ўзи татиб кўришга мажбур.

Бу масалада кўрсатувлар қилинган, мақолалар ёзилапти. Яқинда бир кўрсатувда ўша “яллачи шоир” чиқиб, менга ёрдам беринглар, айбимни тушунтиринглар, деди. Албатта, шундай дегани учун ҳам раҳмат, лекин ҳамма билиб турган айбини ўзи тушунмаётгани – унга ёрдам беришнинг имконсизлигидан дарак. ➤

Жўрамининг “қобилиятсиз “ижодкор”лар мўр-малаҳдек кўпайиб кетгани”дан куюнганича бор. Аммо уларнинг уриниши вақт чиғириғидан барибир ўта олмайди, десак, ўзимизга таскин берган бўламиз. Ахир, уларнинг вақт чиғириғидан ўта олмаганини кўришни кутиш учун умримиз етармикан?! Сабримиз-чи?! Фарзандларимизнинг маънавий олами нима бўлади?!

Беҳзод ҚОБУЛОВ:

– Менимча, бундай ташвишли савол кўйишга ҳожат йўқ. Чунки сифатсиз нарсалар асл баҳосини жуда олади. Эҳтимол, асар ёзиб бўлинган пайтидаёқ муаллифнинг ўзи чин қалбдан: “Эсиз вақтим”, деб ўртанса керак. Ҳарҳолда, қўлига қалам ушлаган ёзар барибир ўзи яратган асарнинг асл баҳосини сезади, билади, куюнади ёки севинади – азалдан шундай. Лекин Умид Ёқубов айтган бошқа бир масала, яъни адабий диднинг тараққийси қаён кетиб бораётгани, чиндан ҳам, ўйловга муҳтож масаладир. Барибир, зўр асарнинг пайдо бўлиши – ноёб воқелик. Буни тан олишимиз керак. Бутун бошли адабиёт тарихида салмоққа ярайдиган асарлар кўп эмас. Дунёда ҳам, ўзимизда ҳам. Аммо бу ўринда бошқа бир хосият бор, яъни ижодкор ўзи мансуб бўлган адабий жараённинг ривожланиб, илдамлаб, янгиликларга қучоқ очиб боришини таъмин этади. Шу тарз кейинги ҳодисага вазият етилади. Худди ижтимоий муносабатлар каби адабий жараёнда ҳам хаоснинг муайян тартибга келиши, флукутация жараёни содир бўлиб, янги тартибга бошловчи кучнинг туғилиши учун жуда кўп ва хилма-хил воқелик талаб этилади. Умид Ёқубов таъкидлаганидек, кейинги юз йилликда негадир адабиётимизда фикрлар мароми, идеаллар кутилмаган йўналишга ўзгариб борди. Қаҳрамонларнинг қадриятларга муносабати мутлақо ўзгача, баъзан кўрқинч тус олди. Ахлоқ, эътиқод, вафо, ҳаё, садоқат, бурч каби тушунчаларнинг мазмуни, совет адабиёти мисолида, қашшоқлаштирилди, тузумга садоқат бош мезон саналди. Ҳозир шундай бир фикр туғилдики, ўша жимжимадор адабиёт таъсиридан халос бўлишни



ният қилган давримизда бозоргирликка ошиққан адибларнинг бирдан бодроқдай кўпайиши, расталарни эгаллаб олиши аслида кутилган, кечиши муқаррар жараён бўлса-чи? Чунки битта яхши асарнинг пайдо бўлиши учун юзлаб тажрибалар, умри қисқа битиклар ҳам керак бўлгандай, асиллик билан хом-хаталани фарқлаш учун муайян майдон, материал, содда айтганда, рақиб зарурмикин, деб ўйлаб қолдим. Аммо бу жараёнлар, адабий реакциялар биз нима деб ўйлашимиздан қатъи назар, бизнинг инон-ихтиёримиздан ташқарида, ўз-ўзи-ча ривожланишини назарда тутишимиз керак.

Нурилла ЧОРИ:

– Назаримда, бугунги суҳбатимиз бесамар бўлмади, мавзу бўйича ўз қарашларимиз, фикрларимизнинг бир-биримизга ҳавола этиб, чиғириқдан ўтказиб олдик. Ўртага

ташланган масалалар бизни қанчалик ўйлантирмасин, Беҳзод дўстимизнинг фикрига қўшиламан: ҳар бир асар Вақтдан ҳаққоний баҳосини олади. Олганда ҳам, узоқ эмас, қисқа фурсатда олади. Ҳозирданоқ бунинг аломатлари сезилмоқда, одамлар илгаригидай олди-қочди ҳикояларни кўп ўқимаяпти, бундай “асар”ларни чоп этаётган нашрларнинг ҳам бозори аввалгидек чаққон эмас. Ўқувчи асл, жиддий адабиётга қайтмоқда. Шубҳасиз, бунда давлатимиз томонидан олиб борилаётган маънавий ислоҳотлар, чинакам китобхонликнинг тарғиботи, ёш ижодкорларга берилаётган эътибор ва бошқа омиллар муҳим ўрин тутмоқда. Халқимиз “Зар қадрини заргар билади”, дейди. Иккиланмасдан айтиш мумкинки, юртдошларимиз орасида ана шундай юксак таъбли “заргар” китобхонлар кўптчилиқни ташкил қилади... ●

Нурилла ЧОРИЕВ ёзиб олди.

**Давра суҳбати
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси билан ҳамкорликда
тайёрланди.**



Анвар СҮЮНОВ

1983 йили туғилган.
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаган. Ҳикоялари республика нашрларида мунтазам чоп этиб келинади.

Оқтирноқ

ҲИКОЯ

У

ни илк бор Ғўбдинтоғ этагида учратдим.

Қуёш нурлари нимжўш рутубатни кесиб, тираманинг ачимтир иссиғи забтига олганида яйдоқ далада лўккиллаб кетиб борарди. Аҳён-аҳёнда бийдай ялангликда ис олиб чопар, гоҳида бўйнини чўзиб шувоқлар орасига ҳезла-ниб тикилиб қоларди...

Ови бароридан келмаса, яна сомонпоysi йиғиб олинган майдонга чиқиб оларди.

Одам оёғи узилган адоқсиз дашт саҳнида ундан бўлак қора кўринмайди. Пастқам тепаликларга яқинлашавергач, йўлини ўн-га бурди. Сел йўлида ҳосил бўлган жарликлар оралаб, шох-шабба ва куш патлари уюлиб қолган қўқимларни ҳидлаб кўрди. Сўнг кунгай тарафдаги қиялама сари йўртиб кетди. Этакдаги тўқайга ўхшаш бодомзорда санғиб юрди: муллатўрғай қувди, ковулнинг қотган меваларини териб еди, эски қўшхонада¹ алланиманинг қолдиқларини титкилади. Ичида овқатюқи қотиб қолган целофан идиш кузнинг енгил шабадасида пириллаб, итнинг оғзида осилиб борарди. Дарахт шохларидаги дашт қушлари елим халтанинг шитирлаши ва итнинг бир маромда йўртишини қизиқсиниб кузатиб туради. У ёввойи бодомлар орасидаги акас тагида оёқ илди. ➤

1 Қўшхона – сурувнинг ёздаги кўчма тураржойи.

Тандирнинг оғзидек ковак ичига ер бағирлаб ўрмалай бошлади...

Сангзор ва Зарафшон орасидаги кимсасиз Ғўбдин даштига бу ит қаердан келиб қолган? Қандай аянч қисмат одамлардан олис, овлоқ манзилга улоқтириб ташлаган? Қайси қилмиши бундай тақдирга рўбарў қилган? Ҳеч ким бундай саволларга жавоб бера олмас, очиги, унинг ҳаёт тарзи ҳеч кимнинг ҳаёлига келмас эди. Ҳа-я, назардан батамом қолган, ташландиқ эмасди: болалаган кезлари кузатувда бўларди. Ишқибозлар зимдан пойлаб, изма-из юриб инини топарди; ҳали кўзи очилмаган кучукчасини хуржунга солиб, дунё топган калдек суюниб қайтарди. Чўпонлар: “Болалари бўрибосар бўлади”, дерди. “Биттаси икки қашқирга тенг!” деган гаплар ҳам улардан чиққан. Қизик, лақабиям турлича эди.

– Губурсойнинг кучуги, – деди бир куни опам гап орасида.

– Саройлининг саёқ ити! – жаҳл қилувди мешини ғажиб кетганида Зубайда қўшнимиз.

– Олаҳўкки! – деб эди раҳматли Исмат чўпон бир маъракада.

Аввалига оти йўқ эди, укам иккимиз дуч келган ном билан чақирардик. Ҳайит арафаси меҳмонга келган аммам бир-икки ҳайиқиб: “Ол, анов Оқтирногингни?!” дегач, лақаби Оқтирноқ бўлиб қолди.

Исмат чўпоннинг нега Олаҳўкки деганига ҳалигача тушунмайман. Чунки унинг олasi йўқ, қизғиш малла, туғма чўнтоқ эди. Шалпангалаган қулоқлари, калта тумшуги эт олган пайтлари ўзига ярашиб турарди...

Ўшанда олтинчими, еттинчими синфда, ишқилиб, кичкина мактабда ўқирдим. Болалар тўққизни битиргач, катта мактабга ўтарди. Шуниси эсимда. Кўпқарилаб кетган дадам бир ой деганда номозшом маҳали қайтди. Санчқи билан ғарамдан пичан суғираётувдим, отнинг узун-узун пишқириғи эшитилди. Дарвоза ёнида-

ги оққа бурканган отликқа кўзим тушди: дадамни ҳам, Чамбил лақабли отимизни ҳам чарчоқ босиб турарди. Жониворнинг тарам-тарам ёлида, дадамнинг қайрилма мўйловида томчинусха сумалаклар бор эди.

– Қоронғи томда катта қилсанг, – Чамбилни отайвонга олаётувдим, отам кеча-бугун кўзи очилган кучукчани узатди. – Қопқир бўлади!

Гидикнинг мизожи яхши экан, сал кунда қора овқатга ўрганди. Қиш охирида тозидек ингичка, лекин бўйдор итга айланди. Икки қор босганида қишлоғимизнинг олди ити бўлди. Мен уни олти ой қоронғи томда сақладим. Шу боисмикан, дадам айтганидек, қопқир ва баджаҳл бўлди. Каттаравергани сайин кўни-қўшнилар сескана бошлагач, ҳовлимиз этагидан гуваладан ин қурдик. Белбаравар қозиқ қоқиб, бойлаб қўйдик. Аввалига оти йўқ эди, укам иккимиз дуч келган ном билан чақирардик. Ҳайит арафаси меҳмонга келган аммам бир-икки ҳайиқиб: “Ол, анов Оқтирногингни?!” дегач, лақаби Оқтирноқ бўлиб қолди.

Бир сафар занжирини узиб, Кўзибой бобони босганида дадам қаттиқ бақирди.

– Миянг суюлиб кетганми? Ҳеч замонда итнинг занжирини чилвир билан илдирадими қозиққа?! – отам жаҳл билан Оқтирноқни катаги томон судраб борарди. – Симбуров солсанг, қилт этмайди-ку! Бўрига илакишган Олаҳўккидан бўлса бу...

Ногаҳон Олаҳўккининг зурриёди эканлигини билдим. Кўзибой бобони қопган бўлсаям меҳрим ошиб кетди. Чунки унинг болаларини ҳамма орзу қилар, айниқса, чўпонларнинг ишқибозчилиги зўр эди. Ич-ичимдан суюндим. Дадам кейинчалик нега сир сақлаганини айтиб берди. Олаҳўкки йилда бир марта, ёлғиз бола туғармиш. Бирагай кучук ниҳоятда олғир бўлармиш. Кучга тўлганида ҳар қандай қашқирнинг додини берармиш.

Яна, бўрини оладиган итни сиртлон ҳам дейишади. Сиртлонларнинг орқа оёғида олтинчи тирноғи бўлади. Тирноғи еттига, яъни қўшсиртлон итлар ҳам бўлади. Бунақалари жуда кам учрайди. Қишлоғимиз кексалари: “Улар бўри билан олишганида сиртлон тирноқлари иш беради”, деб кўп гапирарди. Оқтирноғимизнинг олд панжасида ҳам қўшсиртлони бор эди. Дадам: “Бунинг томирида қашқир қони оқаётир!” дегич эди пийпалаб эркалаганида.

Оқтирноқ уч қор босганида танатўш олди. Ўмровлари кенгайиб, бўйни қалинлашди. Шунга яраша панжалари ҳам йўғонлашди. Калласи хумдек эди. Овози дўрилдоқ – қандайдир ваҳимали жаранг сочарди. Уйимизга бегона келса ёки

хамсоярларнинг моли дарвоза ҳатласа, чунонам ташланардики, гоҳида занжирини узмасайди деб қўрқардим. Тенгқурларим ҳам ҳавас, ҳам ҳасад билан қарарди. Баҳайбат гавдаси, бўри келбати одамни ҳайиқтирарди. Айниқса, туғма чўнтоқ думи, тагидан кесилган қулоқлари янаям ҳайбатли кўрсатарди. Қизғиш кўзлари кўрқувга соларди кишини. Унинг яна бир ғайриоддий қилиғи бор эди: узун қиш кечалари увлаб чиқарди. Ҳар гал увлашдан олдин қисқа-қисқа ҳуриб оларди. Унинг бу ҳуриши кўпроқ чийиллаб-ғингшиётганга ўхшарди.

Ўлимидан кейин кўп ўйлаб юрдим: нега бундай қиларди? Қандайдир сири бормиди?.. Ҳалигача тагига етганим йўқ. Лекин, отамнинг “Ота томонига тортди-да!” деган гапи хотирамда.

Чамбилимиз энг катта солим – туяга ташлаган кун Оқтирноғимиз яна занжирини узди. Аввалига катагида жимгина ётган эди. Мен кўтондан қий чиқараётувдим. Дафъатан инидан отилиб чиқиб, қибла томонга силтаниб ҳураверди. Ҳовлимизни унинг мағрур ва дўриллоқ овози тутиб кетди. Ҳар силтанганида катаги баравар сакраб занжирини узгудек отиларди.

– Қара ановга! Нон-пон ташладингми? – деди опам ошхонадан чиққан пўчоқларни сигиримиз охурига тўкаётиб. – Оғилнинг сиртида дайди итлар юрибдими дейман.

Куракни олиб сиртга чиқдим. Шунда... ёнимдан бир кўланка ўқдай учиб, кўкрак бўйи девордан ҳатлади-ю, кўздан йўқолди. Сўнг итларнинг ғала-ғовури, айримларининг уввос солиб чийиллаши эшитилди. Ҳамза подачининг беткайлигида Оқтирноқ ўнга яқин ит билан олишиб ётарди. Йўқ, Оқтирноқ эмас, ўнга яқин арлони ит бир-бири билан олишиб ётган эди. Қулоғи кесилмаган қанжиқ беткайликда лўкиллаб кетиб борарди. Бирпасда болалар жам бўлиб итларни олқишладик. Мен кўнғир итни тагига босиб олган Оқтирноғимизга кишт бериб турдим. Кўнғир Оқтирноқнинг тагидан сибжирилиб чиқар, у эса зилдай гавдаси билан босиб оларди. Гоҳида тик туриб савашар, Оқтирноқ бир зарб билан қулатиб яна тагига оларди.

– Итинг ҳадисини билмаскан!

Кутилмаган хитобдан ортимга бурилдим. Исмаат чўпон олишувни бамайлихотир, лекин синчков кузатиб турарди.

– Эшакдай гавдаси, туядай кучи бор! – чўпон ўзига ўзи гапираётганмиди ёки менга айтаётганмиди англаб бўлмасди. – Икки марта Кўнғирнинг бўғизи тўғри келди. Эпполмади. Бир ҳамлада жулунини қайириб, майиб қиладиган савлати бор-а...

Тирноғи еттита, яъни қўшсиртлон итлар ҳам бўлади. Бунақалари жуда кам учрайди. Қишлоғимиз кексалари: “Улар бўри билан олишганида сиртлон тирноқлари иш беради”, деб кўп гапирарди.

Лекин чўпоннинг айтгани бўлмади. Оқтирноқ рақибини босиб тураверди-тураверди. Бир маҳал жарнинг нишаблиги ўнгай келганда, Кўнғир сибжирилиб чиқди-да, тура қочди. Оқтирноқ жаҳд билан қувсаям ета олмади. Кўнғир думини чоти орасига олиб, қишлоқ ора-лаб кўздан ғойиб бўлди. Итимни судраб келиб, занжирини қозикқа қалин сим билан бойлаб қўйдим. Шу пайт бўйнининг остидаги жароҳатга кўзим тушди. Териси бир қарич кесилган эди. Силқиллаб қон томчиларди. Тасмасини авайлаб олиб, елкаси ва тўшидан арқон ўтказиб боғладим. Дадам келгунча катта энам иккимиз кепак қиздириб босдик. Эски рўмол билан бўйнини ўраб қўйдик. ▶



– Нима бўлди бунга? – қош қорайганда узангидошлари билан қайтган дадам итни кўздан кечираётди сўради. – Пичоқ билан тилгандек-ку!

Хуллас, дадам алламбало, ҳиди ўткир дорилар билан анча вақт муолажа қилди. Ҳар сафар малҳам сураётганида эски чопон билан тумшуғидан ушлаб турардим. Қиш адоқлаб, кўклам оёқлагунгача зўр бериб қарадик. Билмадим, аммамнинг катта ўғли келиб, Оқтирноқни олишувга олиб чиқмаганида ёки уни уриштиришига қарши турганимда бошқача бўлармиди...

Заман ака – аммамнинг катта ўғли, дадамнинг тўнғич жияни эди. Шу боисмикан, эркатойлиги бизникида ҳам ўтарди: уйга келса истаган ишини қилар, хоҳласа от минарди ёки “Жигули”-мизни учуриб келарди. Негадир отам кўп қаттиқ гапирмасди унга. Айниқса, Чамбилимизни терга пишириб келган кезлари “Айтинг, минмасин!” деб жиғибийроним чиқарди.

– У – меҳмон, сен – уй эгаси! – деб вазмин гап қотарди дадам. – Бир терлагани билан отинг ўлмайди. Қайтанга, пишади.

Заман ака эса билганидан қолмасди. Худди тоғбегидек кўнглига келганини қиларди. Шаҳарда дўхтирликка ўқирди. Шунинг учунми, ўрисча аралаштириб гапирарди. Ҳа-я, унинг оти аслида Заман эмас, Абдузамон! Негадир “абду”си тушгач, хунуқкина “заман”га айланиб қолган.

– Ҳей, Боташ! – деди ўша куни кулчатоини еб бўлгач. – Давай, кучугингни обчиқ. Ҳозир чўботлар келади, уруштирамиз: бир қўй тикиб, гаров ўйнаганман.

*Ҳайвондир, одамдир,
нимаики бўлмасин, сал
эркинлик керак, кўпга
аралашиб туриш керак*

Дадам эшитмадимми ёки пайқамадими, ишқилиб, ҳеч нарса демади. Нима қилай деган маънода қараган эдим, парво ҳам қилмади. Дастурхонга омин айтилгач, ноилож кўзғалдим. Истар-истамас Заман аканинг ортидан тушдим. Оқтирноқ анчадан бери қозикда турганлиги учун мени судраб чопқинлар, узоқдаги итларни кўрса ваҳима солиб ҳуриб қўярди. Ҳаш-паш дегунча атрофимизда тенгтўшларим кўпайиб кетди. Барчаси олишувни муҳокама қилиб

борар, мен эса занжирни маҳкам қисиб олдинда йўртиб кетардим.

Қаллалисойга етганда уларнинг қораси кўринди. Ўн чоқли бола увоққина бир итни ўртага олиб, бўйинини сийпар, елка ва оёқларини уқаларди. Ит шунга ўрганган, шекилли, тумшуғини чўзиб, гавдасини кериштириб, ажиб бир ҳолатда мазза қилаётгандек эди. Яқинлашаверганимизни кўриб, олдинма-кейин сойга тушишди. Соининг текисроқ жойини танлаб, майда тошлардан улкан айлана қилдик. Заман ака уларнинг Тенгбой дегич каттаси билан музокара қилди. Иккови ўртага бир қўйнинг пулидан тикиб, холис одам – ўнгатлик Қуролбой жўрамга бериб қўйди. Ашур ака ҳакам бўлди. Дарвоқе, Оқтирноқ уларнинг итини кўргач, шовқин солиб, силтаниб ташланса ҳам, у парво қилмас, эгасининг ортидан майда қадамлар билан йўрғалаб кетаверарди. Ҳайиққан-ҳайиқмаганини билиб бўлмасди. Доира ичига солиб, жангга ташлаганимизда ҳам ҳурмади. Фақатгина ириллаб, тишининг оқини кўрсатиб, илкис Оқтирноққа ташланди.

Биринчи бўлиб ҳужумни у бошлади. Итимнинг чап болдиридан олиб, пийпалаб ғажишга ўтди. Оқтирноқ улкан гавдаси билан суриб бориб ётқизди. Қарчиғайига оғиз солиб, пастга босди. Унинг бели майишиб, бир амаллаб Оқтирноқнинг чап томонига ўтиб, биқинидан олди. Ўша кез баҳайбат Оқтирноғимнинг қоядек ағдарилганини ва чўботлар ити илдамлик билан бўғзига чанг солганини кўрдим. Ичим идраб кетди. Оқтирноқ хириллар, менинг эса қоним қайнаб-тошарди. Даврадан қисилиб чиқиб ажратмоқчи бўлдим. Кимдир тирсагимдан тортди.

– Нима дейсан, итинг олдириганини тан оласанми? – деди Тенгбой Заман акага.

– Ҳе, нима деяпсан?! Ўлигини олиб кетасан лайчангнинг!

Заман аканинг шу гапидан кейин доира тарафга бурилдим. Оқтирноқ чўботлар итининг устига чиқиб, тўғрироғи, дустаман ётқизиб, қулоғини чайнаб-пийпаларди. Елкадан тоғ ағдарилгандек, шу топда ўзим ғалаба қозонаётгандек эдим. Афсуски, рақибимиз ўта чайир, чайир ҳам эмас, қайиш экан. Чаптастлик билан буралиб, зилдай босиб турган кўланкадан халос бўлди. Иккиси ажрашиб, яна урушмоққа тушди.

– Ҳей, қаранглар! Кўктой дум ташлади, – деди кўшнимиз Ҳамроқул қичқариб.

Ҳақиқатан ҳам, чўботларнинг кўк ити шалвираб, гажак думи осилиб қолган эди.

Орада анча баҳс бўлди. Биров ундай, биров бундай деди. Тортишувга ҳакам – Ашур ака нуқта қўйди:

– Яна бир марта қўямиз, қайси бири босса шуниси голиб!

Итлар майдонга тушиши билан аввалги шижоатга минди. Олдинига тик туриб савашди. Бунда Оқтирноқнинг қўли баланд келди. Ўнг панжаси билан Кўктойни уриб ағдарди-да, сағрисидадан босди. Оқтирноқнинг тик туриб савашидида галаба қилиши аниқ. Чунки унинг танаси рақибиникидан анча йирик эди. Кўктой жуда чаққон ва урушишнинг ҳадисини олган экан. Чағдастлик билан ўнгланиб, Оқтирноқнинг чотиға тиш ботирди. Ётган жойида бир ағдарилиб, Оқтирноқнинг орқа томонига ўтиб олди. Шунда итимнинг орқа ўнг оёғи чўзилиб, ноқулай туриб қолди. Кўктой шуни пойлаб турган эканми, орқага тисарилиб Оқтирноқни резинадек чўза бошлади. Бояқиш ҳеч нарса қила олмас, фақат ортига қараб ирилларди. Тагин ичимга ваҳима тушди. “Бор-е!” деб ажратиб олиш учун доира томон юрдим. Кўктой энишда эди. Тисарилиб тортавергач, тобора пастлайверди. Кутилмаганда Оқтирноқ илкис ортига буралиб силтанди. Кўктой яна унинг тагига тушди. Оқтирноқ рақибининг чаккасиға оғиз солиб пийпалайверди...

– Бўлди! – деди чўботлар орасида биров йиғламсираган овозда. – Итимни ўлдириб кўяди.

Ашур ака қўлидаги халачўпни Оқтирноқнинг оғзига солиб буради. Кўктой озод бўлди ва қимир этмай тилини осилтириб тураверди. Оқтирноқ чўлоқланиб четга чиқди.

– Ҳо-ов, болалар! – кўзи қисик бола туйқус гап бошлади. – Манов кучук четлади – ютқизди!

Тагин баҳс бошланди.

– Келинлар, охирги марта майдонга туширамиз! – Ашур ҳакам жанжалнинг олдини олиш учун муросага келтирмоқчи бўлди. – Қайси бири енгаркан?

Мен норози бўлдим. Қонга беланган Оқтирноққа ичим ачиди. Айниқса, тинган кўзлари, осилиб турган тили, чотидаги кесик жароҳати раҳмимни келтирди. Заман ака зўрлик билан даврага тортди. Оқтирноқ судралиб борди. Лекин... Кўктой ириллаб у ер-бу ерига чанг солганда ҳам айиқдек бепарво турди. Сўнг оғир қадамлар билан айлана четига чиқди.

Чўботликлар калака қилиб кулишди. Заман аканинг жаҳли чиқди. Муштдек тошни олиб Оқтирноққа улоқтирди. Тош унинг биқинига теканида бир силтаниб тушди.

– Тфу, бунинг дальтоник¹, ҳа, қип-қизил дальтоник! – деди Заман ака жаҳлини жиловлай олмай. – Бунинг фақат уйингга келган бегонани, қўшнининг молини кўради. Манов лайчани кўрмайди. Уни кўриш учун кўз керак, юрак керак!

Мен Оқтирноқни етаклаб қияга ўрладим. Болалар тарқалишди. Зиён асабига урган Заман ака сой ўртасида ҳамон шунга ўхшаш гапларини такрорларди:

– Бўрини олади десам, чиниминан кўтпак-ку бу! На олишишни билади, на чап беришни. Фирт дальтоник: уйга бегона келса босиши керак, мол-ҳол остона ҳатласа ўтакасани ёриши керак. Ўргилдим, сенга ўхшаган Оллаҳўккининг боласидан. Касал – бу!

Кечқурун мол-ҳолни тинчитиб уйга кирганимда дадам қоракисалик чавандозлар билан гурунглашиб ўтирган экан.

– Заман жиян кўринмайди?! – деди чой кўтариб кирганимда.

Чидаб туrolмадим. Оқтирноқнинг аянчли ҳолидан ичим эзилиб кетганди. Назаримда, ўлар ҳолга келганди у. Ҳиқичоғимни базўр босиб:

– Заман кетди, Оқтирноқни ўлдириб тинчиди! – дедим йиғламсираб.

Полвонлар бири олиб-бири кўйиб мени тинчлантирди. Дадамга ҳаммасини айтиб бердим.

– Парво қилма! – маслаҳат берди тўрдаги шопмўйлов меҳмон. – Бундан бу ёғига кечқурунлари бўшатиб, эрталаб бойлаб кўй. Шунда пишади, уқдингми!

– Тўғри айтасиз, Оқбўта ака! – дадам маъқуллаб гап кўшди. – Бунинг кучуги занжирини узиб бўшалмаса, бўш кўймаймиз-да. Шунга ўнглаб уруша олмаган. Уззукун бир қозикда тургандан кейин қайдан билсин?

Шу билан гап ўзани бошқа томонга бурилди.

– Ҳайвондир, одамдир, нимаики бўлмасин, сал эркинлик керак, кўпга аралашиб туриш керак, – пиёлани кафтида ўйнаб ўтирган Абдул чапақай дегич кўшилди орага. – Бу – ит экан. Ўнгатлик Шуккур ҳосилотнинг гап-сўзидан умуман ҳафсалам пир бўлди. У шаҳардаги Толли жиян билан томир бўламан деб хўп кўрди. Болалари бўшанг, шекилли, муроди ҳосил бўлмагач: “Ўғлинг ўнгли бўлмасаям қийин экан”, деб нолиб юрибди. “Минг қистасам ҳам, шаҳарга бормади шўрингқурғур”, деди у кунни тегирмонбошида. Нима эмиш, куёв бўлмиш шаҳарлик қизлардан ҳайиқармиш.

– Э-э, Абдул ака. Ҳосилотнинг болалари уйдан кўчага чиқмаган, бешиқдан тушганидан бери сурувнинг кетидан эргашиб юрган бўлса, – шопмўйлов полвон гапни илиб кетди. – Уларда нима гуноҳ, асли Шуккур зикнани уриб кетган. Битта-яримини ўқитганида ёки мундай бир элга аралаштирганида боланинг ўзи қизни етаклаб келарди.

1 Дальтонизм – баъзи рангларни ажрата билмаслик ёки айрим рангларни кўра олмаслик касаллиги.

Ҳангома анча чўзилди. Пешма-пеш чой дамлаб, қайнатманинг косаларини йиғиб олдим. Ойим хамир ийлаб, кулчатой тадоригига киришаётган эди...

Эрталаб Чамбилни яккамихга олиб, қўйларга арга бераётганимда қўноқлар турнақатор бўлиб уйдан чиқди. Аввал дадам билан, сўнг катта энам ва ойим билан хайрлашдилар. Фовга етганида Абдул чавандоз жиловни тортиб менга юзланди:

– Бўрибосарингни ҳар оқшом бўш қўй, улим. Ўтган-кетган итлар билан талашаверса, ўйини кўпаяди. Ҳадемай қашқир билан довлашадиган бўлади.

Дафъатан Оқтирноқнинг катаги тарафга қарадим...

У кўринмасди. Молларнинг охурига емиш ташлаб, теваракни кўздан кечирдим. Қозиғига илдирилган занжирга кўзим тушди: бир учи катакнинг ичига кириб кетган эди. Уясининг тўри чуқур ва зах экан. Аввалига “маҳ-маҳ”лаб чақирдим. Қиё ҳам боқмади. Занжиридан тортиб, чиқармоқчи бўлдим...

Катагининг тўрида ғужанак бўлиб, тош қотиб қолган эди.

Дадам иккимиз Каллалисойга судраб кетаётганимизда Қўтиркоянинг устида нимадир чўнқайиб ўтирарди. Белдан ошаётганимизда бир-бир қадам ташлаб пастга энди. Оқтирноқни кўмиб, устидан тупроқ тортганимизча қияда ўтирди. Сўнг бир маромда лўккиллаб дашт томонга йўл солди. Белга кўтарилганимизда қори кетиб, қора-қўнғир тус олган майдонда кетиб борарди. Узоқлашгани сари бепоён дашт саҳнида кичик нуқтага айланиб, тунд табиат қўйнига сингиб бораётгандек эди.



ТААССУРОТ

Анвар Суюннинг “Оқтирноқ” ҳикоясини ўқиб...



Баҳодир КАРИМОВ,
филология фанлари
доктори:

– Бу ҳикоя айрим кимсаларнинг қалб иллоти ва ҳайвонларнинг инсоний туйғулари тўғри-

сида. Муаллиф бу гапни бирор ўринда очиқ ёзмайди, сир тутаяди, яширади. Ўқувчини чалғитиш учун кўпқаридан, Оқтирноқнинг панжасидаги қўшсиртлонидан, итлар жангидан, Ҳосилотнинг ҳолидан гап очади...

Ҳикоя матнида одамларнинг исмлари кўп экан. Бироқ улар персонаж эмас, улар исмсиз, лақаби ё касби билан аталганда ҳам ҳеч нарса ўзгармайди. Аммо Оқтирноқ ўз номи, психикаси ва харакатерига эга образ.

Қизиқ жойи шундаки, ҳикоя талқини учун яна бир фикрни қўшиш мумкин: Олаҳўккининг аянчли саодати – эркида, Оқтирноқнинг фожеаси эркисизлигида. Меҳмонлар Оқтирноқнинг ночор ҳолини кўриб, унга қиёсан Шукур ҳосилотнинг болаларини эслашади. “Ҳайвондир, одамдир, нимаики бўлма-син, сал эркинлик керак, кўпга аралашиб туриш керак”, дейди улардан бири. “Оқтирноқ”ни шу тезис асосида ҳам таҳлил этиш мумкин.

Тўғриси, менинг тасаввуримда ҳикоядаги ушбу иккинчи палладан кўра узун тафсилотларга эга бўлган ва сюжетни композицион жиҳатдан қолиглаб турган Олаҳўқкининг “инсонийлик туйғулари” палласи босим келди. Бундай талқиннинг бошқа бир ассоциациявий сабаби ҳам бор. Илгарироқ моҳир таржимон Мирзаали Акбаров таржимасида олмон адиби Ҳерман Ҳессенинг “Бўри” ҳикоясини ўқиган эдим. Қишлоқ одамлари кечкурун озуқа илинжида овул оралаган бир оч бўрини қўлларида таёқлари билан қувиб қолишади. Оломон шовқин-сурон билан унинг изидан эргашиб кенг далагача бориб, бўрини ўларман қилиб уриб ташлаб кетади. Шу ҳолда ётган бўрининг кўзи осмондаги муназзаҳ ойни кўради. Одамлар қалби бундай назоҳат ва гўзалликдан бебаҳра. Ким бўри?!

Назаримда, Анвар Суюннинг ёвузликка қарши ит образини, унинг кўзи ва кўнглини контраст қўйиши ўз ижобий натижасини берибди. “Абдузамон” яхши топилган исм. Бу кимса, гарчанд

ўқимишли бўлса ҳам, Яратганининг эмас, замона иллатларининг қулидир. Заман билан ит орасида ҳикоянинг умумтафосига кўра зиддият бор. Ровий бола улар ўртасидаги мувозанатни сақловчи жонли, руҳли бир восита. Унда иложсизлик кайфияти устун: Оқтирноқни аяйдиган бўлса, меҳмон ака хафа бўлади. Меҳмоннинг кўнглига қарагани боис ити жароҳатланади; қисмат экан – ўлади.

Ҳикояда ит уруштириш жараёни анча батафсил, ишонарли тасвирланган. Ровий ҳодисани қораламайди, мақтамайди ҳам. Томошабинлар ундан завқланади. Бола эса оғмача кайфиятда юрагини ҳовучлаб туради. Бир қўйнинг пулини ўртага қўйиб гаров ўйнаган итбоз Абдузамондан одам хафа бўлади. Боташга кўшилиб Оқтирноққа ачинади. Олаҳўқкининг унсиз фарёдини сезади.

Ровий воқеликни жуда тигиз услубда баён этади. Гарчанд бироз меъеридан ошгандек таассурот қолдирса-да, ўзбек адабий тилида кўп ҳам қўлланилмаган янги сўз ва ибораларни ишлата-

ди. “Кўқим”, “қиялама”, “чўнтоқ”, “танатўш”, “ўмров”, “симбуров” – адабий тилимизнинг луғат хазинасидан ўрин олишга муносиб бундай сўзлар эл орасида кўп. Муаллиф “тирама”, “дустаман” каби айрим сўзларнинг адабий тилда “тийрамоҳ”, “юзтубан” каби муқобили борлигини билиб ё билмай қўллайди. Бу “айб”ни ёзувчига эмас, балки ровийнинг устига юклаб юборилса, эҳтимол, ўзини оқласа керак. Чунки воқеликнинг “Ich-Erzählung”, яъни биринчи шахс тилидан баён этиш усули поэтик нутқдаги ўша ҳолатлар учун изн бериши мумкин. Аслида, ҳар қандай адибнинг сўз излаши, сўз танлаши, ибора ва сўз ясаши умуман адабий тил табиатига мос, кўпчиликка тушунарли бўлиши, тилни бойитишга хизмат этиши қадрланади...

Хуллас, бугунги адабий ҳаётда урчиган оддий “воқеанома”лардан фарқ қиладиган ушбу ҳикояни ёзган Анвар Суюн келгусида ўзининг нурли қалами билан адабиёт муҳибларини суюнтиришига умид қиламиз.



Нормурод НОРҚОБИЛОВ, **ёзувчи:**

– Анвар Суюннинг ҳикояси яхши бошланган. Тили ҳам ўзига хос. Дала-дашт ва ўз майлида улоқиб юрган дайди итнинг хатти-ҳаракатлари етук ёзувчиларга хос қисқа ва, энг муҳими, гўзал йўсинда ифода этилган. Бироқ сўнг-сўнг бу

“гўзал”лик тафсилоти силқиб чиқа бошлайди ва оқибат, жониворнинг ўлими билан якун топади. Хўш, итнинг фожеаси ўқувчи қалбида қандай из қолдирди? Ҳеч қанақа. Табиатан кучли эса-да, ношудлиги туфайли заволга юз тутган бир жон, холос. Маълумки, ҳаётда ҳеч бир нарса, масалан, дейлик, комиллик ёхуд унинг акси бўлмиш тубанлик сабабсиз юзага келмайди, ҳар иккисининг илдизи ҳам бирор-бир бўшлиқдан ёхуд олис коинотдан эмас, жамиятидан, унинг камолати ва жаҳолатидан озиқланади ва бўй кўрсатади. Агар ёзувчи воқеликка ушбу нуқтаи назар-

дан ёндашганида эди, итнинг фожеаси маълум бир салмоқ касб этиб, ўқувчи қалбини чертиб ўтиши тайин эди. Тўғри, “қопагон бўлсин” дея жониворнинг қоронғи бўлмада сақланиши, занжирбанд этилиши ва сўнг гаров эвазига ўзга бир итга қарши қўйилиши орқали ёзувчи нимагадир ишора қилган. Шахсан мен ўқувчи сифатида бу ишорада яралганидан бери табиатга фойдасидан кўра зиёни кўпроқ тегиб келаётган, нафс йўлида ҳеч балодан тап тортмайдиган ва ўзини бунга ҳақлиман деб билган ва биладиган одам боласининг лоқайд кирдикорларини пайқадим. ❧

Ким учундир бу нарсалар оддий ва одатий ҳол бўлиб туюлиши мумкин. Аммо ижодкор учун эмас. Ижодкор аҳли ҳар нарсадан ўзгача маъно ва мазмун қидираркан, табиийки, буни ўзига хос тарзда ифода этишга интилади. Бироқ асарда баёнчилик ва ортиқча тафсилотларга урғу берилгани боис хиралик ортиб, воқелик ўқувчи шуурига кутилган даражада таъсир этмайди. Энди асар боши ва сўнгида тилга олинган ёввойилашган она ит масаласига келсак – у Оқтирноққа боғлиқ воқеалар қатига лирик

чекиниш сифатида усталик билан сингдириб юборилса, янада соз бўларди – унинг асар бошида келиши воқеа ривожига хизмат қилган эса-да, аммо асар сўнгида кўланкаланиши мантиқсизликка сабаб бўлган. Негаки, узоқ йиллар ўрганишим ва кузатишларимга кўра, табиати ёввойиликка мойил бўлган жониворлар ўз зурриёди тақдирига кўпда бефарқ бўлмайди, ёввойи табиат қонуниятига кўра, бундан бирор наф чиқса-чиқмаса, одатда, улар боласи банди этилган, яъни кўним топган ҳудудда

ўралашиб, бир-икки қора бермасдан қолмайди. Ҳикояда бу каби нозик ҳолатларнинг йўқлиги эса асар сўнгида пайдо бўладиган кўланкага нисбатан ишончсизлик руҳини туғдиради. Хуллас, Анвар Суюн итлар дунёсини яхши билади, лекин асарда барча билганларини баён этиши шарт эмас. Баён этишга интилиш баёнчиликни юзага келтиради, холос.

Умуман олганда, ёш ёзувчининг ушбу мавзуга қўл ургани, ҳикоя тили ва муайян тасвирий ютуқлари мени мамнун қилди.



**Отабек САФАРОВ,
тадқиқотчи:**

– Жонлиқлар ҳақидаги аксарият битикларда асосий эътибор уларнинг табиатига, феъл-атворига қаратилади, моҳиятан итнинг инсонга ва фодорлиги ҳақидаги қарашлар тасдиқланарди. “Оқтирноқ” ҳикояси муаллифи эса ўрганиб қолганимиз ана шу тасаввурдан ўзгача йўл тутарди.

“Эшакдай гавдаси, туядай кучи”, рақибини “бир ҳамлада жулунини қайириб, майиб қиладиган савлати бор” Оқтирноқ нега олишувда ғолиб бўлолмади? Чунки у олишув сир-синоатини билмас эди. Чорвадорлар орасида афсонага айланган, бўрининг боласи бўлган ит ҳам, агар ҳаёт тегирмонида ийлашиб-пишмас экан, мағлуб бўлиши муқаррардир. Ҳикоя қаҳра-

монларидан бири айтганидек: “Ҳайвондир, одамдир, нимаики бўлмасин, сал эркинлик керак, кўпга аралашиб туриш керак”. Шу маънода “Оқтирноқ” лақаби фақатгина тус билдирмайди, балки итнинг тарз-ҳолатини англатади.


Ҳикоя замиридан сизиб чиқувчи бу мулоҳазалар одамзод турмушидаги айни ҳолатга ўхшаш манзараларни кўз олдимизга келтиради. Чиндан ҳам, қўлини совуқ сувга урмаган, тилаги оғзидан чиқмасидан муҳайё қилинган бола улғайганида оддийгина синов қаршисида ҳам додидираб қолади. “Оқбилак-да”, дейди кўпни кўрганлар бундай пайтда.

Кейинги йилларда тилимизни сунъийлаштириб, жозибасини йўқотишга “ҳисса” қўшаётган айрим радиобошловчилар ҳар икки гапнинг бирида қўллайдиган қуруқ жумла бор: “қўшиқ жаранг сочди”. Сўзларни нотўғри қўллаш ҳақидаги қатор мақолаларда қайта-қайта айнан шу мисол келтирилганига қарамай, “жаранг сочмоқ” тилдан-тилга ўтиб келмоқда. Онгимизга маҳкам ўрнашиб,

қулоғимиз ўрганиб қолмоқда бу ғализ иборага. Унинг “Оқтирноқ” ҳикоясида ҳам учрагани, рости, мени афсуслантирди: “(Оқтирноқнинг) Овози дўрилдоқ – қандайдир ваҳимали жаранг сочарди”.

Бундан ташқари, ҳикояда “тираманинг ачимтир иссиғи”, “чўпонларнинг ишқибозчилиги зўр эди”, “санчқи билан ғарамдан пичан суғираётувдим”, “ўнга яқин арлони ит бир-бири билан солишиб ётган эди”, “Оқтирноқ... мени судраб чопқинлар”, сингари тишга тегадиган, зўраки қўлланилган яна бир қатор сўзлар борки, улар ҳикоянинг равон ўқилишига халақит беради, китобхоннинг фикрини чалғитади.

Ёзувчи Аҳмад Аъзам тил ҳақидаги мақолаларида куюнчаклик билан “Тил ўтмишидан юз буриш – ўзлигидан юз буриш, сўз бойликларини суррогат атамаларга алмаштириш бу – тафаккурни суррогат қолипга солиб, адабий тилни муайян тушовга солиб қўйишдир”, деб уқтирган эди. Қалам аҳли, айниқса, ёш ижодкорлар бу аччиқ гапларни унутмаслиги керак, деб ўйлайман. ●



Оллоёр БЕГАЛИЕВ

1961 йили туғилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини тамомлаган. “Сехрли уйқу”, “Ёлгонга ишонган дарахт”, “Рангин қорлар” адабий эртақлар тўғрисида, “Бир булоқ бор”, “Жин чалган жувон”, “Жўнатилмаган мактуб”, “Бекободлик самурай” каби шеърини ва насрий тўғрисида наشر этилган.

Аъзам Ўктам: Бир йўл кўринур...

Эссе

А

ъзамнинг ўзидан олдин шеърлари билан танишганман. 1984 йили “Ёшлик” журналида бир саҳифа шеърлари ва дўппи кийиб тушган сурати чоп этилганди. Ўша пайтларда у ҳали Аъзам Ўктам эмас, оддийгина Аъзам Худойбердиев эди. Сурат ва шеърларидан бўлак унинг қаер-

данлиги, қачон туғилган-у, қаерда ишлаши ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Бошидаги марғилондўппидан унинг водийлик эканлигини билиш мумкин эди. Ёши ҳам йигирма-ўттизлар орасида. Шеърлари эса шу ёшдагиларга мос мурасасиз, жангари. Шеър техникасини яхши ўрганган. Сўзни ўйнатишга уста. Анча тажрибали.

“Ёшлик” журнали асосан ёш ижодкорларнинг асарларини чоп этиш ниятида ташкил қилинган бўлиб, 1982 йилнинг январ ойидан бошлаб ҳар ойда мунтазам чиқарилиши режалаштирилганди. Эркин Воҳидов нашрнинг бош муҳаррири этиб тайинланган. ◀

Сулаймон Раҳмон эса маъсул котиб. Улар янги журналга илк муаллифларни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ёшлар билан ишлаш бўлими маслаҳатчиси, шоир Мирпўлат Мирзо тавсия этган ижодкорлар орасидан саралаб оларди. Менинг ушбу журналда шеърларим эълон қилиниши ҳам худди шундай бўлган.

Ҳарбий хизматдан таътилга келиб, яна хизматга қайтаётган эдим. Самолётнинг учиши кечки пайт бўлгани учун Ёзувчилар уюшмасига бориб, ёзувчи ва шоирларни кўриб кетмоқчи бўлдим. Эгнимдаги ҳарбий кийим кўпчиликнинг эътиборини тортар, “Кимнинг олдига келгансиз?” дея сўрашарди. Улардан бири мени хонасига таклиф қилди ва чой қуйиб узатаркан: “Мен Мирпўлат Мирзоман, ўзлари ким бўладилар, ижод қилиб турасизми?” деб сўради. Шеърлар машқ қилиб туришимни, марказий нашрларда сира иштирок этмаганимни айтиб, ҳарбий хизмат пайтида ёзганларимни узатдим. Мирпўлат ака ўн тача шеърнинг ёнига белги қўйиб, оқ қоғозга қўлда кўчириб беришимни сўради. Шоир Сулаймон Раҳмон менга суратга тушиб келишимни тайинлади. Сулаймон акага сураткашнинг чиптасини келтириб бердим. Суратни унинг ўзи бориб олишини, шеърларимни журналнинг иккинчи сонига мўлжаллаганини айтди. Мен эса шу кеча ҳарбий хизматга жўнаб кетдим. Орадан олти ойлар ўтиб, ҳарбий хизматдан қайтганимдан сўнг “Ёшлик” журналида бир саҳифа шеърларим чоп этилганини кўрдим.

Бир йўл кўринур –
ул жуда тордир,
Унда ўзинг-ла
олишмоқ бордир...

Аъзам ЎКТАМ

Буларни батафсил ёзишимдан мақсад ҳамма нарсанинг бошланиши осон-у, давом этиши қийинроқ кечишини таъкидлашдир. Ҳофиз Шерозий: “Туулди аввал ишқ осон-у, сўнгра чиқди мушкуллар...”, деганидек. Шундан кейин то 1986 йилгача, яъни уч йилдан кўпроқ муддат ичида (шоир дўстим Равшан Файз шеърят бўлимини бошқаргунга қадар) “Ёшлик” журналида бир саҳифа тугул, биттаям

шеърим эълон бўлмади. Ёшлик инсонга бир марта берилганидек, “Ёшлик”да чиқиш имкони ҳам ёш шоирга бир марта бериладиганга ўхшарди. Журнал чоп қилина бошлаши билан каттаю кичик адабиёт мухлислари орасида шу қадар машҳур бўлиб кетдики, унда ўз машқларини чиқариш учун келаётганлар ва мактуб жўнатаётганларнинг сони бор-у, саноғи йўқ эди. Энди камдан-кам ёш шоирнинг бир саҳифалик шеърлари эълон қилинар, кўпинча бир саҳифага тўрт-бешта қаламкашнинг биттадан шеъри жойлаштирилди. Шундай тикилинч-тиғизлик ҳукм сурган пайтда Аъзамнинг бир саҳифа шеърлари чоп этилди. Ўша йили яна бир анъанага асос солиниб, журналда йил давомида чиққан асарларга жанрлар бўйича “Йил мукофоти” бериш эълон қилинди.

Адабий-танқидий мақолалар ҳам ёзиб турганим боис устоз мунаққид, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг ўша пайтдаги бош муҳаррири ўринбосари Иброҳим Ғафуров “Ёшлик” журналининг 1984 йилги сонларида эълон бўлган тенгдошларимнинг машқлари таҳлиliga доир мақола қоралашни тавсия этди. Ўша мақолани ёзаётиб, жумладан, Аъзамнинг шеърлари хусусида батафсил тўхталдим ва шундай хулоса билан яқунлагандим: “Аъзам Худойбердиевнинг шеърларидан шеърятимизга янги бир забардаст шоир кириб келаётганлигини ҳис қилдим. Журналдаги “Йил мукофоти”га асосий даъвогарлардан бўлса-да, унга бошқа бир шоира муносиб топилди. Ҳечқиси йўқ, ҳали ҳаммаси олдинда!”

* * *

**...Бениҳоят узундир умр,
Биттагина оқ кўйлагим бор.**

Ушбу сатрларни ёзган пайти Аъзам 24 ёшлардаги йигит эди. Бу ёшда умр ғоятда узун, имкониятлар чексиздек туюлади. Шу ўринда Озарбойжон шоирларидан бирининг “Йигитлик ва кексалик” деган тўртлигини эсламасдан ўтолмайман.

**Йигитликда қўллар узун, тиллар қисқа,
Кексаликда тиллар узун, қўллар қисқа.
Йигитликда йиллар узун, кунлар қисқа,
Кексаликда кунлар узун, йиллар қисқа...**

Хуллас, Аъзамни ўша сатри билан танийдиган, эслайдиган бўлишди: “Анови шоир бор-ку, биттагина оқ кўйлаги бор...” Гардеробида беш-олтита оқ кўйлаги борлар ҳам “биттагина оқ

кўйлаги бор” шоирга ҳавас қиладиган бўлишди. Шоир назарда тутаётган “оқ кўйлак” инсонийлик шаънини англатади. Унга доғ туширмай яшашни мақсад қилганлар учун умр йўли гоёт машаққатли ва узоқ.


Шоирларнинг ҳаммаси ҳам айна йигирма-ўттиз ёшларида инсонпарвар, иймонпарвар бўлавермайди. Бундай шоирлар ёшига ярашмаган тарзда ўзига ва ўзгалар олдига залворли саволларни қўя билдилар. Михаил Лермонтов навқиронлик йилларида ёзган “Ўйларим” шеъридаги ушбу сатрлар фикримизни тасдиқлайди:

*Гардеробда беш-олтита
оқ кўйлаги борлар ҳам
“биттагина оқ кўйлаги бор”
шоирга ҳавас қиладиган
бўлишди. Шоир назарда
тутаётган “оқ кўйлак”
инсонийлик шаънини
англатади. Унга доғ
туширмай яшашни мақсад
қилганлар учун умр йўли
гоёт машаққатли ва узоқ.*

Замондош наслимга қарайман ғамгин, Унинг келажаги нурсиз, шарафсиз...

Умрни нурлантирувчи, унга маъно ва шараф бахш этувчи иймонга интилиш нафас олишдек ҳаётий заруратдир. Иймонга танаффус эълон қилиб бўлмайди. Иймонли инсон ухлаб ётганида ҳам иймонлидир. Иймонсизлик билан ҳаёт кечириб, қариганда иймонли бўлиб қолиш мумкин эмас.

Инсонийлик шаънини, Аъзам айтмоқчи, “биттагина оқ кўйлаги”ни қадрламаган, “ўпса нетар, ювса кетар” тарзида ҳаёт кечириб, бунақа “оқ кўйлаклар”нинг нечтасини булғаб ўтадиганлар бориб-бориб маънан яланғочлашиб қолади.



* * *

Аъзамнинг талабалик йилларида Сергей Есенинга бағишланган кўргазмали деворий варақа фониде тушган сурати бор. Кўлидаги китоб ҳам Есениннинг тўплами бўлса керак. “Шоирлар қишлоқда туғилиб, Парижда ўладилар” деган гап ҳамма юртлар ва замонларга бирдай тааллуқли. Есенин – шеъриятга оддий қишлоқи чолу кампирлар, омочга қўшиладиган отлар, кучукларидан айрилган кўйи ойга қараб улиганча, кўзларидан юлдуздек ёш тўккан итлару пичан уюмлари таратган бўйларни олиб кирган шоир. Аъзамнинг шеърларида ҳам кампирлар, чоллар, “отаси қамалган болалар”, тумсо еру далалар акс этган. Унинг “Якшанба” шеъри Есениннинг “Қаровсиз рус” шеърига ҳамоҳанг. Рус шоири бу шеърида болшовойлар давлат тўнтаришини амалга оширганидан сўнг шаҳарларда Оливер Твист сингари етим ва қаровсиз болалар кўпайиб кетгани, уларнинг орасида қанчадан-қанча иқтидор соҳиблари бўлиб, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш мавжуд ҳукуматнинг энг долзарб вазибаларидан бирилиги, уларнинг келажаги давлат ва халқнинг келажаги эканини таъкидлайди.

Аъзамнинг “Якшанба” шеъри ҳам саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида авж олган “Ўзбеклар иши” туфайли отаси қамалиб кетган болаларга ачиниш туйғуси билан йўғрилган:

**Қарашга ҳолим йўқ кўзларига тик,
Улар ҳам бошларин қуйи соларлар.
Кўзларда ғазабми, уятми, ҳадик,
Жим юрар отаси бадном болалар...** ➔

* * *

Аъзам билан бир пайтда шеърятга кириб келган шоирларнинг лирикасида ҳозиргидек “ўлдим-куйдим”лар деярли учрамасди. Ўн-тача шеърдан биттаси севги ҳақида бўлмаса, турган-битгани юртсеварлик лирикасидан иборат, ижтимоий мавзуларда бўларди. “Аввал – Ватан, кейин – жон!” деганларидек, аввал Ватан ташвиши, севги эса кейинроқ кабилида ижод қилинарди. Ахир, ташқарида қандайдир ўзгаришлар, норозиликлар ҳаракати бораётганди. Шўролар салтанати ич-ичдан таназзулга юз тутган, иқтисодий ва сиёсий

бўхрон мамлакат ҳаётини издан чиқара бошлаганди. Қишлоқ дўконларидаги пештахталар хилма-хилликдан мосуво, одамлар ун, ёғ, совун каби оддий маҳсулотлар келишини пойлаб, улгурганлар икки-уч қоплаб олиб, улгурмаганлар қуруқ қола бошлаган пайт эди.

Жон талвасасига тушган Шўролар салтанати цензураси эркинлик овозини бўғишга ҳаракат қилса-да, шоирлар янги ва кутилмаган ташбеҳлар, ўхшатишларни ишлатганча озодликка чорлов оҳанглари шеърларига жо қилиб, матбуотда эълон қилдиришнинг уддасидан чиқардилар. Коса таги нимкоса тарзида ижод қилиш авжига минганди. “Ўзбеклар иши”, Орол муаммоси, пахта дефоляцияси туфайли қишлоқларда, айниқса, болалар орасида тарқалган турли хасталиклар, ўзига ўт қўяётган аёллар, омборхоналарга айлантирилган масжиду мадрасалар, қатағон қурбонларининг номини оқлаш, Темурийлар тарихи, Наврўз байрами ва миллий қадриятларни тиклаш ва ҳоказолар адабиётнинг асосий мавзусига

айланганди. Бу Аъзам Ўктам шеърятда ҳам яққол кўзга ташланади.

* * *

Инсон умри саволлардан иборат. Мевали дарахт баҳорда қийғос гулга кирганидек, инсон ҳам умрнинг турли фаслларида саволлардан иборат гулларга бурканади. Болаликдаги бу саволларнинг аксарияти бошқаларга берилса, бора-бора фақат ўзига аталган саволларга жавоб излаш тафаккур бандаларининг машғулотига айланиб қолади. Саволсиз одамлар эса мевасиз дарахтдек ўтинликка ярайди, холос...

Аъзамнинг кўтлаб шеърлари бирор саволга ёки саволлар қарвонига асосланган ҳолда ёзилади ёки савол бериш билан тугайди:

...Ўзингни ким дея билдинг дунёга?

**...Қайси йўлга кирибман,
Қай сори кетди пирим?**

**...Барин жавобин сўраганигда,
Юзингга қандоқ қарайман?**

**...“Бидеҳ қон” – “Қон бер”дан
Қолганми деҳқон?**

**...Бир кун келса (чиндан-да келар),
Қандоқ жавоб бераман ул он:
Қаламларга тил битса агар,
Битса агар қоғозларга жон?**

...Гирдобига тортар ўжар саволлар.

* * *

Аъзам Ўктамнинг шеърларидан жой олган кўтлаб сатрлар “қанотли сўз”ларга айланиб кетган. Мана улардан айримлари:

**...Шоирмас – сўзни минг қўйларга солган,
Шеърни деб минг қўйга кирганлар шоир!**

**...Маккажўхоризор – бир майдон аёл:
Йўрғакланган бола қучоқлаб
Шукр намозига сафланган.**

**...У ўзини баланд олмади,
Сен ўзингни паст тутдинг, холос.**

**...Қулоғимга етди ёмон гап,
Тешиб ўтгач онам кўксини.**

**...Эртак айтсанг ўғлингга,
Ухлатмаслик учун айт.**



...Муҳаббатни эрмак деб ўйлар, Муҳаббатдан туғилмаганлар.

* * *

Аъзам билан тез-тез аския айтишиб турардик. Бир кун янги ташкил этилган “Ўзбекистон табиати” газетасида Аъзамнинг туркум шеърлари босилиб чиқди. Шунга ишора қилганча: “Ўзбекистон табиати”га шеърларингиз билан катта зарар етказибсиз, энди қайта тикланишига анча йиллар керак бўлади!” деб аския қилдим. Орадан кўп ўтмай, мен ҳам шеърларимни кўтарганча ўша тахририятга ташлаб келдим. Кейинги ҳафта шеърларим газета юзини кўрди. Энди Аъзам менга: “Ўзбекистон табиати”га сиз етказган

*Инсон умри саволлардан
иборат. Мевали дарахт
баҳорда қийғос гулга
кирганидек, инсон ҳам
умрнинг турли фасларида
саволлардан иборат
гулларга бурканади.*

зарарнинг олдида меники ҳолва-ю, оғайни! Энди у қайта тикланмайди! Ҳо-ҳо-ҳо-ов!” дея аския қилганди.

Аъзам билан яна 1997 йил бир йилга яқин “Дўрмон” ижод уйида кўшни бўлиб яшадим. Мен ўшанда “Ўзтелерадиокомпания”да муҳаррир эдим. Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига бериладиган имтиёздан фойдаланиб, уч қаватли бинода яшай бошладим. Аъзам ҳам шу ердаги хоналардан бирида мендек вақтинча яшаб турган экан. Уни кўрмаганимга тўрт-беш йиллар бўлиб қолганди. Яқин орада иккаламиз ҳам дўстларимиздан ажралгандик. Чори Аваз 1992 йилнинг кузида, Равшан Файз эса 1995 йилнинг август охирида вафот этганди. Аъзам жуда вазминлашган, илгаригидек яйраб кулмас, ўзим йўқлаб бормасам хонасидан чиқмасди. Бу орада Аъзам андижонлик шоир Тўлан Низом ижарага олган икки қаватли чорбоғда яшай бошлади. Муҳаммад Юсуф

ўз чорбоғидан менга жой берди. Кеч тушган маҳаллари боғни айланиб келиш учун кўчага чиқардим ва Аъзамнинг чорбоғига овоз бериб, уни кўчага чақириб олардим. Иккаламиз пою пиёда сайр қилиб, сал тепароқдаги Шавкат Раҳмоннинг чорбоғида яшаётган ёзувчи Набижон Боқийни чақирардик. Кейин учовлашиб асосий бино ҳовлисига бориб, ташқарида бирор таниш киши ўтирган бўлса, ярим соатча суҳбатлашиб ортга қайтардик. Матназар Абдулҳаким, Шукур Холмирзаев учраб қоларди. Шукур акага юришдан кўра ўтириб гаплашиш маъқул келар ва бунини шундай изоҳларди: “Бир узоқ умр кўрган одам шундай деган экан: “Ўтиришга имкон борида тикка турмадим, ётишга имкон борида ўтирмадим!..”

Матназар ака эса: “Юринглар, сизлар билан боғни айланиб қайтай!” дерди. Тўртовлашиб узум ишқомлари остидаги қоронғи йўлакда бир тоғдан, бир боғдан гаплашганча кетар эканмиз, ҳар кеча ётишдан олдин боғ айлана югуришу жисмоний машқлар билан шуғулланадиган ёзувчи Пиримқул Қодиров ёнимиздан чопиб ўтиб кетар, бунини биров билса, биров пайқамай қоларди.

Ана шундай тунги сайрлардан бирида тепамиздаги осмонда юлдузлар оралаб кўз илғамас тезликда учиб ўтаётган думли юлдуз – комета суҳбатимиз мавзуси бўлиб қолди. Матназар ака думли юлдузга таъриф бериб, у ҳар ўттиз беш йилда ярим-икки ой мобайнида кўриниб, Ер сайёрамиз ёнидан ўтишини айтди: “Ўртача саксон йил яшайдиган одам уни умрида икки маротаба кўриши мумкин. Мен бунини болалик пайтларим кўргандим. Мана, энди иккинчи маротаба кўряпман. Учунчи маротаба кўриш насиб қилади-ми-йўқми, худо билади...”

...Ўшанда янги – учинчи мингйиллик остонасида тургандик. 2000 йил янги орзулар, ниятлар... ва, шу билан бирга, қатор йўқотишлар олиб келди. Аввал Охунжон, кейин Муҳаммад Юсуф, хонандалар Нуриддин, Муҳриддин, шоирлар Сайёр ака, Ҳамза Имонбердиев, ёзувчи акамиз Ҳожиакбар Шайхов, Аъзамжон... Қатор-қатор...

**Бу дунёда сендан ёдгор
Ўглинг қолар, қизинг қолар.
Тош-тупроқли кўчаларда
Муҳрланиб изинг қолар.**

Таскин шундаки, бу ўтли юраклардан ўчмайдиган чироқ, ёниқ из қолди....



Жўрабек ЖАҲОН

1987 йили туғилган.
Ўзбекистон Миллий
университетининг
журналистика
факультетини тамомлаган.
“Туйғулар шаҳри” номли
илк тўплами Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси
хузуридаги “Ижод” жамоат
фонди томонидан “Биринчи
китобим” лойиҳасида нашр
этилган.

Қалбга бир назаринг ташла, майлими?

Қушга

Сен ҳам йиғлайсанми, билгим келяпти,
Хурсанд бўласанми, ўртанасанми?
Менинг жуда ҳам қуш бўлгим келяпти,
Менга қуш бўлишни ўргатасанми?

Меҳрим бошқача-ку сувга, тупроққа,
Ердан кам севмайман, ахир, осмонни!
Қушчам, сен эътибор берма титроққа,
Фақат, айт, қуш бўлиб яшаш осонми?

Сенга берадиган саволларим кўп,
Қалбга бир назаринг ташла, майлими?
Дўстим, алдамагин, ростини айт, хўп,
Қушлар одамларга ўхшамайдими?!

Мана, титроқдан сўнг елкамда қанот!
Менга ўргатсанг бас қандай учини.
Бўлди, энди ерга қайтмайман ҳайҳот,
Мендан ўргансинлар кўкни қучини...
Мендан ўргансинлар жондан кечини...

Шеър

Бир шеър дарди қийнади ёмон,
Саҳаргача тўлғониб чиқдим.
Юрагимни сузуриб тонгда,
Азобига чидолмай, сиқдим.

Нурга қараб боравердим тик,
Чак-чак томиб турар эди қон.
Кўйлагимнинг дазмоли текис,
Ғижимланиб кетган фақат жон.

Ким текислар, ким текислар, ким
Дазмол урар унга ботиниб?
Маҳкам сиқиб турибман шеър деб,
Ҳозир чиқиб кетар отилиб.

Сурхонни соғиниб

Устозимга

Ниҳоят, Тошкентда гуллади ўрик,
Ўртаниб соғиндим Сурхон тафтини.
Табиат бунчалар чиройли, кўҳлик,
Қуртакдек очилди онамнинг кафти.

Укам қалдирғочга мактублар йўллаб,
Синглим ўсма билан анжуман тузди.
Турналар учмоқда бахтни қўлтиқлаб,
Қизим қитиқлади илк бор ялпизни.

Биласан, барибир яхши кўраман,
Ўрик гулларига бурканган шаҳар.
Оҳ, ҳар тун Сурхонга лим-лим тўламан!
Симириб қўяди қақраган саҳар.

Соя билан суҳбат

Ҳар бир қадамимга шериксан, дўстсан,
Сенга эса сира бермадим ҳисоб.
Бугун сендан сўрайман, айтгин:
Гуноҳим кўпроқми,
Кўпроқми савоб?
Озроқ шошмай тургин,
Шошмагин озроқ,
Илтимос, холи кўй бир сонияга.
Сендан қутулишни истайман, бироқ,
Жўяли бир фикр келмас мияга.
Ортимдан эргашидинг, йўл бошладинг гоҳ,
Ёнма-ён ҳам юрдик,
Гоҳ ўнг, гоҳ сўлдан.
Демак, бўлишамиз гуноҳми, савоб,
Ҳозирча юрмасдан ҳеч қайси йўлдан.
Кел, жанжал қилмасдан тузайлик битим,
Ўйнаймиз – чурқ этмай узоқ юрар ким.
Сенинг сирларингни пинҳон тутгайман,
Менинг сиримни ҳам билмасин ҳеч ким.
Дўстлик бундай бўпти,
Қўлни бер қўлга,
Елканга қоқаман яйраб кел, ўйнаб.
Иккимиз кетамиз икки хил йўлга,
Иккита виждонни қўйганча қийнаб.

Дарахт

Тонгда ҳамма борди кўргани,
У барчага ёқарди бирдай.
Айтмади лек нима бўлганин,
Туюлмади ҳеч кимга сирдай.

Одамлар билганин дедилар,
Чидаб бўлмас эди хўрликка.
“Яшин урган” – туҳмат қилдилар,
Бағри қуйиб кетган шўрликка.

* * *


Салом толлар, салом тераклар,
Арчажонлар, сизлар қалайсиз?
Мана, қанча вақтлардан бери
Ой санайсиз, йиллар санайсиз.

Сиз тераксиз бўйингиз узун,
Сизга ҳасад қилмайди толлар.
Нима учун, нега – Билмадим,
Чақалоққа ҳасадгўй чоллар.

Одамлардан ўгирдим юзим,
Бағрингизга отилдим кейин.
Мен сизларга сингишиб кетдим,
Энди одам бўлишим қийин.

* * *


“Мени севасанми?”
– Ҳа.
Қалбга ўрнашар шодлик.
Булар ишончли гапмас,
“Мени севасанми?”
Жим..
Кейин узун сокинлик.
“Ҳа” деганими – “унут”,
Сендан кўрқми керак аслида,
Сукут.



Ёш ёзувчига маслаҳатлар

Журналимизнинг ушбу сонидан бошлаб жаҳон ва ўзбек адабиётида ўз ўрнига эга машҳур адиблар севиб ўқиган асарлар рўйхатини эълон қилмоқчимиз. Шубҳасиз, бу рукн, айниқса, адабиёт остонасидан энди ҳатлашга чоғланиб турган ёш қаламкашларга фойдали бўлади. Улуғ ижодкорлар эътироф этган асарлар йўл бошидаги истеъдод эгаларига маёқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

Рукнимизни XX асрнинг буюк сўз усталаридан бири Эрнест Ҳемингуэй (Ernest Hemingway) тавсиялари билан бошламоқдамиз. Ушбу маслаҳатлар Ҳемингуэй ҳузурига узоқ йўл босиб келган бошловчи қаламкаш Арнольд Самюэльсонга қарата айтилган эди. Гарчи у келажакда машҳур ёзувчи бўлиб етишмаган эса-да, бу ҳол Ҳемингуэй рўйхатининг қадрини туширгани йўқ...




Стивен Крейн. “Мовий меҳмонхона”

Крейн нафақат Ҳемингуэйга ёққан, Герберт Уэллс ҳам уни ўз авлодининг энг яхши ёзувчиси деб тан олган. Қўрқув, зўравонлик ва Фарбий Американинг сирли ҳаётига бағишланган ушбу ҳикоя ёзувчининг энг яхши асарларидан саналади.




Стивен Крейн. “Очиқ денгиздаги қайиқ”

Кема ҳалокатидан сўнг омон қолган тўрт киши ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур асар Крейнга катта шон-шухрат келтирди. Бу асар Ҳемингуэйнинг “Чол ва денгиз” қиссасига руҳан яқин бўлиб, унда ҳам инсоннинг Коинотдаги ўрни ва табиат кучларига қарши кураши акс эттирилган.




Эмилия Бронте. “Долғали довон”

Кўплаб режиссёрлар қатори Луис Бунюэлга ҳам илҳом бахш этган таъсирли воқеалар ривожини ушбу асарнинг ягона фазилати эмас, албатта. Образлилик, психологик таҳлил, готик мотивларнинг янгича инъикоси ҳамда персонажларнинг жонли қиёфалари нафақат қизларнинг қалбини, балки жиддий ёзувчилар эътиборини ҳам забт этади. “Бу жуда ярамас роман. Бу жуда яхши роман. У расво. Унда гўзаллик бор. Бу даҳшатли, уқубатли, кучли ва жўшқин китоб”, деганди Бронтенинг бу асари ҳақида Ҳемингуэй қадрлаган Моэм.



Жеймс Жойс. “Дублинликлар”

Жеймс Жойснинг импрессионистча рухта ёзилган ҳикоялар тўғламида “Улисс” романида гавдаланадиган баъзи қахрамонлар ҳам кўзга ташланади. Ушбу тўғлам мустақил ва композицион жиҳатдан яқунланган шаклда тақдим этилган бўлиб, ҳикоя ихлосмандлари эътиборини тортиши шубҳасиз.




“Инглиз шеърляти: Оксфорд тўглами”

1900 йили Артур Квиллер-Кауч томонидан тузилган, инглиз шеърлятининг дурдоналари йиғилган антология бир неча эврилишлардан ўтиб, ниҳоят, оксфордлик профессор Кристофер Рикс қўлига тушади. Таниқли шоир Уиштан Оден олимни “ҳар қандай шоир орзу қиладиган танқидчи” деб атаган эди.




Лев Толстой. “Анна Каренина”

Ҳемингуэйнинг рус адабиёти анъаналарига яқинлигини кўп танқидчилар қайд этган. Толстойнинг оилавий ва ишқий муносабатлар ўта нозик талқин этилган ушбу романи фақат мавзу жиҳатидан эмас, айна пайтда реализмдан модернизмга ўтишда кўприк вазифасини ўтагани билан ҳам аҳамиятга моликдир.




Лев Толстой. “Уруш ва тинчлик”

Қанчалик ғалати кўринмасин, “Уруш ва тинчлик” романидан Ҳемингуэй аниқ ва лўнда ёзишни ўрганади. “Халқни, ҳаётни қойилмақом тарзда, ич-ичдан, ҳаққоний равишда акс эттиргани учун “Уруш ва тинчлик” романини яхши кўраман. Лекин мен ҳеч қачон буюк графнинг мулоҳазакорлик қобилиятига ишонмаганман, – деб таъкидлайди ёзувчи. – Унинг тасаввур дунёси ниҳоятда ҳассос ва ҳаққоний эдики, бу дунёда яшаб ўтган инсонлар ичида ҳеч ким бу борада унга тенглаша олмасди. Лекин унинг залворли ва ақидавий мулоҳазалари ҳар қандай насронийлик тарихи профессорининг хулосаларидан афзалроқ эмасди ва шу боис ҳам мен ундан ўзимнинг бош ҳарфли Мулоҳазаларимга ишонмасликни ва иложи борица ҳаққоний, тўғри, объектив ва оддийроқ ёзишни ўргандим”.




Томас Манн. “Будденброклар”

Аслзода шажаранинг тўрт авлоди тарихи ва ҳалокати акс этган мазкур асарнинг даставвал бундай кенг қамровли бўлиши кўзда тутилмаган эди. Лекин Манн ўз қахрамонларига ишонди. Эҳтимол, шундай “эмин-эркинлиги” боис роман эълон қилингандан сўнг ўттиз йил ўтган бўлса-да, Нобель мукофотида лойиқ кўрилди.



Гюстав Флобер. “Бовари хоним”

Шифокорнинг ҳаётдан зериккан, ўзининг биқик дунёсидан чиқиб кетишга уринган хотини ҳақидаги бу роман воқеалар ривожи билан эмас, аввало, инсон ҳаётидаги ташқи ва ички унсурларни, руҳий манзараларни ўта синчковлик билан тасвирлагани учун ҳам диққатга сазовордир. Асар шу қадар таъсирчанки, ҳатто муаллиф ҳам Эмма Боварининг заҳарланиш саҳнасини ёзаётганда кўнгли айнаиб, ўзини нохуш ҳис қилган экан...




Жорж Мур. “Салом ва хайрлашув”

Ирландиянинг протестант инглиз-ирланд аслзодалари ва ўртаҳол католик табақа ўртасидаги кураш акс этган уч томлик автобиографик асар. Ёзувчининг кузатишлари ўта ўткир бўлиб, Мурнинг ўзи “Жамият аъзолари бўлиниб қолганди: кимлардир китобга кираман деб, яна бошқалар эса кирмай қоламан, деб кўрқар эди”, деб таъкидлаганди.




Фёдор Достоевский. “Ака-ука Карамазовлар”

“Мен ҳануз Достоевский ҳақида ўйлайман. Одам қандай қилиб бундай ёмон, ҳаддан ташқари ёмон ёзиши ва, айти пайтда, сенга бу қадар кучли таъсир ўтказиши мумкин?!” деб ёзганди Ҳемингуэй. Бу романи, шунингдек, Эйнштейн, Кафка, Жойс ва Воннегут ҳам юксак баҳолаган.




Стендаль. “Қизил ва қора”

Муҳаббат ва иззатталаблик талқинига бағишланган ажойиб роман Стендални психологик реализмнинг асосчиларидан бирига айлантирди. Ҳемингуэй гарчи ундан ўзишни уддаладим, деса-да, Стендални ўзига устоз деб биларди...




Эдвард Эстлин Каммингс. “Улкан турмахона”

Тўрт ойга яқин француз қамоқхонасида ўтирган шоирнинг ўткир қочиримларга тўла ва қизиқарли руҳий чизгилар акс этган автобиографик романи.




Сомерсет Моэм. “Инсоний эҳтирослар жафоси”

Автобиографик жиҳатлар билан бойитилган асарда боёқиш етим инсон ҳаётининг бемаънилигини идрок этаркан, барибир ўз бахтини топади – ҳарҳолда, шунга яқин ҳис-туйғуларни яшайди.



Ҳенри Жеймс. “Америкалик”

Ҳаддан зиёд мелодраматик руҳда бўлса-да, Эски ва Янги дунё, буржуазия ва зодагонларнинг ўзаро қизиқиши ҳамда зиддиятларини акс эттирган бу асар танқидчиларнинг ҳам, китобхонларнинг ҳам олқишини олган.



Ҳенри Хадсон. “Олис ва қадим”

Хадсон таржимаи ҳоли ёзувчининг Аргентина даштларида ўтган болалиги ҳақида ҳикоя қилади. Ёввойи табиат гўзалликлари таъсирчан болакайнинг кечинмалари, кузатишлари ва тарихий чизгилар билан қоришиб кетади. Ҳемингуэй Хадсоннинг бошқа асарларини ҳам ёқтирарди. У “Фиеста” романида ёзувчининг “Қирмизи ер” асарини эсга олади.

Санжар Жавлон тайёрлади.



Дино БУЦДАТИ

1906 йили Италиянинг Беллуно вилоятида туғилган. “Тоғли Барнаббо”, “Эски ўрмон сири”, “Татар чўли”, “Муҳаббат” романлари, “Йириклаштирилган қиёфа”, “Айиқларнинг Сицилияга ғаройиб босқини” каби қиссалари, кўплаб ҳикоя ва драмалари билан шухрат қозонган. 1972 йили Миланда вафот этган.

К

атта бир фирманинг хўжайини Энрико Рокко севиб қолди. Юрак қургур изтиробда ёнавергач, ахийри, дил изҳорини мактуб орқали билдиришга қарор қилди. Хонасига қамалиб, ғурур ва уялишни бир чеккага суриб қўйиб, ёзишга киришди.

“Ҳурматли ва қадрли синьорина, – деб бошлади у, шу сўзларни тез орада ўша қиз ўқишини хаёлига келтираркан, ҳаяжондан энтикиб кетди. – Азизим Орнелла, қалбим менинг, нуридийдам, дилимни ўртаган гулим, севгим менинг...”

Хонага котиб Эрмете кирди.

– Кечирасиз, синьор Рокко, қабулхонада сизни кутишяпти, – котиб ташриф қоғозига бир қараб олди. – Фамилияси Манфредини экан.

– Манфредини? Биринчи марта эшитиб турибман!

– У тикувчи бўлса керак. Ўлчаб олгани келдим, деяпти.

– Ҳа-а... Манфрединими, бўлди, эсимга тушди. Айт, эртага кела қолсин.

– Хўп, лекин у киши “Ўзлари чақиртирган эди”, деяпти.

– Ҳа, тўғри, – у чуқур хўрсиниб қўйди. – Майли, кирсин, фақат айтиб қўй, вақтим ниҳоятда тигиз.

Тикувчи Манфредини тайёр костюм кўтариб кирди. Рокко костюмни кийиб кўрди, тикувчи шоша-пиша ўлчамларни белгилаб олди.

– Синьор Манфредини, узр, жудаям муҳим ишим бор эди...

Энрико Рокко яна жойига ўтириб, ёзишда давом этди: “Маҳбубам менинг, қайдасан ҳозир? Нималар қиляптсан? Сенга муҳаббатим шу қадар кучлики, шаҳарнинг қайси бурчида бўлмагин, қалбим фақат сенга талпинади”.

Тўсатдан телефон жиринглаб қолди. Энриконинг юрагига тиф санчилгандай бўлди, чуқур “уф” тортиб, гўшакни олди.

– Эшитаман.

– Салом, – номаълум аёлнинг майин, ишвали овози келди. – Бунча кўрссан. Тўғриси айт, бемаврид кўнғироқ қилдимми?

– Ким бу? – сўради Рокко.

– Айтмадимми, бу кишининг кайфияти йўқ бугун. Биласанми...

– Ким гапираяпти ўзи?

– Намунча шошасан, ҳозир...

У “тақ” этиб гўшакни қўйди.



“Севгилим, – деб ёза бошлади яна, – ҳозир ташқарини туман қоплаган, боз устига, бензин ҳиди анқияпти, лекин, ишонсанг, мен мана шу туманга ай...”

Яна телефон жириглади. Энриконинг жон-пони чиқиб кетди.

– Алло!

– Менга қара, Энрико, – шивирлади яна ўша овоз. – Мен атай сен билан учрашгани келувдим, сен бўлсанг...

У биров мушт туширгандай чайқалиб кетди. Қариндоши, сарвиқомат, латофатли Франка қўнғироқ қилаётганди. У кўпдан бери ўзини унга қайлиқ санаб юради, буйнига осилгудек ёпишиб олган. Ҳамма аёллар романтик севгини орзу қилади, аммо ҳозир Франкани шартта орқага, кишлоққа жўнатиб юбориб бўлмайди. Босиқроқ бўлишга тўғри келади...

Бутун фикру хаёли мактубдаги маъшуқасида эди. Балки, қиз унинг изҳорларини ўқиб майин жилмайиб қўяр, эҳтирос ила битилган бу мактуб кейин қизнинг нафис буюмлари – лаб буёғи, атир-упаси, бежирим рўмолчалари қаторида турар. Мана энди Франка ҳаммасини расво қилади.

– Энрико, истайсанми, ҳозир олдинга бораман? – дея эркаланиб сўради Франка.

– Йўқ-йўқ, мени кечиргин-у, ҳозир жуда бандман.

– О, узр сўрашинг шартмас. Агар сени зериктирадиган бўлсам, ҳозир суҳбат қурмадик, деб ҳисоблайвер.

– Дарров хафа бўласан-а. Тушунгин, ишларим тиқилиб ётибди... Майли, кел, фақат кейинроқ.

– Қачон?

– Хў-ўш... икки соатдан кейин.

Энрико гўшакни қўйди. Шунча қимматли вақт бекор кетгандай туюлди. Мактубни тушгача жўнатиш керак, бўлмаса, Орнеллага эртага етиб боради.

“...ланган бўлардим. Чунки туман шу топда сен яшаётган уйни ҳам қуршаб олган, агар унинг кўзи бўлса (ким билсин, балки бордир), деразадан сенга тўйиб-тўйиб боққан бўларди. Кейин бирор тирқишча тоғиб, хонангга киришга интилмайдими, дейсанми? Туманнинг бунга қурби етгани каби, менинг муҳаббатим учун ҳам узоқ ма...”

Эшик аста очилиб, котиб Эрмете кирди.

– Кечирасиз.

– Айтдим-ку, ишим кўп, ҳеч кимни қабул қилмайман, деб. Кечга яқин келишсин.

– Лекин...

– Яна нима?

– Пастда машинада сизни коммендаторе Инверницци кутаяпти.

Жин урсин, бу Инверницци дегани билан яқинда ўт кетган омборхонани бориб кўриши, экспертлар билан учрашиши керак эди-ку! Буткул ёдидан кўтарилибди. Йўқ, бунга чидаш қийин. Ҳамма нарса шу пайтга келиб тақала-япти. Худди биров атай қилаётгандай.

У роса қийин аҳволда қолганди. Лекин... “Касалман”, деб баҳона қилса-чи? Йўқ, бўлмайди. Ё мактубни чала ҳолида жўнатаверсамикан? Аммо ҳали яна кўп нарсалар ҳақида ёзмоқчи эди-да. Иккилана-иккилана, хатни галадонга ташлади-да, пальтосини кийиб, пастга югурди. Нима бўлгандаям, тезроқ бориб-келиш керак. Ярим соатда улгураманми, деб ўйлаганди, бироқ тушга яқин қайтиб келди. Қабулхонада уни тўрт киши кутиб ўтиришига қарамай, шахд билан хонасига кириб, эшикни ичкаридан қулфлаб олди. Чуқур нафас олиб, галадонни очди. Мактуб йўқ! Юраги музлаб кетай деди. Кимдир журъат қилиб, унинг столини титкилаганга ўхшайди. Йўқ, балки адашаётгандир.

Хайрият, шунчаки адашиб бошқа галадонни очибди. Фақат, энди мактубни тушгача жўнатомайди. Пochтага “шошилинич” деб топширган тақдирда ҳам, Орнелла уни ярим тунга яқин олиши мумкин.

“...софаларни босиб ўтиш, керак бўлса, Хитой де...”

Жириг-жириг! Яна телефон. У ручкани қоғоздан узмай туриб, иккинчи қўли билан гўшакни олди.

– Алло?

– Сиз билан Жаноби олийларининг котиби Такки гаплашаяпти.

– Эшитаман.

– Мен трос масаласида қўнғироқ қилаяпман.

Ошиқ Рокко бошини чангаллади. Гап мўмайгина даромад келтирадиган ўта муҳим иш ҳақида бормоқда эди. Трос олди-сотдиси билан боғлиқ суҳбат роса йигирма дақиқа чўзилди.

“...воридан учиб ўтиш ҳеч гап эмас. Оҳ...”

Яна котиб Эрмете. Энрико беихтиёр қичқириб юборди.

– Ҳеч кимни қабул қилмайман, тушундингми?

– Лекин моли...

– Ҳеч кимни, дедим-ку, эшитмаяпсанми?

– Лекин молиявий инспектор ўзингиз бугунга қақирганингизни айтапти.

Шўрлик Рокко ҳолсизланиб қолди. Молиявий инспекторни қайтариб юбориш ғирт аҳмоқлик, мавқе-мансабга нуқта қўйиш, ўзини ўзи ўлдириш билан баравар. Инспекторни ноилож қабул қилди.



Соат бирдан ўттиз беш дақиқа ўтди. Қабулхонада чамаси бир соатдан буён қариндоши Франка кутаётган бўлса керак. Яна Женевадан у билан учрашгани келган инженер Штольц ҳам бор. Яна электр асбобларини сотиш масаласида адвокати Мессумичи ва, ниҳоят, ҳар куни уни укол қилиб кетадиган ҳамшира қиз ҳам кутиб тургандир.

“... азизим, Орнелла!”

Телефон жиринглади.

– Сиз билан савдо вазирлигидан коммендаторе Сталци гаглашяпти...

Яна телефон.

– Консорциумлар уюшмаси котиби гапираяпти...

“... Менинг тенги йўқ гўзалим, Орнелла! Агар бил...”

Эрмете вице-префектадоктор келганини маълум қилди.

“...ганинга эди, сени қан...”

Телефон.

– Бош штаб бошлиғи гапираяпти...

Жиринг-жиринг.

– Ҳазрати олийлари архиепископнинг котиби...

“...чалик сев...”

Жиринг-жиринг.

– Кассацион суд бошлиғи гапираяпти.

– Алло!

– Мен Олий кенгаш аъзоси сенатор Кормера-коман.

– Эшитаман.

– Сиз билан император жаноби олийларининг адютанти гаглашяпти.

– Эшитаман, ҳа, ҳа, қулоғим сизда. Ҳа, раҳмат. Жаноби олийлари, бағоят миннатдорман!.. Албатта, жаноб генерал, ҳозироқ чора кўраман... Алло, алло! Албатта, жаноб адютант! Жаноби олийларига менинг алоҳида эҳтиромимни етказиб қўйинг.

Мактуб билан ручка аста-секин стол чеккасига сурила бошлади.

– Келинг, марҳамат! Қани, ўтиринг, бемалол ўтираверинг. Яхшиси, бу ёққа ўтирақолинг. Сиз билан кўришиб турганимдан баҳад хурсандман!.. Сўз тополмайсан киши.. О, раҳмат. Нима истайсиз? Қаҳва? Сигарет?

Энрико бу келди-кетдилар, кўнғироқлар тўфони қанча давом этганини билмайди. Ниҳоят, ярим тунга яқин ёлғиз қолди. Уйга кетишдан аввал стол устида қалашиб ётган ҳужжатларни тартибга солмоқчи бўлди ва мактубга кўзи тушиб қолди. Қўлда ёзилган, лекин имзо, сана қўйилмаган. Дастхатидан ўзи ёзганини билди. Қизиқиб, ўқиб кўрди. “Қандай бемаънилик! Қачон ёздим буни?” – деб ўзини саволга тутаркан, бошини қашлаганча эшлашга уринарди. – Бунақа бемаъни мактубни қандай қилиб ёздим-а? Бу Орнелла дегани ким эди ўзи?..” ●

Рус тилидан
Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ таржимаси.



Элмурод НИШОНОВ

Кўкарбоевнинг янги фильми

Пародия

Ўтган йили кинокиссаларни обод қилган “Оташин севги” ёхуд “БМК”, яъни “Бўрибосар ва бир муҳаббат қиссаси” фильмининг режиссёри Мاستонкул Кўкарбоевдан янги фильм! “Оташин севги” ёхуд “БМК”, яъни “Бўрибосар ва бир муҳаббат қиссаси – 2”.

...Кинотеатр чироқлари ўчирилиб, катта экранда қиз билан йигит кўринади. Қиз – шаҳардаги энг катта бойлардан бирининг арзандаси. Йигит – узоқ қишлоқлик камбағал одамнинг ўғли. Улар шаҳардаги севишганлар хиёбонининг дарахтлари куюқ кунжагида учрашаётти.

– Қоқиғулим, тушун, ахир, сени бир кун кўрмасам, ўлиб қоламан, – дейди йигит нўхат юлган кишининг кафтидек қабариб кетган қўли билан қизнинг оқ билагидан ушлаб.

– Алдаманг, Маматкул акажон! – дейди қиз қўлчаларини гўё йигитнинг қўлидан бўшатишга урингандек оҳиста тортқилаб. – Ёз бўйи интизор кутдим, қорангизни кўрсатмадингиз-ку...

– Зато, сен ҳар сония қалбимда бўлдинг, – йигит шу жойда бир шоир дўстининг луғат бойлигидан шпаргалка сифатида фойдаланди. – Ишонмасанг, юрагимга қулоғингни тут...

Қиз йигитнинг кўксига олов юзини босади...

Англаганингиздек, фильм ишқ-муҳаббат мавзусида. Қоқиғул образини ёш иқтидорли актриса

Қурбоной Қулниёзова талқин этган.

– Қурбоной билан беш йилдан бери ишлаймиз, – деди режиссёр Мاستонкул Кўкарбоев премьерадан олдин. – У шу давр мобайнида ўзининг бетакрор иқтидор соҳибаси эканини бир неча бор исботлади.

Қаҳрамон йигит – Маматқулни эстрада юлдузи Дижей Дамин ижро этган.

– Мухлисларимга ўзимнинг яна бир ёрқин қиррамни кўрсатдим, – деди у ва томошабинларга ўзини олқишлашлари учун уч сония имконият берди. Таассуфки, шусиз ҳам чапак чалавериб қўли толган мухлислар “санъаткор”нинг ширин истакларини пайқашмадим, олқишни насиё қилишди. “Юлдуз” давом этди: – “Эътибор берган бўлсанглар, – “санъаткор” халқни ўзига яқин олди, сенсираси – айнан “бўлсанглар” деди, – фильмда Қоқиғул билан истироҳат боғларида бир неча бор учрашман. Биласизми, сьёмкаларнинг бирида шунчалик қизиқ бир воқеа юз бердики...”

Дижей ҳикоя қилмоқчи бўлган “қизиқ” воқеанинг халқ учун қизиғи йўқ экан, шекилли, залда бирдан қарсақлар янграб, “санъаткор” ҳикоясини ютиб юборди...

Фильм оригинал лавҳаларга бой. Йигитдан қизга совчи боради. (Негадир, кейинги пайтларда фильмларимизда совчилик сахналарини умуман кўрсатишмаётган эди!) Қизнинг отаси, яъни Бойбува совчиларга улар ўзининг тенги эмаслигини айтади. Кунларнинг бирида Бойбуванинг бошига катта савдо тушади. Севимли ити Бўрибосарни

катта йўлда беҳосдан машина туртиб юборади. Тасодифан шу кўчадан ўтиб бораётган ошиқ йигит Маматқул бу ҳодисани кўриб қолиб, жониворни чаққонлик билан мол дўхтир ҳузурига етказди. (Маматқул ветеринарнинг шу яқин орада яшашини ўзининг қаҳрамонона интуицияси билан сезади.) Севимли Бўрибосарнинг жони омон қолади. Маматқул итни бойнинг дарвозасига етаклаб келди. Итни киргизади-ю, ўзи ҳовлига киришга унамайди. Уйга кириб, Бойбуванинг муборак қўлидан бир пиёла чой ичишни таклиф қилган хизматкорларга шундай дейди:

– Бойбуванинг итлари соғ-омон бўлсалар бўлди. Мен қишлоғимга кетаятман...

Бой эса йигитнинг мардлигига қойил қолади.

Фильмнинг аксарият лавҳалари ҳомийлик қилган кишиларнинг ҳовлиларида суратга олинди.

– Ушбу фильмнинг тарбиявий аҳамияти бор, – дейди режиссёр, кинони бетарбия одамлар кўриши керак, деган оҳангда.

Тақдимотдан сўнг мухбирлардан бири режиссёрдан: “Фильм Қоқиғул ва Маматқулнинг тўйи билан якунланди. Уларнинг кейинги ҳаёти ҳақида ҳам кино олиш ниятингиз йўқми?” деб сўради.

Бунга Кўкарбоев қисқача жавоб берди:

– Ҳаммаси фильмнинг қанча даромад келтиришига боғлиқ.

Кинотеатрлар гавжум. Демак, Кўкарбоевнинг “Оташин севги” ёхуд “БМК”, яъни “Бўрибосар ва бир муҳаббат қиссаси – 3”, “... – 4”, “... – 5”, “... – 6” фильмларини ҳам томоша қилиб қолсак, ажаб эмас.

